

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ**

**Қўлёзма хукуқида
УДК 9(58): 930.25 (100)**

ТЕШАБОЕВА МОҲИРА БАҲОДИР ҚИЗИ

**ХОРИЖИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА АРХИВ ИШИ
НАЗАРИЯСИННИГ ЎРГАНИЛИШИ**

**Мутахассислик: 5А 220301-Хужжатчилик, хужжатшунослик ва
архившунослик**

**Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ**

Илмий раҳбар: т.ф.н., доц.Буриева Х.А.

Тошкент– 2018

**МАВЗУ: “ХОРИЖИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА АРХИВ ИШИ
НАЗАРИЯСИННИГ ЎРГАНИЛИШИ”**

МУНДАРИЖА

КИРИШ 3 – 9

**I БОБ. ФАРБИЙ ЕВРОПА АРХИВШУНОСЛИГИДА
АРХИВ ИШИ НАЗАРИЯСИГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАР 10 – 37**

- 1.1.** Янги даврда архившунослик қарашларининг шаклланиши ва ривожланишининг назарий масалалари.
- 1.2.** Европада архившунослик қарашларининг тараққий этиши.
- 1.3.** Фарбий Европа олимларининг архив иши назарияси, амалиёти ва архивлар тарихи хусусида олиб борилган асосий тадқиқотлари.

**II БОБ. АҚШда АРХИВ ИШИ НАЗАРИСИ БҮЙИЧА ОЛИБ
БОРИЛГАН АЙРИМ ТАДҚИҚОТЛАР ТАҲЛИЛИ 38 – 97**

- 2.1.** АҚШ олимлари асарларида архив иши назарияси тарихига бўлган ёндашув .
- 2.2.** Архив иши бошқаруви назарияси: С.Х.Женкинсон қарашлари.
- 2.3.** Замонавий архивлар талқини: Т.Р.Шелленберг назарияси.

**III БОБ. РОССИЯ ТАДҚИҚОТЧИЛАРИ АСАРЛАРИДА
АРХИВ ИШИ НАЗАРИЯСИГА БЎЛГАН ҚАРАШЛАР 98 – 128**

- 3.1.** Архив назарияси бўйича Россия олимлари ишлари.
- 3.2.** XX асрда Россияда архивчилик соҳасида амалга оширилган тадқиқотлар шарҳи ва улардаги назарий масалалар.

ХУЛОСА 130 – 133

АДАБИЁТЛАР 134 – 138

К И Р И Ш

Магистрлик диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Замонавий илм-фан ва техника тараққиёти ҳар бир соҳа мутахассиларидан чуқур билим ва маҳоратли тажрибага эга бўлишни талаб қиласди. Шунингдек, у касби билан боғлиқ бўлган турдош касб ва илмларни ҳам мукаммал эгалаши лозим. Бунда бугунги модернизация ва глобаллашув жараёнларининг ўз таъсири бор, албатта. Соҳа мутахассислари учун нафақат маҳаллий билим ва кўникмалар, балки хориж мамлакатларида тўпланиб келинаётган тажрибалардан боҳабар бўлиш, уларни имкон қадар пухта эгаллашлари зарурӣ вазифага айланган. Давлатимиз раҳбари ҳурматли Президент Мирзиёев Ш.М. томонидан Ўзбекистон Республикасининг келгуси даврда ривожланиши билан боғлиқ бўлган муҳим ўзгаришларни амалга ошириш борасида илгари сурилган Ҳаракатлар стратегияси дастурида ҳам айнан янгича ёндашув, юқори билим, ҳар томонлама синалган ва чуқур тажриба, замонавий, хорижий билим, кўникмалардан унумли фойдаланиш борасида зарур чора-тадбирлар белгилаб берилган¹.

Шу нуқтаи назардан архившунослик соҳасининг тараққий этиши Ўзбекистонда ҳам республика олимлари ва мутахассислари саъи-ҳаракатлари, ҳам хорижий тажрибалардан унумли фойдаланиш усулларини сингдириш билан узвий боғлиқдир. Бугунги қунда архившунослик соҳасида хорижий грантлар асосида ҳамкорликни ривожлантириш бўйича талайгина ишлар амалга оширилган бўлса-да, хорижий адабиётлар билан ишлаш муаммоси ҳанузгача ҳал қилинмаган. Республика олийгоҳлари ва ўрта махсус таълим муассасаларида архившуносликда хорижий адабиётлардан фойдаланиш ишлари ҳали заиф кечиши кузатилади. Ушбу вазият архившунос мутахассилардан хорижий адабиётлар маълумотларини жалб қилиб, янги ўқув адабиётларини яратишни таъқозо этади. Шунингдек, фан

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016.

ўқитувчиларининг маъruzalari ҳам айнан чет элларда соҳада эришилган ютуқлари баён этилган адабиётлар мазмуни билан бойитиб борилиши лозим. Бундай ишлар аста-секинлик билан амалга оширишини қайд этиш жоиз. Ушбу сабабга кўра, мазкур магистрлик диссертация иши дунёда ривожланган давлатлар қаторида турувчи Европа мамлакатлари, АҚШ ва Россияда архив назарияси тарихини ўрганиш борасида олиб борилган тадқиқотлар таҳлили мавзусига бағишлиланган.

Тадқиқот обьектини хорижий архившунос олимларининг архив иши назарияси ҳамда архивлар фаолиятининг назарий масалаларига бағишлиланган асарлари ташкил қиласди.

Тадқиқот предмети сифатида Фарбий Европа, АҚШ, Россия тарихчи, архившунос олимларининг ўрганилаётган даврда архившунослик соҳасида нашр этган китоблари, илмий мақолалари, архив йўл кўрсатикичлари ва бошқа турдаги архив илмий-маълумотномалари, шунингдек, архив тарихшунослиги йўналишида бажарилган илмий тадқиқот асарлари танланган.

Тадқиқот мақсад ва вазифалари. Ушбу илмий тадқиқот ишини олиб борищдан мақсад қилиб Европа, АҚШ, Россияда архив иши назарияси ўрганиш борасида олиб борилган тадқиқотларни таҳлил қилиш ва олимларининг қарашлари билан танишиб чиқиш асосий мақсад қилиб белгиланган.

Мазкур йўналишда изланишларни амалга ошириш учун қўйидагилар вазифалар сифатида танлаб олинган:

- Европа, АҚШ, Россияда ўрганилаётган даврда архив иши назарияси ва тарихини ўрганиш борасида олиб борилган илмий изланишлари хусусида ахборот жамлаш;
- Ўрганилаётган худудларда турли даврларда архившунослик соҳаси ривожига ҳисса қўшган олим, мутахассислар ва уларнинг илмий тадқиқот ишларига шарҳ бериш;

- Европа, АҚШ, Россияда ўрганилаётган даврда архив иши назариясига бўлган қарашларни қисқача таҳлил қилиш;
- Архив иши назарияси соҳасида қўлланиладиган асосий тушунчаларни изоҳлашда олимлари қарашларини баён қилиш;
- Европада ўрганилатган даврда архив иши назариясимасалалари билан боғлиқ тадқиқотлар бўйича маълумотлар йифиш ва уларни ўрганиш;
- АҚШда архив иши назарияси тадқиқ этишга салмоқли хисса қўшган айрим олимларнинг илмий қарашлари ҳақида тасавур бериш;
- Россияда архившунослик ва архив иши назарияси, архивлар тарихи мавзусида изланишлар олиб борган олимларнинг назарий қарашлари хусусида мулоҳазалар келтириш;
- Архив назарияси тарихини ўрганиш бўйича хорижий мутахассислар томонидан олиб борган тадқиқотлар асосида архив назариясини ўрганиш бўйича таклифлар киритиш.

Тадқиқот ишининг илмий янгилиги. Диссертацияда қуйидаги илмий янгиликларга эришилди:

- хорижий тарихшунос, архившунос олимлар ва архив иши мутахассислари томонидан архив иши назарияси ва тарихини ўрганиш бўйича яратган илмий ва илмий-амалий асарлари тўғрисида маълумотлар тўпланиб, олимлар асосий эътиборни қаратган масалалар аниқлаб берилди;
- Гарбий Европада XVI–XX биринчи ярмида архив иши назарияси, архив иши тарихшунослиги ҳамда архившунослик соҳасига айниқса катта хисса қўшган олим, мутахассислари ва уларнинг асосий тадқиқотлари хусусида маълумотлар жамланди;
- Россияда XVIII–XX биринчи ярмида архившунослик соҳасида илмий изланишлар олиб борган архившунос олимлар, архив соҳаси мутахассисларининг назарий қарашларига шарҳ келтирилди;
- АҚШда архив иши назарияси бағишлиб илмий тадқиқотлар олиб борилган бир қанча олимларнинг назарий қарашлари таҳлили бажарилди;

- яхлит бир илмий иш доирасида ўрганилаётган учта ҳудуд (АҚШ, Гарбий Европа, Россия) архившунос олимларининг архив иши назарияси ҳамда архив назарияси тарихи бўйича олиб борган илмий асарлари ҳақида маълумотлар жамлаб берилди;
- хорижий олимларнинг ахив иши назарияси тарихини ўрганиши борасидаги ютуқлари ва ушбу масалани ўрганиш бўйича муаммолар қайд этилди, амалий тавсиялар берилшга ҳаракат қилинди.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи. Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Ўзбекистонда архившунослик соҳаси ривожига мустақиллик йилларининг дастлабки кунлариданоқ алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бунинг далили сифатида халқимиз, хукуматимиз томонидан архив иши учун жаҳон стандартларига жавоб берувчи, миллий менталитетимиз ва архив материалларимизнинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга оловчи мустаҳкам хукуқий-меърий базасининг яратилишини, давлатимиз томонидан архив муасасалари биноларини қайта қуриш, таъмирлаш, янги ускуналар билан жиҳозлаш, архив тармоқларини кўпайтириш, тизимини кенгайтириш, архившунос мутахассларни тайёрлаш учун олийгоҳларда маҳсус йўналишларни очиш ва улар орқали малакали кадрлар билан соҳани таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларни қайд этиш лозим.

Айни вактда архившунослик соҳасининг равнақи учун халқаро алоқалар ўрнатиш, илмий, ўқув, услубий адабиётлар яратиш ва уларни ўқув жараёни, кенг муомалага тадбиқ этиш жараёни фаол амалга ошириб келинмоқда. Бу борада хорижий тажрибадан фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади ва бундаги сайъ-ҳаракатлар давлатимиз ривожланиш дастурларида ҳам назарда тутилган. Шу боис мамлакатимиз ўқув даргоҳларида нафақат маҳаллий адабиётлар, балки хорижий мутахассислар томонидан ёзилган асарларни жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, архившунослик, архив иши, архив ишининг назарий ва амалий масалаларига доир хорижий адабиётларни таржима қилиш, тадқиқ этиш ва

амалиётга тадбиқ қилиш ишлар кўлами тобора кенгайтирилмоқда. Бунда соҳага тегишли бўлган турли мавзулар қамраб олинмоқда. Масалан, архив назарияси ва унинг ўрганилиши билан боғлиқ билимлар ҳақидаги тасаввурлар бизда жаҳонда архившунослик соҳасининг тарихи, тадқиқ қилинган қирралари ва ўрганилмаган жиҳатлари ҳақида маълумотлар беради.

АҚШда: Кухн, Фоукалт, Дуранти, Фукал, Франк Болс, Жулиа М., Хелен Самуел, А.Греене, Todd Ж., Даниелс Хоуелл, Грин, Кендес Лоуен, Берндт Фредреексон, Хиллари Женкинсон, Шелленберг, Сю Маккемиш, Ангелика Менне-Харитз, Лусиана Дуранти архив хужжатларига адабий тақриз, архивларда методик ёзув, прагматик ёзув, қиёсий ёзиш, хужжатларни юритиш ва сақлаш, архивлардан фойдаланиш, архиларнинг назарий масалалари мавзулари бўйича назарий мулоҳазлар берганлар¹.

Европада архившунослик ва, хусусан, архив назарияси ва тарихшунослиги масалалари бўйича қуйидаги олимлар илмий изланишларни амалга оширганлар: Якоб фон Рамминген, Балтазар Бонифаций, Агасфер Фритч, Карл Цинкернагельн, Н.Н.Эргард, Ф.Л.Медом, С.Мюллер, И.Фейт ва Р.Фруин, Пьер Франсуа Фрунье, Ж.Ришу, Ш.Ланглуа, С.Мюллера, Й.Фейта, Р.Фруина, Е.Себастьяни, П.Тадди, Г-Хольтцингер, П.Пеккъяи, Г.Бреслау, Ф.Кювелье ва бошқалар архивларнинг сўнгги ўрта асрлардан XX асргача бўлган даврда тараққий этиши, уларга доир муаммолар, назарий қарашлар, амалий тавсиялар, архивларда иш юритиш, хужжатларни тартибда сақлаш ва бошқа архившуносликка доир мавзуларни тадқиқ қилганлар².

Россияда архив соҳаси тарихшунослиги анча кенг ўрганилган мавзулардан бўлсада, бирор архив назарияси ва архив назарияси тарихи муаммолари ҳали анча кенг доирада тадқиқ қилинишини талаб этади. Ушбу

¹ John Ridener. From polders to postmodernism: an intellectual history of archival theory. California, USA. 2007. P.170. ;Басқаков Э.Г. Архивное дело в США. / В кн. «Архивное дело в зарубежных странах» / В кн. «Архивное дело в зарубежных странах». Очерки. – Вып.1. – М., 1963. – 247 с.; Виноградов Н.В., Гармаш В.Н. Современное архивоведение в США: проблемы и поиски решений. – М., 1987. – С.90.; Сокова А.Н. Архивы и управление документацией за рубежом. – М., 1997. – С.178.

²Архивные курсы. История архивного дела классической древности в Западной Европе и на мусульманском Востоке. Пг., 1920.; Архивное дело в зарубежных странах: очерки /Под ред. Л. Смоктуновича. Вып.1. М., 1963.; Бржостовская Н.В., Илизаров Б.С. Архивное дело с древнейших времен до 1917 г. //Труды ВНИИДАД. Т. 1, 2. М., 1979.

масалада қуидаги олимлар ишларини қайд этиш мүмкин: Н.Н.Бантиш-Каменский, В.Н.Автократов, П.И.Иванов, А.И.Лебедев, К.Г.Митяев, Н.Ф.Бельчиков, Е.В.Старостин, И.В.Карапетянц, Н.В.Бржовстовская, Т.И.Хорхордина тадқиқотларида архив назарияси масалалари талқин қилиб, шунингдек, архивлар тарихи, хорижий мамлакатлар архивлари, архив иши тарихшунослиги мавзулари ёритилган¹.

Афсуски, ҳозирги вақтга қадар мамлакатимизда хорижий мутахассисларнинг архив назарияси ва умуман архившунослик соҳасида амалга оширган илмий тадқиқотлари, тарихшунослик қарашлари тўғрисида муфасал маълумот берувчи ягона тадқиқот бажарилмаган ва бу борада фақатгина алоҳида илмий мақолалар чоп қилинган, айниқса ўзбек тилида бундай илмий ишлар жуда оз бўлиб, илмий тадқиқотларни амалга ошириш муҳим вазифалардан саналади. Шу боис, мазкур магистрлик диссертациясида ушбу мавзуни тадқиқ қилиш борасида ҳаракатлар амалга оширилган.

Тадқиқотнинг услугий ва манбавий асослари. Магистрлик диссертация ишини ёзиш жараёнида илмийлик, тадрижийлик, тарихий таққослаш, таҳлилий, умумлаштиувчи услублардан, шунингдек, миллийлик, байналминаллик, умуминсоний қадриятлар шакллантириш нуқтаи назаридан ёндашилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг дастурларида илгари сурилган фикрлар, архив соҳасига оид илмий адабиётларда қўлланилган тадқиқот усуллари услугий асос бўлиб хизмат қилди.

¹Самоквасов Д. Я. Архивное дело в России : в 2 кн. / Д. Я. Самоквасов. М. : Тов-во типографии А. И. Мамонтова, 1902. Кн. 1. Современное русское архивное нестроение. 1852–1902. 172 с.; Кн. 2. Прошедшая, настоящая и будущая постановка архивного дела в России. 329 с. Самошенко В. Н. Исторические архивы дореволюционной России : учеб. пособие / В. Н. Самошенко. М. : МГИАИ, 1986. 246 с.; Старостин Е.В. Архивное источниковедение: терминологические споры //Источниковедение и краеведение в культуре России: К 50-летию служения С.О. Шмидта Историко-архивному институту. М., 2000; Вовкотруб О.В., Фионова Л.Р. Архивоведение. Учебное пособие. Пенза, 2005. – 120 с.; Цеменкова С.И. История архивов России с древнейших времен до начала XX века. Учебное пособие, Екатеринбург, 2015. – 156 с.

Илмий ишни ёзишда Европа, АҚШ, Россияда нашр қилинган архившунослик, архив назарияси, архив назарияси тарихи соҳасига тааллуқли илмий адабиётлар, шунингдек, бошқа хорижий олимларнинг архив назарияси билан боғлиқ илмий ишларидан кенг фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Ушбу илмий тадқиқот иши натижаларидан архившунослик ҳамда тарих йўналишлари бўйича таҳсил олаётган талабалар, ўқувчиларга билим беришда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, “Архив назарияси ва услубиёти”, “Архившунослик”, “Жаҳон архивлари тарихи ва замонавий архившунослик”, “Жаҳон архивлари тарихи ва тажрибаси”, “Жаҳон тарихи”, “Хужжатшунослик”, “Замонавий иш юритиш асослари” фанлари бўйича ўқув адабиётларини яратишда, ўқув машғулотларини ўтказишда, амалиётни ташкил қилишда, архив соҳасида инновацион ҳояларни тðбиқ қилишда, халқаро ҳамкорлик ўрнатишда, архив соҳаси билан боғлиқ халқаро грант мавзуларини илмий тадқиқ этишда ва шунга доир асаллар яратишда мазкур ишда келтирилган янги маълумотларни жалб қилиш тавсия қилинади.

Тадқиқотнинг даврий чегараси. Мазкур тадқиқот ишида Европа, АҚШ, Россияда архив назарияси тарихини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотчиларнинг назарий қарашлари ўрганилган бўлиб, уларнинг илмий изланишларида кўпроқ XVI аср охири – XX асрда вужудга келган илмий қараш ва ёндашувлар таҳлил этилган ва шу боис, мазкур асрлар оралиги даврий чегара сифатида танлаб олинган.

Магистрлик диссертация ишининг таркиби. Мазкур тадқиқот иши кириш, 3 та боб, шу жумладан, 8 та банд, хуроса ва адабиётлар рўйхати қисмларидан ташкил топган.

И Б О Б

ҒАРБИЙ ЕВРОПА АРХИВШУНОСЛИГИДА АРХИВ ИШИ НАЗАРИЯСИГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАР

1.1. Янги даврда архившунослик қарашларининг шаклланиши ва ривожланишининг назарий масалалари

Кишилийк жамиятининг ривожланиши тарихий турли тарихий жараёнлар таъсири билан бевосита боғлиқ бўлиб, ундаги ўзгаришларнинг асоси ана ушбу тарихий воқеаларнинг хусусиятларидан келиб чиқади. Шу тариқа ҳар бир тарихий давр инсоният тарихида ўз изини қолдиради. Янги тарих даврига келса, мазкур вақтда жамиятда тузумнинг ўзгариши, давлат бошқарувининг янгича шакллари, жамиятда эса кишилийк муносабатларининг ўзгача янги шакллари кузатилади. Хусусан, Ғарбий Европа минтақасини олса, бу ерда XVI аср – XVIII аср охирларида феодал муносабатларнинг астасекин емирилиши ва уларнинг ўрнида капиталистик муносабатларнинг шаклланиши жараёнлари кечганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Ўз навбатида, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётда ҳам туб ўзгаришлар рўёбга чиқди. Албатта, буларнинг барчаси илм-фан назаридан четда қолмади, яъни турли соҳа мутахассислари мазкур ҳодисаларга баҳо бериб, буларнинг илмий асосларини яратиш, уларни тараққий этиши учун шарт-шароитларни ўрганиш, уларнинг келажакдаги риавнақини башорат қилиш масалаларини тадқиқ қилганлар. Хусусан, тарих ва ёрдамчи тарих фанларида янги йўналишдаги илмий изланишлар олиб борилиди. Архившунослик соҳасида мазкур замонда “амалий архившунослик”, яъни архив ҳужжатларини саралаш, тартибга солиш, сақлаш, ҳамда улардан фойдаланиш қоидаларини ишлаб чиқиши тадқиқ этиш айниқса кенг тарқалди. Албатта, бундай масалалар бўйича кўрсатмалар аввалги тарихий даврларда ҳам бўлган, ҳатто қадимги архивлар ва кутубхоналарда ҳам ҳужжатларни сақлашга доир маълум тартиб ва қоидаларга амал қилинган, кейинчалик, ўрта асрлар

даврида ушбу муаммо бўйича оддий турдаги йўриқномалар ҳам ишлаб чиқилган. Аммо архившуносликнинг амалий масалаларини ёритувчи илмий изланишларни олиб бориш Ғарбий Европада айнан янги тарих даврида жадаллаштирилган ва архившунослик фани соҳасининг вужудга келишига замин яратган.

XVI–XVII асрларда Европа мамлакатлари давлат бошқарувида ихтисослашиш жихатлари кучайиб бориб, масъул котиб, вазир, элчи, дипломат ва ҳ.к.лар томонидан юритиб келинган ва шу пайтгача уларнинг тасарруфида сақлаб келинган эндиликда оммавий ҳужжатлар сифатида эътироф этила бошланди ва бунга нафақат уларнинг келиб чиқиши, балки мазмун-моҳияти ҳам сабаб бўлган. Ҳужжатлардан сиёсий баҳслар, диний мунозаралар ва шу каби масалаларга ойдинлик киритишда сиёсий далил сифатида фойдаланилган. Хатто халқаро битимларда архивлар тақдирини ҳал этувчи масалаларга эътибор қаратилиши бошланган. Ижтимоий курашда ҳам архив ҳужжатларининг аҳамияти ортиб борган. Архивлар боғлиқ мазкур ўзгаришларда табақавий монархиядан мутлақ монархияга ўтиш жараёни ёрқин ифодасини топиб, кенгайиб бораётган давлат бошқаруви аппарати, ягона миллатнинг ҳамда миллий маданиятнинг вужудга келиши, тарихийқарашларнинг ривожи ушбу даврга хос бўлган. Шундай қилиб, иш юритиш ва архившунослик соҳасидаги дастлабки илмий изланишларнинг олиб борилиши архив иши тараққиётида туб бурилиш даврига тўғри келиб, бу замонда аввал фақат ўтган даврлардан хотира сифатида сақланиб келинган ҳужжатларни (ёрлиқ, шартнома, акт ва ҳ.к.) сақлаш билан шуғулланган архив идоралари эндиликда ташкилий, кўрсатма берувчи, суд, молия ҳужжатларини тобора қўпроқ қабул қилишни бошлаганлар. Ушбу йилларда китоб босма қилишнинг ривожланиб бориши сабабли, архив ҳужжатлари деярли баъзи жойларда кутубхоналардан ажратиб олинди ва алоҳида архив сақловхоналарида жойлаштирилджи. Газна ва девонхона билан бевосита боғлиқ бўлган архивлар бошқарув тизимида муҳим аҳамият касб этганлар ва

бу ҳолат XVI–XVII асрларда архивлар ҳамда регистратуралар учун ишлаб чиқилган йўриқномаларда ўз аксинни топган.

Бу борада германиялик **Якоб фон Рамминген** (1507 – таҳм. 1577)нинг 1571 йилда архивлар бўйича нашр этган иккита китобини қайд этиш мумкин, бу; “Регистратура, унинг тузилиши ва бошқаруви” ҳамда “Мукаммал ва тўлиқ регистратура тўғрисида қисқача хабарнома”. Ушбу тадқиқотларда мутахассис регистратуранинг ташкилот бошқа қисмлари орасидаги ўрнини белгилаб беришга ҳаракат қилган¹. Якоб фон Рамминген регистратурани мустақил бўлим сифатида, бир томондан, девонхона (канцелярия) ва суд палатаси, иккинчи томондан эса, молия бошқаруви билан тенглаштирган. Бунда тадқиқотчи регистратуранинг бажарадиган ишлари муҳимлигини далил сифатида кўрсатган. Ушбу бўлим ҳужжатлари “худудий давлатчилик” ҳамда суд ишларининг амалий эҳтиёжлари учун зарурлигини алоҳида қайд этган. Рамминген томонидан таклиф этилган ҳужжатларни таснифлаш схемаси қуидагича: мулк эгаси (подшоҳ), унга хизмат қилувчиларнинг ҳужжатлари, ички бошқарув ва ташқи алоқалар бўйича қофозлар. Мазкур тартибот ўша даврда Германия давлат аппарати бошқарувида шаклланган вазифалар ва ваколатларни ўз ичидаги акс этган². Раммингеннинг архив ишига бўлган қизиқишлари тарихга нисбатан гуманистик ҳамда тарихшунослик нуқтаи назаридан ёндашиш ва ҳужжатли ёдгорликларга алоҳида эътиборли бўлишдан далолат беради.

Венециялик сўз устаси ва шоир **Балтазар Бонифаций** (1586–1659) “Архивлар ҳақида китоб” асарини ёзган, ушбу асар мазкур даврда шаклланиб келаётган тарихий архивнинг итальянча турига бағишлиланган³. Олимнинг хизматлари хусусида гап борар экан, унинг биринчи бўлиб “архив”

¹ Регистратура – лотинча *registus*, регистрлар сакловхонаси, яъни оммавий ёки шахсий ёзувлар матни битилган китоблар, асосан чиқиши ҳужжатлари. Германия ва Скандинавия давлатларида XVI–XVII асрларда пайдо бўлган. Кейинчалик – бирор-бир муассасанинг ҳам чиқиши, ҳам қириш ҳужжатларини сақловчи қисми. Жорий архив муассасаларига қўшилиб кетган.

Бржостовская Н.В. Методологические вопросы изучения архивного дела. // Методологические вопросы документоведения и архивоведения. М., 1976. С.114-136.

²Rammingen J. von.Von der Registratur und Gebaunden und regiment.Heidelberg, 1571. Яна қаранг: Бржостовская Н.В. Развитие архивного дела с древнейших времен до наших дней. М., 1979. С.58.

³ Bonifacius Balthasar. De Archivis Liber singularis. Venedig, 1632. Яна қаранг: Бржостовская Н.В. Развитие архивного дела с древнейших времен до наших дней. М., 1979. С.109.

тушунчасини тиклагани, архив ҳужжатларининг оммавий хусусиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтган ва ушбу муассасанинг антик даврдан бошлаб то янги замонгача бўлган тараққиётини ва шаклларини таърифлаб берган. Архив ташкилотлари материалларининг “барча учун очик бўлиши” талабини тадқиқотчи кучайиб бораётган бюрократик тизим учун эмас, балки юридик-хуқуқий муносабатларга зарурлиги билан асослаган. Ҳужжатлар мазмунининг юридик жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда, Балтазар Бонифаций уларни дастлаб ҳудудларга кўра, сўнг эса предметлар ва хронологиясига кўра таснифлаш таклифини илгари сурган. Бу билан олим ҳудудий таснифлашнинг дастлабки асосларига замин яратишга уринган. Бундай ёндашув фақат Италиядек мамлакатда шаклланиши мумкин эди, зеро бу давлатда ер эгалари ҳисобланмиш аристократия ўз кучини йўқотиб борарди, савдо ва хунармандчилик марказлари саналмиш шаҳарлар эса, ансинча, гуллаб-яшнаган. Келиб чиқиши дворян бўлган зодагонлар ёки бошқа шаҳарлар маъмуриятининг бирор-бир шаҳар-республикани ўзига тобеъ қилишга томон уринишлари тирания кўриниши ва эркинликка зид бўлган харакат сифатида қатъий танқидга учраган. Китоб жамоатчилик эътиборини торган ва кейинчалик ҳам италиядада бир неча бор чоп қилинган. Архивларнинг оммавий хусусиятини бошқа бир италиялик олим Николо Джиуссани ҳам эътироф этиб, мазкур муассасаларни “оммавий актлар тўпланадиган жой” деб атаган¹.

Теолог ва канцлер *Агасфер Фритч* (1629–1701) архивлар ҳақида ёзган кейинги авлод ёзувчиларидан ҳисобланган. Раммингена ҳамда Бонифацийлардан фарқли ўлароқ у давлат аппарати иши билан яхши таниш бўлиб, турли воқеаларга бой XVII асрда архивларнинг давлат ва жамият ҳаётида нечоғлик мухим роль ўйнашининг бевосита гувоҳи бўлган. Ўзининг “Архив ва девонхона тўгрисида юридик трактат” номли китобида Фритч архив муассасасининг юридик табиатига эътибор қаратган ва давлат

¹Giussanus Nicolaus. Methodus Archiviorum, seu modus cadus cadem texehdi as disponendi Mediolani, ex Typographia Francisci Vigoni, in foro Piscario Veteri, 1864. Яна қаранг: Маяковский И.Л. У истоков развития истории архивов зарубежных стран. М., 1992. С.91.

хукмдори ҳамда феодал ҳуқуқи тамойиллариға содиқлигини намоён қилган¹. У асосий эътиборни кайзера ва курфюрст архивларига қаратиб, уларнинг хужжатлари тўлиқ ҳуқуқий кучга эгалигини эътироф этган; айни вақтда нодавлат архивларининг (корпорация, хусусий архив) фақатгина маълум исбот далил сифатида қўлланилиши мумкинлигини таъкидлаган. Шу боис, Фритч фикрига кўра, фақатгина кайзер ва империя шаҳарлари архив тузиш ҳуқуқига эга бўлишлари лозим. Ҳужжатларни сақлаш ва уларни фойдаланиш учун тақдим этишни олим архивларнинг асосий вазифаси сифатида белгилайди, бироқ шу билан бирга, империяга тегишли бўлмаган шаҳарларда ҳам архивлар ташкил қилинишини инкор этмайди. Фритчнинг “архив ҳуқуқи”ни ўша даврда ҳукмрон сурган қарашлар нуқтаи назаридан келиб чиқиб оммавий ҳуқуқ эмас, балки мулкий ҳуқуқ сифатида талқин қилиниши ҳам бежиз эмас. Архивларни ҳукумат тепасида турувчи феодаллар қўлидан тортиб олиб, оммага тақдим этиш учун бу тарихий даврда ғалабали буржуа инқилобларини ўтказиш зарур бўлган.

Шунингдек, германиялик тадқиқотчилар А.Фритч ва Георг Аеббтлин архивларда хужжатларни юритиш, хусусан, регистратура қоидалари тўғрисида изланишлар олиб борганлар. Георг Аеббтлин кейинчалик “Архивлар ва регистратуралар тўғрисида тракта ёки регитратура санъати бўйича йўриқнома” асарини ёзган, унда архивларни давлат “фундаменти” билан таққослаган². Аввалги тадқиқотчилардан фарқли ўлароқ, Аеббтлин регитратура архив хужжатлари таснифини амалиётга яқинроқ ёндошган ҳолда беришга уринган ва қуйидагича гурухларга ажратган: 1. Махфий архив, унда имтиёз берувчи хужжатлар, ёрликлар ва ш.к.ларнинг асл нусхалари сақланган, ушбу бўлим “ёрликлар архиви” деб аталади; 2. Давлат ва черковларга тегишли бўлган акт турига мансуб хужжатлар сақловхонаси, яъни “актлар архиви” (XVI асрдан бошланган); 3. Жорий иш юритишга доир

¹ Fritchus Ahasverus. Tractatus de jure archive et cancellariae. Iena, 1664. Яна қаранг: Маяковский И.Л. У истоков развития истории архивов зарубежных стран. М., 1992. С.110.

² Aebbtlin Georg. Tractatio de archivis atque registraturis vulga. Anfuhrungzuder Registraturkunst.Ulm, 1669. Яна қаранг: Маяковский И.Л. У истоков развития истории архивов зарубежных стран. М., 1992. С.189.

хужжатлар учун реперторияларга эга бўлган регистратура. Таъкидлаб ўтиш жоизки, муаллиф регистратура ишидан яхши хабардор бўлган, шу боис ўз изланишларида хужжатларни тартибга солиш, ташкил этиш ва шарҳлаш бўйича фойдали маслаҳатлар келтирган.

Германия Маҳфий кенгаш аъзоси *Якоб Бернгард Мульти* ўзининг “Девонхона ва архив хуқуқи ҳақида” номли асарини Маърифат асрининг якунида ёзган ва унда ўзига хос услубда аввалги архившунос олимларнинг ишини умумлаштиришга ҳаракат қилган¹. Тадқиқотчи илк бор хужжатларни уларни яратган муассаслар бўйича таснифлашга уринган. Бунда консистория ва черков муассасалари черков хужжатлари гуруҳини яратади; кенгаш ва девонхона, ўз навбатида, сиёсий ҳамда хуқуқий хужжатлар тузади; палата ва молия муассасалари эса молиявий хужжатларни шакллантиради. Ушбу гуруҳлардан учта архив ташкил қилинади. Из этих групп образуются три архива. XVII аср охирларида фаолият юритган ушбу немис амалдори интуитив тарзда хужжатлар келиб чиқиши принципига асосланган ва уларни предметларга кўра таснифлашни таклиф қилган.

XVII аср охири – XVIII аср бошларида Европада илм-фан равнақида чуқур ўзгаришлар кузатилди. Қатор университетларда академиялар ташкил қилиниб, олимлар томонидан илмий-тадқиқот ишларини олиб боришка имкониятлар янада кенгайди. Айниқса китоб нашр қилиш ва қутубхона ишида сезиларли ўзгаришлар бўлди. Ушбу даврда франциялик таниқлироҳиб ва олим *Жан Мабильон* (мавристик оқим намояндаси) ”De re diplomatica” – «Дипломатика» (1681 г.) асарини нашр эттирди ва унда хужжатнинг асли ҳамда ясама нусхаси ҳақида мулоҳазалар келтирди; ушбу асар архившунослик фанина яқин бўлган дипломатика фанига асос бўлувчи адабиётлардан ҳисобланади.

Бу даврда архивлар муассасаларининг илмий ва амалий ишида анча тажриба ортди. Шу тариқа архившуносликни илмий ҳамда услубий жиҳатдан

¹ Multz Jacob Bernhard von Obershonfeld. De jure cancellariae et archive. Ottingen, 1692. Яна каранг: Виноградов В.М. Вопросы критики методологии и теории современного буржуазного архивоведения // актуальные проблемы архивоведения и документоведения в свете решений XXVI съезда КПСС. Сб.ст. М., 1984. С.45-56.

такомиллаштириш талаба долзарб масалага айланди. Мазкур йўналишда Страсбург давлат архиви архивчиси Якоб Венкер XVII аср бошларида нашр қилдирган икки тадқиқоти эътиборни тортади. Уларда XVII асрда регистратура ва архивлар тўғрисидаги нашрлар бўйича услубий тавсиялар ва библиография хусусида илмий мулоҳазалар ўрин олган¹. Ушбу тадқиқотлар библиографиянинг назарий масалаларига бағишлиланган дастлабки илмий ишлардан саналади.

Кейиннги йилларда, аникроғи XVIII аср дастлабки қирқ йили давомида Европада архив назариясига оид янги асарлар чоп этилмаган. Бироқ XVIII асрнинг иккинчи ярмида бундай илмий асарлар кўпайди². Жумладан, архившунослар П.К.Лемуан, Ф.Э.Шпесс, К.Х.Гюнтер, Ф.Штусс асарларида архивларда ҳужжатларни ташкиллаштириш масалалари асосий ўринни эгаллайди.

Иоганн Стефан Пюттернинг “Юридик амалиётга йшиқнома” номли китобининг учинчи қисмида келтирилган маълумотлар архив назариясига тааллуқли бўлиб, унда архив муассасаларида иш жараёнини ташкил қилиш масалалари ёритилган³. Лион шаҳрининг черков архиви ҳужжатларини сақловчиси Льер Камилль Лемуан “Амалий дипломатика, ёки архивлар ҳамда хартиялар хазиналарини тартибга солиш тўғрисида трактат”⁴ номли асарида архив сақловхоналарида ишни ташкил қилиш бўйича тавсиялар берилган, муаллиф уларни амалий масалаларга таяниб шарҳлашга ҳаракат қилган. Ушбу йўналишда яна бир француз мутахассиси Баттеней ҳам тадқиқотлар олиб борган. Унинг “Француз архивчиси ёки архивларни тартибга солишнинг ишончли усули” асарида эски матнлар дастхатини ўқиш ва уларни архивларда сақлаш муаммоларини талқин қилиш мақсад қилиб

¹ Wencker Jacob. Apparatus et instruktus archivorum und usu nostril temporis vulgo Von registratur und Renovatur. Strasburg, 1793. Яна қаранг: Виноградов В.М. Вопросы критики методологии и теории современного буржуазного архивоведения // актуальные проблемы архивоведения и документоведения в свете решений XXVI съезда КПСС. Сб.ст. М., 1984. С.45-56.

² Albertini Barisoni. Epislopi senetensis. De Archivis. Commentarius.Yenetiis, 1737. Яна қаранг: Чанцева В.И. История развития хранилищ документальных материалов в зарубежных странах. М., 1981. С.78-79.

³ Putter Johann Stephan. Anleitung zur juristischen Praxis.Gottingen, 1753. Яна қаранг: Чанцева В.И. История развития хранилищ документальных материалов в зарубежных странах. М., 1981. С.81-82.

⁴ Уша жойда, 95 б.

олинган¹. Баттеней сеньориал архивини мисол тариқасида олган. Бундай архивларда иш юритишни олий малакали, лотин ва эски француз тилини яхши биладиган, ҳужжатларни маъносини ва турини фарқлай биладиган, феодал ҳукуқини пухта ўзлаштирган мутахассисга ишониш мумкинлигини таъкидлаган. Ҳужжатларни таснифлашда Баттеней дастлаб уларни худудлар бўйича, кейинги навбатда предметларга кўра (тармоқлар бўйича), сўнгра ҳар бир гурух ичида хронологик тарзда жойлаштириб, ундан кейин уларга шарҳлар ёзишни тавсия қилиш мумкинлигини қайд этади. Бунда Баттеней Балтазар Бонифацийдан илгарилаб кетиб, унинг тадқиқотида шарҳ ёзиш, йиғмажиллар, ўрамларни шарҳлаш, картонлаш жараёнларига мисоллар келтирилади. Кейинги навбатда ушбу маълумотлар архивнинг бош шарҳига, яъни архивчи ишинининг яқунловчи босқичига киритилади.

Феодал ҳукуқи бўйича мутахассис сифатида танилган Марье архивларда ишлаш борасида катта тажрибага эга бўлган. У 1779 йилда “Архивлар тўғрисида трактат” асарини нашр эттирган². Ушбу асар сеньориал архивлар, капитула ва бошқа бир муассаса ҳужжатларини тартибга келтириш бўйича қўлланма сифатида тан олинади.

Архивни тартибга келтиришни Марье шажара дарахтини тиклаш ишига таққослади. Унинг ҳужжатлар таснифи предметли-мантиқий услугга асосланади. Сеньориал архиви ҳужжатларини у еттига гуруҳга таснифлашни таклиф қиласи: хусусий мулк эгаси; черков; сеньория; суд ишлари; ер эгалиги; сеньорнинг хусусий ишлари; сўровнома ёки турли ҳужжатлар. Ҳар бир гурух ўз навбатида янада кичикроқ синфларга таснифланади. Ушбу тадқиқотлардан шуни кузатиш мумкинки, шаклланаётган архившунослик феодалларнинг ҳукмрон табақасига хизмат қилган. Марье, шунингдек, архив ҳужжатларидан фойдаланиш учун “мавзули каталог”нинг илмий шаклини

¹Battheney. L'archiviste francois ou method sur pour apprendre a arranger les archives. 2 ed. Paris, 1775. Яна қаранг: Чанцева В.И. История развития хранилищ документальных материалов в зарубежных странах. М., 1981. С.90-92.

²Mariee. Traite des archives dans lequel on enseigne le moyen de faire revivre les anciennes écritures et la maniere de proceder le plus simplement au Pouille. Paris, 1779. Яна қаранг: Виноградов В.М. Вопросы критики методологии и теории современного буржуазного архивоведения // актуальные проблемы архивоведения и документоведения в свете решений XXVI съезда КПСС. Сб.ст. М., 1984. С.58-59.

ишлаб чиқиб, архив бош шарҳининг схемасини тавсия қилган. Ўз тадқиқотларида муаллиф хужжатларни сақлаш, эскириб бораётган матнларни қайта тиклашга доир маслаҳатлар келтириб ўтган.

Француз инқилобигача бўлган даврда Европада яна иккита тадқиқот нашрдан чиқиб, улар немис мутахассислари томонидан яратилган. Хусусан, Карл Готлоб Гюнтер ўз асарини “Бош архивни, айниқса немис империясидаги архивнинг тузилиши”га бағишилаган. Немис даъаватчиси ва шаҳар кутубхоначиси Иоганн Георг Шелхорн “Кутубхоначи ва архивариуси учун йўриқнома” асарини чоп қилган¹. Бироқ унда қўпроқ кутубхоначилик масалалрига эътибор қаратилган.

Архившуносликнинг тарихшунослиги бўйича олиб борилган тадқиқотларда таъкидланишича, француз инқилоби архившунослик билимлари ривожининг биринчи босқичига якун ясаган. Мазкур билимлар ушбу даврда феодал Европасида кечайтган инқироз шароитида тўпланиб борган. 7 мессидор Қонуни (1794 йил 25 июнь), архивлар тўғрисидаги инқилобий акт, архив ишини ташкиллаштиришнинг буржуача принципларини шакллантирган, ва уларда асосий эътибор архивларнинг барча учун очиқлиги, яъни Франция фуқароларига улардан фойдаланиш учун рухсат беришни тан олишни назарда тутган. Архивлар француз миллатининг хусусий мулки деб эътироф этилган. Француз инқилобий ҳаракати хукумати ҳам архивлар масаласида фаол сиёsat олиб боргани тарихдан маълум. Ушбу даврда Франция архив ишининг асослари яратилди марказлашув принципига амал қилинди), деса муболаға бўлмайди, хужжатларнинг келиб чиқишига кўра эмас, балки мазмунига кўра таснифлаш ва бўлимларга гурухлаштириш тизими киритилди. Дастлаб ушбу секциялар, яъни гурухларга кўра хужжатларни тахлаш қоидаси фақат Париж архивларида қузатилган (қонун

¹ Gunther Carl Gottlob. Über die Einrichtung der Hauptarchive, besonders in deutschen Reichslanden. Altenburg, 1783. Яна қаранг: Виноградов В.М. Вопросы критики методологии и теории современного буржуазного архивоведения // актуальные проблемы архивоведения и документоведения в свете решений XXVI съезда КПСС. Сб.ст. М., 1984. С.59-64.

чиқарувчи, маъмурий, суд ва доменлар бўйича) бўлса, кейинги даврларда ушбу тизим мамлакатнинг бошқа ҳудудларига ҳам тарқалган.

Умуман олганда, Янги даврда архившунослик қарашларининг шаклланиши ва ривожланишининг назарий масалалари блан боғлиқ тадқиқотлар XVI аср – XVIII аср охирида Европада кўпроқ Франция, Германия, Италия, Англия олимлари, мутахассислари томонидан яратилган, бироқ бошқа ҳудудларда ҳам архившунослик масалаларида нашрлар бўлган. Мазкур даврга оид илмий-амалий тадқиқотларни умумлаштириш натижасида консерватив-дворян характерда ёзилгани ва асосан архив ҳужжатларини сақлашга бағишиланганини эътироф этиш лозим.

1.2. Европада архившунослик қарашларининг тараққий этиши

Европа мамлакатларида XVIII аср охири –XIX аср охири даври жамиятда демократик қарашларнинг фаоллашиши, либерал-буржуача муносабатларнинг тоборо мустаҳкам тарзда давлат ва жамият ҳаётига кириб бориши билан тавсифланади. Бундай шароитда тарих фанига ҳам янгича ёндашув вужудга келиб, тарихий тадқиқотларни олиб бориш услубиётига эътибор қаратила бошланди. Тарих бўйича китоб, рисола, альманах, журналлар нашри кўпайди. Шунингдек, кутубхона, музей тармоқлари кенгайди, шахсий коллекцияларнинг турлари ортиб борди. Француз инқилобчилари томонидан архивларни оммавийлаштириш борасидаги талаби тоборо ўз тасдигини топиб борди. Давлат архивларига янги талаб қўйилиб, тадқиқотчиларга хизмат кўрсатиш ишларини кучайтириш ва тартибга солиши жараёнига атта эътибор қаратилди

Келгуси йилларда архившуносликнинг назарий масалаларини тадқиқ этишда немис олимлари ва мутахассислари айниқса фаол бўлдилар. XIX аср охири – XX аср бошларида архивчилар аксари ҳолларда немис тадқиқотчилари асарларидан кенг фойдаланаар эдилар. Немис жамиятида герман халқининг тарихи билан боғлиқ манбаларга эҳтиёж ортиб борди, ва бу борада истеъмолчилар гуруҳи кенгайиб борди. Ушбу вазиятда архив ва

регистратуралар олида турган асосий вазифа, бу – давлат аппарати ҳамда тарих фани талабалариға мослашиш бўлган.

Карл Фридрих Бернгард Цинкнернагельнинг “Ёш архивариус ва регистрчига йўриқнома”¹ номли китобида янги давр ғоялари акс этган бўлиб, тарихий ҳамда жорий архивлар ўртасидаги фарқ аниқ қилиб белгилаб берилган. Олимнинг фикрига кўра, кириш ва чиқиш хужжатларини қайд қилиб борувчи регистратура ўз вазифалариға кўра тарихий архивдан фарқланади. Бироқ Цинкнернагельнинг бир фикри, яъни архивлар фақатгина давлат томонидан жамланган хужжатларга тааллуқли деган ғояси кейинчалик ҳам ўз исботини топмади.

Махфий архив директорининг ўринбосари *Георг Август Бахман* 1801 йилда “Архивлар, уларнинг табиати ва хусусиятлари, тузилиши, улардан фойдаланиш ҳақида ҳамда архив дарсларида бошланғич архив хизматчисига йўриқнома” номли китобини нашр қилди². Муаллифнинг сиёсий қарашлари китоб мазмунига таъсир кўрсатган, ва бу ҳолат тадқиқотнинг дастлабки сахифалариданоқ эътиборни тортади. “Архив, бу – олампаноҳнинг хазинасидир, – деб ёзади Георг Август Бахман, – у ерда энг муҳим, фойдали ва қимматли хужжатлар сақланиб, булар сулолалар, уларнинг мавқеи, дунёқараши, феодлар ва халқларга оид маълумотларни сақлайди”. Муаллиф бунда архив хужжатларидан ҳуукмдордан ва унинг яқинларидан бошқа яна кимдир фойдаланиши мумкинлигини ҳаёлига ҳам келтирмаган. Архив хужжатларини таснифлаш масаласи муаллифнинг асосий мавзуларидан бири бўлган ва бу масалада у йирик идоравий тарихий архивлар тузилиши лозимлгини таъкидлаган. Бахманнинг фикрига кўра, давлат архивлари ходимлари регистратураларнинг тарқоқ хужжатларини тартибга келтиришда анча ноқулайликларга дуч келадилар. Табиийки, улар бир-бирига тўғри

¹ Zinkernagel Karl Fredrich Bernhard, Handbuch fur angehende Archivare und Registratoren. Nordlingen, 1800. Яна қаранг: Маяковский И.Л. У истоков развития истории архивов зарубежных стран. М., 1992. С.205.

² Bachmann Georg August. Uber Archive, deren Natur und Eigenschaften, Einrichtung und Benutzung nebst praktischer Anleitung fur angehende Archivbeamte in archivalischen Beschäftigungen. AmbergundSulzbach, 1801. Яна қаранг: Маяковский И.Л. У истоков развития истории архивов зарубежных стран. М., 1992. С.205.

келмайди. Ушбу масалани ҳал этиш учун муаллиф бирдан-бир йўл сифатида регистратуралар тузилишини ягона тизимга келтирилиши ва бу ишда “давлат-хуқуқий назариясига таяниш доирасида ҳаракат қилиш керак” лигини қайд этади. Яъни биз Бахманнинг қарашларида идоравий архивлар даражасида унификациялаш, яъни ягона тизимга келтиришга томон уринишларни кўрамиз, бу эса, ўз навбатида, хужжатларни таснифлашда расмий-мантикий принципни эслатади. Цинкернагельдан фарқли ўлароқ, немис олими биринчилар қаторида регистратура ва давлат архивлари ўртасидаги бевосита боғлиқлигига аҳамият берган. Унинг тавсиялари бавария архивлари учун маълум даражада аҳамиятли бўлганини эътироф этиш лозим. Бахманнинг асарида архив иши – бу давлат фаолияти эканини исботлашга уринишларни кузатишимиз мумкин бўлади, “архивариуси – антиквар эмас, балки ижодий ёндашувчи мансабдордир,... унинг илмий иши архив учун қанчали фойдали эканлиги билан белгиланади”, – дейди у.

XIX аср бошларида архив иши ҳақида тарқоқ фикр-мулоҳаза ва қарашларни яхлит бир илмий соҳага – архившуносликка бирлаштириш учун замин яратилди. Бу атама илк бор *Йозеф Антон Егг* томонидан унинг “Архившуносликнинг назарий ғоялари” китобида муомалага киритилган¹. Бироқ ушбу китобга муаллиф киритган кичик сарлавҳаси – Регистратура архивларини тузиш ва уларга ишлов бериш” – асарда илмий талқинга нисбатан амалий тавсиялар кўпроқ ўрин олганини акс этади. Йозеф Антон Егг ушбу китобида ёрлиқларнинг таснифини қуидагича белгилайди: даврлар бўйича, шахсларга қараб, худудларга кўра ва ҳ.к. Бу тасниф илмий доираларда кенг қўлланилмасада, аммо кейинчалик амалиётда унга маълум даражада риоя қилинди. Айни шу вақтларда Бамбергда Пауль Естеррейхер ва Ф.Деллингерлар архившунослик ва регистратура назарияси бўйича журнал нашр қилишни йўлга қўйдилар. Унду ҳам архив назариясига оид мутахассис ва олимларнинг қарашлари маҳсули бўлган тадқиқотлар нашр қилиб

¹ Oegg Josef Anton. Ideen einer Theorie der Archiwissenschaft.Gotha, 1804. Яна қаранг: Маяковский И.Л. Очерки по истории архивного дела. М., 1981. С.24.

турилди. Бироқ бу журнал қисқа вақт давомида чоп қилиниб, кейин тұхтатилди¹.

Мазкур илмий изланишларни ўша даврларда илмий билимлар ҳамда амалий күнікмалар борасидаги дастлабки қадамлар, деса муболаға бўлмайди. XIX асрнинг 30–40-йилларида архив назарияси йўналишида илмий тадқиқотлар олиб бориш ва нашр қилиш ишлари фаоллашди. Париж ва Мюнхен шаҳарларида олий ўкув юртлари очилди: Хартиялар мактаби ҳамда Мюнхен архив мактаби². Уларнинг ўкув режаларида аръившунослик рдамчи фанлар қаторида муҳим ўринни эгаллади. Бироқ бунинг учун ўттиз-қирқ йил вақт керак бўлди. Ушбу мактабларда “тарихни қандай ўқитиш лозим” дегангоя ҳам биринчилардан саналарди. Францияда 1841 йилда ҳужжатларни туркумлашда уларнинг келиб чиқишига кўра таснифлаш – “фондга бўлган хурмат” принципи илгари сурилди. Ва бу қоидага турли давлатларда риоя қилиш бошланди. Мазкур йўналиш таснифлашдаги предметли-мантиқий йўналишги мутлақо зид келар эди. Ушбу даврда архив билимларни улуғловчи тадқиқотлар сони ортди. 1834 йилдан бошлаб эса профессионал архившунослар саналмиш Н.Н.Эргард, Ф.Л.Медомлар томонидан архив, дипломатика ва тарих назарияси бўйича журнал нашр қилина бошланди³. Бу икки мутахассис ҳам ўз мақолаларида архившуносликнинг илмий асосларини яратишида анча ишларни бажарганлар, “архив” атамасини янада аниқлаштирганлар, давлат аппаратида архивни регистратура бўлган нисбатини ёритишига уринганлар, архивнинг икки томонлама табиатига эътибор қаратиб, уни, биринчидан, тарихга тегишлилигини, иккинчидан эса, маъмурият билан боғлиқлигини таъкидлаганлар. Афсуски, бу журналнинг фақатгина икки жилди чоп қилинди (1834-1836 йиллар давомида).

¹ Автократов В.Н. Из истории формирования классификационных представлений в архивоведении. М., 1988. С.11-15.

² Бржостовская Н.В. Развитие архивного дела с древнейших времен до наших дней. М., 1979. С.68.

³ Kloss R.M. Die Archivalische Zeitschrift und deutschen Archivzeitschriften des 19. Jahrhunderts // ArchivalischeZeitschrift, 1977. Яна қаранг: Автократов В.Н. Из истории формирования классификационных представлений в архивоведении. М., 1988. С.11-15.

Шу тариқа Францияда архившунослик соҳасида муҳим ҳисобланган архив хужжатларини таснифлаш масаласи ҳал бўлиб, “фондга бўлган хурмат” принципи амалиётда тобора кенг қўлланилиб борди, француз олимлари архив тизими тарихи, ташкиллаштирилиши ва унинг юридик асослари муаммоларига эътиборларини қаратдилар. Архивлар тарихи бўйича Империя архиви (Миллий архив) ходими, департамент ва коммунал архивлар комиссияси аъзоси Анри Бордье 1855 йилда “Франция архивлари ёки Империя, вазирликлар, департаментлар, коммунал, госпитал, нотариал архивлар тарихи...” номли китобини чоп қилди¹. Бироқ Бордъенинг ушбу асари ўзидағи тарихий маълумотлар билан айниқса обрў қозонган, дейиш қийин, сабаби унда Франция архивларини асосан Француз инқилобидан кейинги давридаги тарихий лавҳаларига ойдинлик киритилган. Архив бинолари, жиҳозлари ва ш.к.лар тўғрисидаги маълумотлар ҳажми ҳам кўп эмас. Тажқиқотнинг асосий ютуғи шундаки, унда Бордье томонидан Франция марказий архиви фондларининг асосий рўйхатлари, яъни описълри жамланган. Бу эса илмий-маълумотнома аппаратининг йиғма баёнидир ва уни Франция архивининг биринчи йўл кўрсаткичи деб аташ мумкин. Бордье ўз китобини инқилобий йилларда яратган, шу боис унда Республика 11 йили 7 мессидор декретини талқинини ҳам келтирган. Мазкур хужжатни у “ажойиб” акт ва у мамлакатнинг келгусидаги архив тизимиға замин бўлиб хизмат қиласи, дея таърифлаган. Шундай қилиб, Бордъенинг мазкур асари Франция архивларининг янги тарихининг буржуача-либерал талқини тарзида баҳоланади.

Француз тарихчиси маркиз *Л.де Лаборд Бордье* фикрларини маъқулламади ва тез орада “Франция архивлари” номли китобини нашрдан чиқарди². Л.де Лаборд француз инқилобчилари ҳаракатларини қоралаган ва

¹Bordier Henri. Les Archives de la France. Paris, 1855. Яна қаранг: Бржостовская Н.В. Развитие архивного дела с древнейших времен до наших дней. М., 1979. С.102.

² Laborde L.de. Les la France, leurs vicissitudes pendant la Revolution, leur regeneration sous L'Empire. Paris, 1867. Яна қаранг: Яна қаранг: Бржостовская Н.В. Развитие архивного дела с древнейших времен до наших дней. М., 1979. С.110.

уларни оми халқ “вандализми” деб атаб, ушбу даврни хатоларга тўлиқ замон деб атаган. Албатта, инқилоб йилларида эски тузум ҳужжатларини йўқ қилиш учраган, бироқ кейинги даврдаги тадқиқотларнинг кўрсатишича, булар сосан спектакль кўринишида ўтган ва бу ҳолат онгли ҳаракатлар сифатида баҳоланмайди. Архивлар ҳам Франциядаги ижтимоий гурухларнинг инқилоб мероси хусусидаги баҳслари доирасига киритилган эди.

Айни шу даврда Э.Шамполиона-Фижакнинг гўёки иккинчи табақа архивлар ҳисобланмиш – префектура, мэрия ҳамда госпиталлар (стимхоналар ва ҳ.к.)нинг архивларига бағищланган асари чоп қилинди. Унда тарихий мазмундаги кириш қисми, 1708 йилдан буён архивлар фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ва қонуний ҳужжатлар ўрин олган (Париж, I860).

Франция архившунослари олдига қўйилган иккинчи масала, яъни архивларни ташкиллаштириш муаммоси Хартиялар мактаби битиравчиси Габриэль Ри-шу қаламига мансуб ва 1882 йилдан нашрдан чиққан “Оммавий архивлар ҳақида назарий ва амалий трактат” номли асарида ўз аксини топган. Унда Франция архивлари фаолиятига доир маъмурий меъёрий ҳужжатларнинг батафсил рўйхати келтирилган¹.

Француз архивлари фаолиятини ташкиллаштириш, уларнинг тарихшунослиги масалаларини умумлаштириб берган фундаментал тадқиқот сифатида Иг Ланглуа ва А.Штейнларнинг “Франция тарихи архивлари” китобини қайд этиш лозим².

Муаллифлар унда ижтимоий жамоатчиликни имкон қадар қўпроқ даражада Франция архивларида сақланаётган ҳужжатли мерос ҳақида хабардор этишни мақсад қилганлар. Француз тарихчилари “архивлар ҳақидаги фан”нинг яратилгани тўғрисида маълум қилганлар ва уни бошқа тарих фанлари билан бир қаторга қўйганлар.

¹Richou Gabriel. Traite theorique et pratique des Archives publiques. Paris, 1897. Яна қаранг: Автократов В.Н. Из истории формирования классификационных представлений в архивоведении. М., 1988. С.11-15.

²Langlois Ch.V., Stein H. Les archives de l’histoire de France. Paric, 1897. Яна қаранг: Автократов В.Н. Из истории формирования классификационных представлений в архивоведении. М., 1988. С.11-12.

Мюнхендаги университет профессори фон Леэр томонидан яратилган ва XIX аср сўнгги ўн йилликларида нашр қилинган “Архивлар ҳақида таълимот. Бизнинг архивларимиз тарихининг асосий жиҳатлари, вазифалари ва ташкил этилиши”¹ номли китоби ниҳоят немис архивлари тарихи ва назарияси борасида ёзилган асарлар мажмuinи яхлитлади ва архив иши соҳасида олиб бориладиган жиддий тадқиқотлар тизимини бошлаб берди (Г.Хольтцингера, В.Лоэве, О.Мейснера).

Франц фон Леэр кўп йиллик тарихга эга бўлган немис архивлари бўйича чоп қилинадиган журналларининг асосчси, Мюнхен шахрида яшаган ва ижод қилган. Унинг китобига 70-80-йилларда “Архив журнали”да нашрдан чиққан кўплаб мақолалар киритилган. Мазкур иш немис архивлари тарихидан дастлабки асарлардан бўлгани боис, таърифловчи характерда. Муаллиф немис архивларининг шаклланишидан то ўзи яшаган давргача бўлган эволюциясига шарҳ беришга уринган, шунингдек, архивларни ташкил қилиш, архив ҳужжатларини тўғри сақлаш масалаларига ҳам тўхталиб ўтган. Бироқ, мутахассисларнинг фикрига кўра, ушбу асар илмий даражада эмас, балки кўпроқ оммага мўлжаллаб ёзилган.

Бреславллик архивчи *Виктор Лоэве* давлат архиви муаммолари билан шуғулланган. У ўз тадқиқотларида Германия архивларининг тарихи ва ташкил этилиши мавзуларини анча аниқ тарзда ўрганганд, бироқ ўз тадқиқотларида “амалий архив фани” масалаларини ёритмаган (Archivkunde)². Лоэвенинг фикрича, Германияда архив иши профессионал даражада фақатгина XIX асрда шаклланган.

Немис архившунослари орасида *Г.Хольтцингер* тадқиқотлари алоҳида аҳамиятли ҳисобланади. У асосий эътиборни немис идоравий архивларида иш юритиш жараёнларини ўрганишга қаратган бўлиб, регистратураларнинг чики тузилиши, ҳужжатларни топишириш шакллари, турли муассасаларнинг

¹Loher Franz v. Archivlehre. Grunzuge der Geschichte, Aufgeben und Einrichtung unserer Archive. Paderborn, 1890. Яна қаранг: Маяковский И.Л. У истоков развития истории архивов зарубежных стран. М., 1992. С.215.

² Loewe Victor. Das Deutsche Archivwesen. Breslau, 1921. Яна қаранг: Маяковский И.Л. У истоков развития истории архивов зарубежных стран. М., 1992. С.215.

идоравий архивларининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаб берган¹ Германияда идоравий архивлар, яъни регистратура архивларининг давлат архивларидан фарқларини ёритиб берган. Унинг тадқиқоди бугунги кунда ҳам ўз кучи ва аҳамиятини йўқотмаганини қайд этиш жоиз.

Италия архив мактаби архивларда ишни ташкил қилишнинг назарий ва амалий масалалари соҳасида илмий изланишларни XVIIасрда бошлаган. Бироқ кейинги икки аср давомида унинг фаолияти сусайган, бунга Италияда сиёсий ўзгаришлар, майда давлатларнинг бирлашуви, давлат тузилишидаги жиддий ўзгаришлар бўлган. XX асрда мазкур мактаб ўз фаолиятини яна давом эттирди. XX аср бошларида Э.Себастьянонинг “Италия давлат архивларининг келиб чиқиши, концепцияси ва юридик табиати тўғрисида”ги шарҳи, П.Таддининг “Архивчи: назарий-амалий йўриқнома” номли китоби нашрдан чиқди. Ушбу икки тадқиқот ҳам ўзининг фундаменталлиги даражасига кўра, немис мутахассисларининг асарларидан нисбатан пастроқ баҳоланган. Бироқ кейинги йилларда италиялик архившунослар Е.Казанова ҳамда С.Пистолезеларнинг асарларида архив иши, тарихи ва назариясига доир анча чуқур илмий изланишлар олиб борилганига гувоҳ бўлишимиз мумкин².

XIX аср охирларига келиб Фарбий Европада асосан архившуносликни илмий билим сифатида шаклланиши яқунланди, унга муайян атамалар аппарати, назария ва услубиёти маълум даражада яратилганини эътироф этиш лозим.

¹Holtzinger Georg. Handbuch der Registratur und Archivwissenschaft. Leipzig, 1908. Яна қаранг: Маяковский И.Л. Очерки по истории архивного дела. М., 1981. С.34.

²Sebastiani Ezio Genesi, concetto e natura giuridica degli Archivi di Stato in Itakia // Rivista italiana per le scienze giuridiche Torino, 1904. Vol.37. Milano, 1906. Яна қаранг: Маяковский И.Л. Очерки по истории архивного дела. М., 1981. С.37.

1.3. Ғарбий Европа олимларининг архив иши назарияси, амалиёти ва архивлар тарихи хусусида олиб борилган асосий тадқиқотлари

ХХ аср бошларида Европада ва умуман жаҳонда архивчилар ўртасида халқаро ташкилотлар тузилиб, халқаро ҳамкорлик масалалари архивчилар ўртасида кун тартибига қўйилди. Шу тариқа халқаро архив алоқалари муаммолари билан шуғулланувчи мутахассислар ҳам архившунослик ва, хусусан, архив назарияси соҳасига оид тадқиқотларнинг муаллифлари сифатида танила бошладилар. Шу вақтга қадар Ғарбий Европа архившунослигига тўпланган тажриба, шунингдек, XIX аср архившунослик адабиётида келтирилган маълумотларга таяниб, улар илк бор буржуача ғояга таянган умумлаштирилган архившунослик назариясини яратишга уриндилар.

Голландиялик архившунослар *С.Мюллер, И.Фейт ва Р.Фруинлар* томонидан 1898 йилда “Архивларни тартибга келтириш ва шарҳлаш бўйича йўриқнома” номли асар илмий доиралар томонидан илиб кутиб олинди, сабаби унда назарий ва амалий архившунослик масалаларига уйғунлик тарзида аҳамият берилган эди¹. Мазкур китоби 1905 йилда немис тилига, 1908, 1910, 1940 ва 1970 йилларда итальян, француз, инглиз ва япон тилларига таржима қилинган. Рус тилига ушбу асарни И.А.Голубцов “Архив иши” нашрининг 2-4-жилдларида чоп қилган. Асарда архив назариясининг иккита муҳим масаласи – ҳужжатларни таснифлаш ҳамда архивларни шарҳлашга асосий эътибор қаратилган. Бунда муаллифлар 1891 йилда Архивчилар жамиятига бирлашган голланд архившунос олимлар, мутахассисларнинг билим ва тажрибаларидан келиб чиқиб ҳам буларни тадбиқ қилишга ҳаракат қилганлар.

Таниқли инглиз архившунос олими, архившунослик бўйича фундаментал асарлар муаллифи, мазкур соҳада кўплаб маъruzalар қилган

¹Muller S., Feith J.A., Fruin R. Handleiding voor het orbenen Beschrijven van archieven. Groningen, 1898. Яна қаранг: Голубцов И. Архивист Голландии о проведении в порядок и описании архивов. М., 1995. С.90.

Хилари Дженкинсон ҳарбий соҳадаги фаолиятини тўхтатиб, ўзини Англияда архив ишини ўрганилишига бағишлади. 1922 йилда у “Архившунослик бўйича йўриқнома ва замонавий архивлар муаммолари” номли китобини чоп қилган¹. Дастрраб у ҳарбий архивларни тартибга келтириш муаммосини ёритиши мақсад қилган, бироқ кейинчалик режалари ўзгарган ва олим архивларнинг аввалги ҳолати ва келгусида қандай ишлаши лозим, деган масала юзасидан тадқиқот олиб боришини афзал кўрган. Дженкинсон “архив ҳужжати” атамасини янгича, кенгайтирилган таъриф бераб, аввалги тадқиқотчилардан фарқли ўлароқ, архив ҳужжати деганда карта, план, схема, ҳам тушуниш лозимлигини таъкидлаган. Ҳатто у инсонларнинг шахсий китоблари, буюмлари ва уларга бириктирилган ҳужжатларни ҳам архив ҳужжатлари қаторига киритиб, уларни музейларга топширишга шошмаслик кераклигини қатъий ёқлаб чиқкан.

Муаллиф томонидан “архив материаллари” тушунчасига анча кенг таъриф берилиб, у архив материаллари деганда қўлёзма, машинкада терилган, босма ҳужжатлар ва уларга бириктирилган моддий буюмларни киритган. Маъмурият ходими томонидан сақлаб қолинган ҳужжатларнинг ҳаммаси ҳам архив материали бўлавермаслигига Дженкинсон эътибор қаратган, бу борада у нашр қилинган ҳисоботлар, эсдаликлар эса архив материали ҳисобланмайди, деб айтган. Олим архив материалига берган бундай ҳар томонлама кенгқамровли таърифдан сўнг, табиийки, “архив фонди” атамасига ҳам ўзгача тушунтириш бераб ўтган. Хусусан, “архив фонди” – бу маълум бир ташкилот маъмурияти фаолияти натижасида юзага келган ва тўпланиб қолган архив материалларидир. Дженкинсоннинг хизматларидан бири яна шундаки, у архив фондига анча холис таъриф келтирган ва унинг ички таснифи (класификацияси)ни ишлаб чиқкан: фонд,

¹Jenkinson Hilary. A Manual of Archive administration including the Problems of War Archives and Archive administration including the Problems of War Archives and Archive making.Oxford, 1922. Мазкур китоб уч маротаба қайта нашр этилган: 1927Б 1937 ва 1965 йилларда. Яна қаранг: Яна қаранг: Голубцов И. Архивист Голландии о проведении в порядок и описании архивов. М., 1995. С.92-95.

фонд бўлими, фонд бўлими бўлинмаси. X.Дженкинсоннинг ушбу тадқиқоти Англияда архившунослик соҳасида бажарилган жиддий илмий ишлардан дастлабкиси сифатида тан олинган ва архив назарияси ҳамда амалиётининг келгуси ривожига катта ижобий таъсир қўрсатган.

Францияда Юқори Луара департамент архиви сақловчиси *Пьер Фурнье* 1924 йилда “Архивларни тартибга келтириш ва тавсифлаш ҳамда ёзма тарихий хужжатларни нашр қилиш” қитобини чоп этди. Мазкур асар асосан ёш тарихчилар учун мўлжаллангани боис, муаллифда унда назарий масалаларга камроқ тўхталиб ўтган ва архив материалларидан фойдаланишда шни осонлаштирадиган услугуб ҳамда усувларни баён қилишга эътибор қаратган¹.

Фурнье қитоби уч бобдан ташкил топган бўлиб, биринчи ва иккинчи боблари архив хужжатларини таснифлаш ва шарҳлаш, учинчи боб эса нашр этиш услубларига бағишланган. Таснифлашнинг асосий принципи сифатида муаллиф “фондга бўлган хурмат”ни илгари суради. Фонддан ҳеч нарсани чиқариб ташлаш, фондга ҳеч нимани қўшиб қўйиш мумкин эмас, деб таъкидлайди у. Яъни фондлар келиб чиқишига кўра ташкиллаштириши керак – мавзули принцип. Фурнье ўз изланишларида Францияда шаклланган фондларнинг ички таснифи, хужжатарни шарҳлаш, илмий-маълумотнома аппарати тузиш жараёнларини умумлаштирган.

Италияning Рим шаҳрида 1928 йилда “Архивистика” қитобининг иккинчи тўлдирилган нашри чоп қилинди, ушбу қитоб итальян олимни ва архивчиси *Эудженио Казанова* қаламига мансуб². Асарни ёзишда олимнинг 30 йилги архив соҳасидаги фаолияти давомида тўплаган билим, кўникма ва тажрибаси асос бўлган. Шунингдек, Казанова ўз тадқиқотида таниқли итальян архившуносларнинг асарларидан ҳам кенг фойдаланган, жумладан:

¹Gabriel Richou, Solomon Reinach, Arthur Giry, Victor Ch.Langlois, Charles Seignobos, Paul Havet, Maurice Prou etc. – Ibid. Яна қаранг: Автократов В.Н. Из истории формирования классификационных представлений в архивоведении. М., 1988. С.21-22.

²Casanova E. Archivistica. 2 ed. Siena, 1928. Бржостовская Н.В. Развитие архивного дела с древнейших времен до наших дней. М., 1979. С.97.

Ж.Ришу, Ш.Ланглуа, С.Мюллера, Й.Фейта, Р.Фруина, Е.Себастьяни, П.Тадди, Г-Хольтцингера, П.Пеккьяи, Г.Бреслау, Ф.Кю-велье ва бошқалар¹.

Тадқиқотнинг асосий обьекти сифатида архив иши назарияси ва амалиёти мавзуси танланган ва бунда уларни ўрганувчи архивистика фанининг мустақил фан эканлиги мунтазам равишда олим томонидан таъкидлаб келинган. Ўз тадқиқотида мутахассис ўзидан аввал Ғарбий Европа олимлари томонидан архив соҳасида яратилган асарлар натижаларига мурожаат қилган. Казанованинг асарида синфий ёндашувни сезиш қийин эмас, масалан, ҳужжатларни бутлаш, ташкиллаштириш, сақлаш, улардан фойдаланиш ва ҳ.к. масалаларда, оддий халқ мавзусига бирмунча юқоридан туриб қаралган, халқнинг ҳар қандай сиёсий ҳаракатларига жиноят сифатида баҳо берилган. Баъзида олим ғарбий европалик олимларнинг архив соҳасига оид турли атамаларга бериган таърифларини танқид қилган ва уларни архивни вазифасини бошқарув билан чеклаб қўйишиларида айبلاغан, аслида архивни давлат ташкилоти эканлигига урғу берган.

Китобнинг асосий қисмида “архивлар хақдаги фан”, яъни “архивистика”га бағишлиланган. Казанова ўз китобини мазмунан тўрт қисмга жаратади: архивларнинг умумий бошқаруви ёки архивиктисодиёт (биносининг қурилиши, ички жиҳозланиши, ҳужжатларнинг сақланиши ва ҳ.к.); соф архивистика (хужжатнинг сақловхонада жойлашиши, каталогглаштириш, архивлаш, саралаш, тартибга келтириш, таснифлаш ва ҳ.к.); архивлар ва архивистика тарихи: архивларнинг юридик жиҳатдан табиати; архивлардан фойдаланиш. Казанова Италия архившунослиги ва, шу тариқа, умуман Ғарбий Европа архив соҳаси илмига, айниқса архив назарияси ва амалиёти ва архив тарихшунослик йўналишларига, ўзининг муносиб ҳиссасини қўшга, унинг асарларидан кенг фойдаланилган. Олимнинг “Архивистика” китоби 1966 йилда яна қайта нашр қилинган.

Яна бир италиялик архившунос олим Милан тиббиёт институти архиви

¹Ўша жойда, 101 б.

директори *Пио Пеккьаи* томонидан 1928 йили “Давлат муассасалари ва нотариал архивлари архивчилари учун амалий йўриқнома”¹ номли китоб нашр қилинган. Ушбу асар қўпроқ амалий тавсиялардан таркиб топган ва назарий масалаларни чуқур таҳлилига бағишлиланмаган, бироқ унда архив соҳасида қўлланиладиган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, архив тарихи, ҳужжатшунослигига алоҳида эътибор қаратилган. Китобда Пеккьаи аввал тарихшунослик таҳлилини келтирган, сўнгра архивлар тарихини қадимдан бошлаб то XX асргача бўлган давр учун баён қилган, бунда ҳамюртлари тадқиқотларидан кенг фойдаланган.

Доктрина қисмида мутахассис сифатида у архив иши назарияси ва амалиётининг энг муҳим масалаларини тадқиқ қилган (“архивистика”, “архив”, “архивчи” ва б. атамаларга ўз шарҳини келтириб асослаган). Унинг асосий янгиликоларидан бири, бу архив илмий ходимининг касбий маълумотлилик даражасини аниқлашга уринганлигидадир. Муаллифнинг қайд этишига кўра, бундай ходим юқори маданият ва касбий фазилатларга эга бўлиши, лотин тилини билиши, умумжаҳон, миллат ва маҳаллий тарихий билимларга эга бўлиши, шунингдек, хронология, палеография, дипломатика, филология, сфрагистика, нумизматика, метрология, генеалогия, топонимика, эвристика, черков массасалари тарихи, чет тиллари (асосан француз ва испан тиллари) бўйича ҳам билимларни эгаллаган бўлиши лозим. Муаллиф “архив” атамасига жуда катта таъриф берган ва бу архившунослар орасида бахс мавзуси ҳам бўлган, аммо архив материалларини тавсифлаш ҳамда уларга маълумотнома аппарати тузиш масалаларини анча аниқ, қисқа ва қулай тарзда талқин қилган. Тадқиқотнинг нотариал архивлари ҳақидаги қисмига асарнинг қийматини янада оширади. Бунда муаллиф нотариал идоралари архивлар материалларини Италия ижтимоий-иқтисодий тарихига доир муҳим анбалар сифатида таърифлаган. Асарнинг архив ва иш юритиш қонунчилиги

¹Pecchiai Pio. Manuale pratico per gli Archivisti delle pubbliche amministrazioni e degli archive notarili. 2 ed. Milano, 1928. Яна қаранг: Бржостовская Н.В. Развитие архивного дела с древнейших времен до наших дней. М., 1979. С.105.

мавзусига баҳишлиланган қисми ҳам талайгина фойдали ва қизиқарли маълумотларни ўзида мужассам этган. Бўлиб, бугда давлат ва шахсий архивлар хусусидаги меъёрий ҳужжатлар талқини келтирилган. Пеккъанинг “Амалий йўриқномаси” итальян архивчилари тажрибасига ўзига хос умумлаштирилган тадқиқот сифатида ҳам ижобий баҳоланади.

Римда 1934 йилда Италия давлат архиви архивчиси, Халқаро интеллектуал ҳамкорлик институти котиби *Серафино Пистолезе* “Европа архивлари: XI асрдан то бугунги кунга қадар” номли китобини чоп қилиб, ушбу асар Халқаро архивчилар конгрессининг навбатдаги йиғилишига ҳам бағишлиланган эди¹. Мазкур даврда архиалар ишининг назарий ва амалий масалалари олимлар ва мутахассислар асарларида анча кенг талқин қилинганлиги боис, Пистолезе ўз китобида асосан архивлар тарихи мавзуни ёриттган. Архивлар тарихини даврлаштиришга нисбатан ўз фикрини берган ва буни сиёсий ҳамда иқтисодий воқелар билан боғлаган. Айни вақтда муаллиф архивларнинг турлари, хусусан, давлат ва хусусий архивларнинг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ қилган. Олимнинг хизматларидан бири яна шунда бўлдики, у янги турдаги архивларининг келиб чиқиши сабабларини аниқлаб беришга уринган, ушбу архивларнинг янгича иш услуби, иш ташкил қилиши, материалларидағи фарқлари ва аҳамиятини талқин қилиб берган. Мазкур китоб бугунги қунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган, унда архив иши тарихи, назарий масалалари, архивлар турлари билан бир қаторда архив атамашунослигига катта эътибор қаратилган. Пистолезе гарбий европалик архвичи олимлардан биринчилар қаторида дунёда XX асрнинг биринчи чорагида юзага келган ишчилар мамлакати ҳисобланмиш Совет иттифоқининг архивлари, архив иши, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари талқинини келтирган ва бунда ҳолис ёндашув нуқтаи назарини тутган.

Шундай қилиб, XX аср дастлабки ўттиз йиллик даврида Ғарбий Европа архившунос олимлари ҳамда мутахассислари томонидан замонавий ғарбий

¹Pistolese S. Les archives europeenes du XI siècle a nos jours. Roma, 1934. Яна қаранг: Бржостовская Н.В. Развитие архивного дела с древнейших времен до наших дней. М., 1979. С.105.

архившуносликнинг асосий принциплари шакллантирилган, унинг назарий асоси сифатида позитивлик йўналиши танлаб олинган. Ҳужжатлар сақлашдаги худудий фарқланишлар умумий назарий асос моҳиятини ўзгартирмаган бўлиб, бу асос ҳужжатларни таснифлашда уларнинг келиб чиқиши бўйича аралаш лозимлиги қабул қилинган. Архившуносликнинг назарий масалаларини ўрганишнинг янги босқичи XX аср 50–60-йилларида амалга оширилган. Ушбу даврда архив тарихшунослиги, архив назарияси ва амалиёти, архившунослик услубиёти, архив иши тарихи, ҳужжатчиликнинг назарий ва амалий масалалари янгича талқинда тадқиқ қилинган ва ўнлаб асарлар яратилган. Халқаро архив ташкилотлари конгрессларида архившуносликнинг назарий масалалари режали, тартибли тарзда кўриб чиқилиши йўлга қўйилган. Европа олимлари ўртасида фикр ва тажриба алмашинуви йўллари ривожланиб борган.

Академик Р.А.Ботъе асарларида архив иши тарихи масалалари.

Замонавий француз архившунослиги бой тарихшунослик анъаналарига эга. Унинг асослари XVIIIаср охиirlарида Француз инқилоби қонунчилиги заминида яратилган. Архив иши ривожида тарих фанининг алоҳида ўрни мавжуд. Тарихчи олимлар П.Дону, Ж.Мишле, Ш.Ланглуа, Ж.Буржен, Ш.Самаран, Ш.Бребан, Ж.Фавье ва бошқаолар айни вақтда Франция архив хизматида юқори лавозимларни эгаллаганлар. Янги тарихий концепциялар, тарихий манбалар билан ишлашнинг янги усуллари, ҳужжатларни нашр этишнинг такомиллашиб бориши француз архившунослиги ютуқлари қаторидан ўрин олган. Ҳам тарих фани, ҳам архившунослик соҳаси учун мутахассислар етиштириб берувчи Хартиялар мактаби ушбу тарих ва архив фанлари ўртасидаги алоқанинг мустаҳкамланиши сабабларидан бўлган.

XIX аср иккинчи ярмида француз тарихчи-архившунослар қатор ёрдамчи тарих фанлар ва архившунослик бўйича бир қанча назарий ҳамда амалий асарлар ёзганлар. Франциядан позитивизм оқимининг йирик намояндадаридан бири *Шарль Ланглуа* ўзининг “Тарих фанини ўрганишга

кириш”¹ архивлар тарихининг асосий йўналишларини белгилаб бериб, бунда архивларнинг юридик ва илмий функцияларини асос қилиб олган. Аксарият позитивизм назариётчилар қатори Ланглуа ҳам тарихчилар қўлига аниқ йўриқномани тақдим этиш ва “тарих фанининг эътиборли ижобий фанлар қаторига киришининг” шартларини белгилаб беришга ҳаракат қилган, яъни, Фарбий Европа олимлари, фан тарихи соҳасида аниқ фанлар учун қилган хизматларини сингари, тарих учун у ҳам шундай маълумотлар беришни мақсад қилган. Шу нуқтаи назардан у архивлар тарихига баҳо берган. Олимнинг фикрига кўра, “эски тизим” архивлари, бу маҳфий архивлардир ва уларда хужжатлар қаттиқ яширилган. Бу билан у ўрта асрларда яшаб ижод цилган тарихчиларнинг анча тор манбавий билимга эга бўлганларини оқлашга уринган. Абсолют-феодал муносабатлари ҳукм сурган монархияда кўп микдорда ва ҳар қаерларда тарқоқ ҳолатда бўлган архив сақловхоналари хужжатларнинг сакланишини аксинча ёмонлаштирганини таъкидлаган. XVIII аср охирларида бўлиб ўтган француз инқилоби натижасида юзага келган ўзгаришларга муаллиф икки тарафлама ёндашгани намоён бўлади. Бир тарафдан, Ланглуа инқилоб даврида эски тизим хужжатлари йиғиб олиниши натижасида тарихий тадқиқотлар олиб бориш шароитларини ёмонлашишига олиб келганини ёзса, бошқа тарафдан эса, ушбу хужжатлар “инқилобий тартибсизликларда” “мажбурий тарзда” тортиб олинганини қайд қилган. Фақатгина инқилобдан кейинги даврда, архив хужжатларига нисбатан уларни оммага тақдим этиш принципининг эълон қилинганлиги сабабли, архив иши, архив мақсадларида туб бурилиш юзага келганини таъкидлаган. Илгари архивлар, муаллифнинг фикрича, “юридик исботлар арсенали” вазифасини бажарган, эндиликда эса архивларнинг илмий мақсадларга хизмат қилиш функцияси кучайган ва улар қўпроқ тарих фанига хизмат қила бошлаган. Шу тариқа Ланглуа архивлар тарихида икки босқични ажратган:

¹ Langlois Ch.V. La science des archives // Revue international des archives. 1985 № 1. Яна қаранг: Михайлов Е.В. Методологические проблемы истории архивного дела в современном французском архивоведении. М., 1980. С.267-270.

“архивлар – ҳокимият арсенали (қуроли)” ҳамда “архивлар – тарих лабораторияси”. Кейинчалик ушбу схема ўзига хос ўзгариш ва талқинлар билан “жағон архивлари тарихининг” даврлаштирилишига таниқли олим А.Р.Ботье томонидан асос қилиб олинган¹.

Биринчи ва Иккинчи жағон урушлари оралиғи бўлган даврда француз тарихшунослигида маълум бир тор муаммони ёритиб берувчи йирик бир тадқиқотлар яратилмаганини қайд этиш жоиз. Позитивизм оқими ўз даврини “яшаб бўлгани” ҳақида Анри Берра ёзиб ўтган, “тарихий таҳдилни” берувчи янги оқим эса ҳали тўлалигича шаклланмаган. Позитивизм, создавший, по меткому выражению Фақат қисман ушбу муаммолар Е.Казанова, С.Пистолезе, А.Бреннекедек олимларнинг тадқиқотларида ёритиб берилган.

Урушдан кейинги йилларда эса архив иши тарихи ва назарияси масалалари VI Халқаро архивчилар конгрессида кўриб чиқилган асосий масалалардан бўлган, ушбу йиғилиш Мадрид шаҳрида 1968 йилда ўтказилган. Бунда Италия давлати номидан профессор Л.Сандри “архивлар тарихи методологияси” мавзуйидаги маъruzаси билан қатнашган, у билан ҳаммуаллиф сифатида Хартиялар мактаби профессори Р.А.Ботье ҳам иштирок этган, ва у мақолада баён қилинган фикрларни умумлаштириб, архив иши тарихини ривожлантиришда ўзининг концепциясини тақдим этган².

Кейинги йилларда таниқли француз тарихчи-архившунос олими **Роберт-Анри Эмиль Ботье** ўзининг фаолиятини архивларни ривожлантириш, архивлар тарихини яратиш, архив тарихи тарихшунослигини ёзиш, архив назарияси масалаларини талқин қилиш, архившунослик соҳасидаги муаммоларни халқаро даражада ҳал этиш ишларига ўзининг бутун фаолиятини бағишилаган. 1992 йил 19 апрел куни

¹Бржостовская Н.В. Методологические вопросы изучения архивного дела. // Методологические вопросы документоведения и архивоведения. М., 1976. С.114-136.; Михайлов Е.В. Методологические проблемы истории архивного дела в современном французском архивоведении. М., 1980. С.267-270.

²Archivum. 1970. Vol.XVIII. P.139-149; Idem.Les Archives. In: Histore et ses methods. Paris, 1961.P. 1120-1161. Михайлов Е.В. Методологические проблемы истории архивного дела в современном французском архивоведении. М., 1980. С.267-270.

Париж шаҳрида илмий жамоатчилик академик Ботъенинг етмиш йиллигини тантанали равишда нишонлаган ва унинг хизматларини мамнуният билан эътироф этган. Роберт-Анри Эмиль Ботье Санъат ва адабиёт академияси президенти, Британия, Америка Академияларининг фахрий аъзоси, Хартиялар мактаби профессори бўлган. Ушбу санани ноишонлаш муносабати билан академик Ботье шогирдлари олимнинг танланган асарлар тўпламини нашр этганлар¹.

Ботъенинг илмий фаолиятида нафақат архившунослик соҳаси, балки дипломатика фанининг назарий ва амалий масалалари ҳам ўрин олган. У Ғарбий Европада XX аср иккинчи ярмида ижод қилган йирик архившунос, тарихчи, маҳсус тарихий фанлар бўйича мутахассис сифатида машҳур қозонган. Унинг асарлари ўзининг илмийлиги, назарий жиҳатдан асосланган, амалий маслаҳатларга бойлиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Олимга ўз вақтида француз архивлари ва архившунослиги бўйича ахборотнома, маълумотномаларда мақолалар нашр тайёрлаб чоп қилиш вазифаси ҳам юқлатилган ва у мазкур ишончни тўлалигича оқлаган. Архившунослик бўйича тузилган дарсликда эса Ботье томонидан архившуносликнинг назарий қисми ёзиб берилган. Ботье истеъододли педагог сифатида ҳам тан олинган ва эъзозланган исон бўлиб, ўз замонасида Францияда кўплаб малакали архившунос, тарихчи кадрларни етиштириб чиқаришда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган, бўлажак архивчи мутахассисларни тайёрлашда ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан фаолият олиб борган.

Архив назариясида академик Ботье томонидан архив ҳужжатларини таснифлашда таснифлашда, аксарият олимлар сингари, тарихий даврларга таянишни маслаҳат берган, бироқ тарихий ҳужжатларнинг ўзининг замонасидаги аҳамияти ва, шунингдек, уларнинг юридик қучга эга лигини ҳам таснифлашда албатта эътиборга олиш керак, деб таъкидлаган. Замонавий

¹Qui est que en France. Dictionnaire bibliographique. 20 ed. 1988-1989. Paris, 1990. Михайлов Е.В. Методологические проблемы истории архивного дела в современном французском архивоведении. М., 1980. С.267-270.

нуқтаи назардан олиб қарайдиган бўлса, ушбу ёндашув бирмунча торроқ саналади.

Архившунослик фанида Ботье томонидан архив тарихи ва тарихшунослиги йўналишида олиб борган тадқиқотлари салмоқли ўринни эгаллайди ва улар сон жиҳатдан ҳам устун. Олим архивлар тарихини тўртта даврга ажратади. Жумладан, биринчи даврни сарой архивлари даври деб атайди ва бу антик давр ҳамда XI асргача бўлган асрларни қамраб олади; иккинчи даврни “хартиялар хазинаси” даври деб, уни XII–XV1 асрлар билан белгиайди; учинчи давр эса XVI – XIX аср бошларини қамраб олади ва архивлар ҳукумат қуроли сифатида тан олинган вақт, деб қаралади; ниҳоят, тўртинчи давр 1830 йиллардан то замонавий вақтгача давом этади ва бунда архивларга – тарих лабораториясига айланади, яъни тарих фани учун улкан хизмат кўрсатиши тан олинади. Ўзининг архившунослик тадқиқотларида Ботье француз архив мактабининг анъанавий усусларига таянган. Ёзма манбаларни яхши ўрганган олим сифатида у давлат ҳокимияти архивлари эволюциясига катта эътибор қаратган. Бироқ бошқа турдаги архивларни, хусусан, шаҳар, университет, госпитал, хусусий, жамоатчилик ташкилотлари архивларини эътибордан четда қолдирган. Халқаро архив ташкилоти – Конгресснинг аъзоси сифатида Ботье архившуносликнинг турли давлатлардаги ривожланишига анча холис ёндашган ва улардаги ютуқларга ижобий баҳо берган. Олимнинг архив назарияси ва архив тарихи соҳасида яратган асалари унинг илмий изланишларидағи ёрқин саҳифа бўлиб, нафақат француз архившунослиги, балки Европа ва жаҳон архив фанининг ривожида муносиб ўринни эгаллайди.

П Б О Б .

АҚШ АРХИВ ИШИ НАЗАРИЯСИ БҮЙИЧА ОЛИБ БОРИЛГАН

АЙРИМ ТАДҚИҚОТЛАР ТАҲЛИЛИ

2.1. АҚШ олимлари асарларида архив иши назарияси тарихига бўлган ёндашув

АҚШда XX аср давомида *архив назариясининг* фалсафий асоси вакт ўтиши билан ўзгариб борди. Ҳақиқатдан ҳам, назариянинг ўзи ҳам фикр юритилган ва бажарилган матн маҳсули ҳисобланади. Архивчилар ўз назарияларини амалий қўлланмалар, назарий баёнотлар, трактатлар ва илмий назарий баёнлар чоп этиш орқали белгилаганлар. XIX аср бошлари гносеологик жиҳатдан архив назарияси бирлаша бошлаган давр бўлиб, архивда баҳолаш назариясига оид нашрлар ва архивда текширув олиб бориш орқали архивчилар ўзлари ишлайдиган манбаларга нисбатан таъсирни муҳокама қилишган. Файласуфона қаралганда, архивчи учун обективлек ва субъективлик ўртасидаги кескинлик мунозарали савол бўлиб, аниқ ечимга эга бўлиши, эҳтимол, мумкин эмасдек. Архив назариясини тадқиқ этган олимлар кўпроқ архивда баҳолаш назарияси ҳақида илмий тадқиқотлар олиб бориб, ўтган асрда субъективлик ва унинг фалсафий жуфти обективлекнинг интеллектуал тарихини тадқиқ қилганлар.

Ушбу соҳада субъективлик таърифи салбий маънога эга. Агарда илмий архив баҳолаш мақсади манбалар қимматининг эмпирик баҳосига нисбатан қарорлар чиқариш бўлса, архивчининг ноҳолис ва шахсий фикрлар рол ўйнамайдиган қарор бўлсагина ушбу қарорни обектив деб топиш мумкин. Агар архивчи маълумотларни, эҳтимол, улар эмпирик бўлсин, баҳолашда ўз қарашларини устун кўрса, бу кўпроқ субъектив қарор ҳисобланади, чунки қарорнинг баҳолаш мезонига нисбатан қаътият билан обектив қаралмаган бўлади. Обективлекнинг ушбу фалсафий таърифи баҳолангандар архив манбаларидан ташкил топган исботлар асос бўлувчи яна бир фаразга олиб келади. Бундан ташқари таърифдан шу нарса маълумки, архивчи манбаларни

баҳолашни босқаларга қолдириши ва баҳолаш фаолияти орқали тушуниш ва тарихни ёзишни ўзgartиришга ҳаракат қилмайдиган пассив сақловчи ролини ўйнаши керак. Баҳолашдаги субъективлик асос қандай бўлишига қарамасдан архивчига ўзининг қарор қабул қилиш мезонини очиқ ойдин қилишига имконият яратган бўларди¹.

Солномачилик амалиётида объективлик тушунчаси ҳақиқий исботга мос қолган деб таърифланиши мумкин. Ушбу эмпириклиқдан ва теологиклиқдан субъективликка яқинроқ бўлган таъриф объективлик ва субъективлик ўртасидаги чегараларни мураккаблаштиради. Архивчилар ва тарихчилар бирга ишлашни бошлагандан бери архивчилар янги манбаларни объектив баҳолашда манбалар серияси ёки шу каби манбалар мантиғини ишлатишга ҳаракат қилишига олиб келди. Бироқ, баҳолаш ишидаги изоҳлаш қатламлари ҳар хил турдаги объектив ва субъектив қарорларга олиб келиши мумкин. Баҳолашдаги қарор матни қарор қанчалик объективлиги ҳақида айтиб бериши мумкин.

Объективлик қадимда баҳолаш назариясида қандай ишлаганини тушуниш учун у пайдо бўлган маҳсус матнларни ўрганиш лозим. АҚШ олимлари тадқиқотларида баҳолаш назариясидаги ўзгаришлар ва узилишларни ўрганишида субъективлик ва объективликнинг назарий аҳамиятини англаш жуда муҳим ҳисобланади. Бу тушунча вақт ўтгани сари архивчиларнинг ўз касбларига нисбатан қай тарзда ёндашишганини кўрсатиб беради. Шунингдек, бу тушунча архив назариясини вақт ўтиши билан оддий амалий йўриқномалардан назарий баёнотларгача қандай ривожланганини кўрсатади.

Иккинчидан, уларнинг илмий изланишлари архив назариясига тарих ва тарихшуносликнинг таъсирини тадқиқ этади. Тарихни ёзib боришнинг таъсирини ўрганиш ва субъективлик ушбу тарихий касб асносида ишлаш усуллари архив назариясидаги субъективликни кенгроқ англаш имкониятини

¹ Баскаков Э.Г. Архивное дело в США. / В кн.: “Архивное дело в зарубежных странах». Очерки. – Вып.1. – М., 1963. – С.94.

яратади. Агар ҳақиқатдан ҳам субъективлик ва объективликнинг ишлатилиши вақтлар ўтиши билан ўзгарган бўлса, у қай даражада ўзгарди? Бу мукаммал субъективлик ва объективлик орасида тебранишнинг давомий бориб келиши каби давомий бўлдими ёки икки фалсафий қутблар ўртасидаги жуда тез ўзгарувчи парадигмик ўзгаришми? Ушбу саволларга жавоб бериш архив баҳолаш назарияси қандай ривожлангани ва унинг қандай кучайтириш мумкинлигини фаҳмлашга ёрдам беради. АҚШ тадқиқотчилари қуйидаги саволларга жавоб беришга ҳаракат қилганлар¹.

Тадқиқотлар асосий саволлари:

- Архив назарияси қандай ривожланди?
- Сўнгги 110 йил ичида архив назариясида объективлик қандай ишлади?
- XIX-XX асрлар давомида архив назариясида субъективликнинг ўрни қандай бўлди?
- Тарих назарияси ва тарихшунослик архив назариясидан тартибли нутқ шаклини ажратганми?

Иккинчи даражали саволлар:

- Тарихшунослик архив назариясини қандай ўзgartирди?
- Тарих ва тарихшуносликдаги объективликнинг хар ҳил кўринишлари профессионал тарихчиларнинг ўз касбларини назарий тушунишларидағи ўзгаришларга таъсир қилдими?
- Тарихчилар қандай қилиб субъективлик билан ўз назарий йўналишларида ишлашди?

Тадқиқотчилар олиб борган илмий изланишларнинг аҳамияти:

- Субъективлик ва унинг қарама-қаршиси объективлик вақтлар оша қандай ишлатилганини нозик фарқقا эга эканини англаш “архив” сўзининг қайта таърифлашга олиб келади.
- Асосий чоп этилган ишлар амалиёт билан боғлиқ бўлишига қарамай, архив назариясидаги субъективлик даражаларини амалий жиҳатдан жорий

¹John Ridener. From polders to postmodernism: an intellectual history of archival theory. California, USA. 2007. P.170.

етиш архивчиларга хилма-хил архив парадигмаларини қабул қилишга ёрдамлашади.

- Архив назариясини гносеологик тадқиқ этиш энг камида архив назариясининг вақт ўтиши билан қандай ўзгарганини намойиш этади.

Архив назарияси нисбий ажралиб қолинган ҳолатда ривожланган. Ҳар бир янги ғоя географик, маъмурий, ташкилий ёки бошқа форматдаги маҳсус изланишлар матнлар натижасидир. Ҳар бир архив ғояси бошланиш жараёнида маҳаллий тажрибадан ўтади, кейинги натижага эса чегаралар орқали кенг қабул қилиш ҳисобланади. Ғоялар вақт ўтиши билан қандай ўзгариши ва шаклланиши тўғрисидаги тадқиқотлар ўз назариялари ва касбларининг ривожини кўпроқ тушунишга ҳаракат қиласиган архивчилар учун жуда фойдали бўлади.

Бугунги кунда архив назариясининг интеллектуал тарихи тутамаган. Архив назариясининг гносеологик текшируви билан архивчилар келажак касбларининг имкониятлари ҳақида кўпроқ нарсани тушунишлари мумкин. Замонавий архив назарияси юраги баҳолаш назарияси саналади. Архив амалиётида баҳолаш роли вақт ўтиши билан мунозаларга сабаб бўлса ҳам, барчаси биргаликда рад этилса ҳам унинг очиқ назарий йўналиш орқали амалий қўлланишининг яширин тушунчасидан ривожланиши замонавий архив назариясининг фалсафий мустаҳкамлашини кўрсатади.

Тарихшуносликтаҳлили.

Архив назариясининг интеллектуал тарихи тарих ва тарихшуносликнинг интеллектуал тарихи ҳам ҳисобланади. АҚШда архивчилик касбининг нисбатан қисқа тарихида, архivistлар профессионал тарихчи бўлишганки, узоқ муддатли қимматга эга манбаларни танлашда маҳсус соҳалардаги тажрибаларига таянишган. Тарих соҳасида манбаларни баҳолашда архивчилар ўз ишлари давомида тажриба орттиришган. Ўтган 40 йил давомида архивчилар ўзининг мустақил профессионал назариялари ва

амалиётини яратишган, архив назарияси ва баҳолаш анъанавий тарихий амалиётлардан ажралиб чиқиб ўзи муайян тартибга айланган¹.

Бу Америка архивларида баҳолаш назариясининг профессионал ва интеллектуал эпистимологиясини тушунишда тарихшуносликнинг интелектуал тарихини чуқур ўрганишда фойдалидир. Аслида, архивчилар ўз тарихий назарияларининг кўп қисмини замонавий амалиётга олиб киришган.

XIX аср охирларида тарихшунослар бор эътиборларини тарихшунослик билан боғлиқ илмий тарих яратишга қаратиши. Ушбу ибора биринчи марта XIX асрдаги Пруссия империясининг мустаҳкамланиши мавзуси устида чуқур изланишлар олиб борган машхур немис тарихчиси Леопольд фон ранке томонидан фанга киритилган. Илмий тарих, шу йўналишда аввалроқ бошқа олимлар ўтказган амалий тажрибаларидан кенг фойдаланишга асосланади. Ранкенинг 1824-йилги “Гесчичте дер Романисчен унд Германисчен Волкер вон 1494 ҳис 1514” (1494–1514 йилларда Лотин ва Тевтон халқлари тарихи) номли тарихий асари ана шу назарияни олға суради ҳамда юксак муваффақиятга эришади.

Бунга Фредрих Майнекенинг “Велтбииргертум унд Националстаат”(Космополитанизм ва миллий давлат) асари ҳам яна бир мисол бўла олади. Мазкур асар XIX аср давомида бир қанча тарихий қўлёзмалар ҳамда Германия тарихини шу давр мобайнида ўз аслича яратиш учун қўлланилган тажрибали услуг орқали Германияда миллийликнинг ривожланишини ўзида акс эттиради.

Майнеке 1887–1901 йиллар мобайнида Германия архивида архившунос сифатида фаолият олиб борган. Ушбу илмий тарихий асарнинг ўзига хос ютуғи шундаки, унда тарихий фактларга ҳеч қандай шахсий фикрларни сингдириш орқали ўзгартиришлар киритилмаган. Бу вақт давомида олимлар (Апплебӣ, Аунт & Жасоб, 1994, п.94) айни пайдаги ижтимоий вазиятни ўзгартириш борасидаги тугал ва умумий хулосани ўзида жамлаган тарихни

¹Ўша жойда..., 67-б.

яратиши устида бош қотирганлар. Дастребаки траихий манбаларда қўлёзмаларнинг тарихга гувоҳлик беришларидағи роли ҳақида алоҳида таъкидаланади.

Биринчи жаҳон урушининг иккинчи ярми даврида тарихчиларни ўзларининг гояларида илмий тарихнинг бошланганлиги тўгрисида асосий саволни ўйлай бошладилар. Чарлз Беард ва Карл Беккер ана шундай саволни илгари сурган дастребаки олимлардир. Бу икки тарихчи тарихий сўроқни ана шу тарих ёзилган давр (Новиск, 1988) ҳамда тарихчиларга таниш бўлган тарихий билимларни ёритиб берган асос орқали ечганлар Беард ва Беккерлар амалга оширга ўзгариш тарихий тажрибаларда “релативизм” яъни алоқадорлик номи билан аталган. Тарихий алоқадорлик шундан иборатки турли хил тарихий даврларга мансуб бўлган гуруҳлар ўзларининг турлича услугубларига эга бўлганлар. Алоқадорлик ғояси Ранкенинг империявийлик ғоясидан мутлақо фарқ қилган. Тарихда алоқадорлик мактабида кузатув ўрнини ўша пайтнинг ўзида талқин қилиш эгаллади.

Апплебайнинг фикрига кўра (1994), бунда Америка маданиятида акс этган янгича тарихий қарашни “скептисизм ва алоқадорлик ғоялари Америка жамиятининг муваққат демоктаријасини нафақат тарихий, балки сиёсий ҳақиқатни ҳам очиб беради” деб ёритади. Беард ва Беккернинг иккиси ҳам қадимда яшаган инсонлар ва улар бажарган ишларнинг ўртасидаги муносабат орқали алоқадорликка алоҳида урғу берганлар. Ушбу қўлёзмаларда воқеа ва ҳодисаларнинг мазмунига худди уларнинг натижасига қаралганидек кўп эътибор қаратилади. Уларга қуйидаги асарлар мисол бўла олиши мумкин: Беарднинг “Америка Цивилизациясининг кўтарилиши” (1927), “Америка ўтиш даврида” (1939) “Америка рухи” (1943). Ўзининг “Конститутсиянинг иқтисодий талқини” (1913) асарида Беард Америка иқтисодиёти тарихи ҳақида ёзади. Ушбу китоб мунозараларга сабаб бўлади чунки бу тарихнинг биринчи ишларидан бўлиб АҚШ мустақиллигига эришиш маънавий ва метафизик муаммо эмас, балки икки қисмнинг

бирлашиши, деб эътироф этади. Нашрдан чиқариш жараёнида Беарднинг фикри анъанавий, тарихий нуқтаи назардан тўғри, дея баҳоланмади¹.

Таниқли Америка архившунос олимни **Жон Риденернинг** архив назарияси тарихшунослиги борасида олиб борган илмий тадқиқот ишлари айниқса эътиборга молик. Уларда XX – XXI асрлар давомида архив назарияси ва архив назарияси тарихини ўрганиш бўйича АҚШ олимларининг олиб борган илмий изланишлари хусусида сўз юритилиб, уларнинг ҳар бирининг фаолиятига тааллукли фикр-мулоҳазалар илгари сурилган. Олимларнинг илмий ишларидаги ютуқ ва камчиликларга алоҳида тўхталиб ўтилган. Хусусан Ж.Риденернинг “Полдерлардан постмодернизмгача: архив назариясиининг интеллектуал тарихи” номли асарида архив назарияси соҳасида АҚШда олиб борилган илмий ишлар шарҳи бажарилган. Ушбу илмий иш архив назариясининг интеллектуал тарихи бўлиб, унда баҳолаш назариясидаги обективлик ва субективликнинг икки тарафлама тушунчалари ролига алоҳида эътибор берилган. Ишда Томас Кухнинг парадигм ўзгариши ҳақидаги қарашлари асосида архив назарияси ривожланиши муҳокама қилинган. Ушбу иш архив назариясига географик, тарихий, тарихий-график ва технологик омиллар таъсир кўрсатганини тасдиқлайди. Илмий ишда солномачилик ва тарихшуносликдаги ўзгаришларни архив назарияси ривожланиш сюжети учун асос сифатида қаралган. 1898–2007 йиллар архив назариясини танқидий ўрганиш натижасида даврлаштириш вужудга келди. Бу қуйидаги даврларни ўз ичига олади: Мустаҳкамлаш даври (Мюллер, Феитҳ ва Фруин, Архив дастури ва тавсифи учун қўлланма), Кучайтириш даври (Женкинсон, Архив бошқаруви учун қўлланма), Замонавий давр (Шнелберг, Замонавий архивлар) ва Сўров даври (Беш архивчи ишлари: Бротхман, Соок, Хеалд, Кетелаар ва МасНеил 1991–2004)².

¹Beard, D. (1994). Archival strategies. *American Archivist*, 58, 374-407. Retrieved March 30, 2007, from http://www.archimuse.com/publishing/archival_strategies/index.html

²John Ridener. From polders to postmodernism: an intellectual history of archival theory. California, USA.

Юқорида имслари қайд этилган олимлар билан бир қаторда АҚШда архив назарияси ва унинг тарихи бўйича олиб борилган тадқиқотлар қаторида қўйидаги йўналишларда илмий изланишларни муваффақиятли тарзда амалга оширган архившунос тарихчи олимларни қайд қилиш лозим:

Кухн, Фоукалт – “Назарий асослар” мавзусида илмий тадқиқот ишларини ёзган олимлар;

Дуранти, Фукал – “Адабий такриз” мавзусида ишлаганлар;
Франк Болс, Жулиа М., Хелен Самуел, А.Греене, Todd Ж., Даниелс Хоуелл, Грин – “Методик ёзув” йўналишида асарлар яратганлар;

Кендес Лоуен, Бернот Фредреекссон – “Прагматик ёзув” бўйича илмий изланишларни амалга оширганлар;

Хиллари Женкинсон, Шелленберг, Сю Маккемиши, Ангелика Менне-Харитз, Лусиана Дуранти – “Қиёсий ёзиш” мавзуси бўйича назарий мулоҳазлар берганлар.

Кухн ва Фоукалт ўз тадқиқотларида архив назарияси тарихини тадқиқот қилиш учун икки хил манбадан фойдаландилар. Дастрраб, парадигм ўзгариши тушунчасидан қандай қилиб янги ғояларни таклиф қилиниши, кўриб чиқилиши, текширилиши, ва ниҳоят, қабул қилиниши ёки рад этилиш жараёнини кўрсатиб беришда фойдаланишни тадқиқ этганлар. Парадигм ва унинг ўзгариши тушунчаси Кухнинг аниқ жараёнларга олдиндан тайёргарлик кўрилган илмий парадигм ва уларнинг хусусиятларига асосланган. Иккинчи назария Фоукалтнинг билим пайдо бўлишининг тадқиқотига бўлган ёндашувидан иборат. Бу ёндашувнинг том маъноси шундан иборатки, билимлар занжири орасидаги бўшлиқларни тадқиқот қилиш орқали қандай қилиб тўлдириш, муайян касб илми ривожланишини тушунишдир. Аниқроқ қилиб айтганда, бу тезис архив назарияси ўзгариши

парадигмидан иборат бўлган манбаларни яратишида тарихий хужжатлардан фойдаланишга ҳаракат қилиш лозимлигини таъқозо этади¹.

1980 йилдан бери архив баҳолаш назарияси мутахассислар ва омма эътиборига тушди. Ҳақиқатдан ҳам, баъзи архивчиларнинг фикрига қўра, профессионал архив соҳасида чоп этилган жуда кўп асарлар архив жараёнининг ўзаги бўлган баҳолаш ишларига эътиборини қаратган. Баҳолаш архивчи ва тўплам орасидаги бошлангич интерфейс ҳисобланади. Агар бир хужжат бошқаларига қараганда пастроқ баҳоланса, у ҳеч қачон муассаса ёки жамоат хотирасидан ўчирилмайди, эсдан чиқарилмайди ёки архивланмайди. Лусиана Дуранти баҳолашни уч фазали жараён – “иш олиб бориш давомида пайдо бўлган ёки қабул қилинган хужжатлар баҳосини аниқлаш, шу баҳони тоифалаштириш ва унинг давом этиш муддатини аниқлашдан иборат” деб таърифлайди. Архив ишида баҳолашнинг қанчалик мухимлигини тушуниш унчалик қийин эмас, чунки аниқ, юридик ва маданий соҳаларни ўз ичига оладиган қийматнинг белгиланиши сақланиш, танлов ва нархнинг жараёнлари давомидаги қайдларга бағишлиланади. Бу архив хужжатини баҳолашнинг ва унинг номутахассисларга кўринишига нисбатан олимларнинг профессионал адабиётдаги архив хужжатига қўйган баҳолашга нисбатан ёндашувидир. Баҳолаш билн боғлиқ адабиёт ўзининг архив амалиётдаги юқори кўриниши билан жуда фарқланади ва турли хил қарашлардан келиб чиқади. Баҳолашдаги номутаносибликка ёндашувнинг хилма-хиллиги архившунослар ўз соҳасига қўшган ҳиссаси, ишнинг кўп қирралилиги билан изоҳланади. Баҳолаш назарияси вақт сайнин қандай ривожланганлигини тасвирлаб бериш учун баҳолаш назарияси функциялари, адабиётлари тушунчаларини билиш мақсадга мувофиқдир. Баҳолаш билан боғлиқ адабиётнинг функцияси мулоҳазали категорияларнинг фойдасига баҳо бериш орқали тушунинлиши мумкин. Бу тезис архив назариянинг даврлашишини яратиш учун қўлланилиб, шунингдек баҳолаш ёзувини тўрт категориясини қайд этади. Архив баҳолашни баҳс қиласиган профессионал

¹Ўша жойда, 84-86-б.

ва академик ёзув тўрт категорияга бўлинади: Методик, Прагматик, Қиёсий ва Назариётчи¹.

Методик ёзув.

Архив баҳолаш маҳсус амалий мақсадда амалга оширилади: у бошқариб бўладиган архивларни яратиш учун зарур ҳисобланади. Архив материали табиатан бирламчи манба бўлгани учун, архивчилар улар билан ишлаганларида эркин ҳаракат қилишлари, ёки натижаларга таъсир кўрсатишлари, турли назария ёки услубларни қўллашлари имконияти чеклангандир. Архив баҳолаш назариясининг маълум қисми табиатан амалий ва мутахассис архивчилар Франк Болс ва Жулия М. Янг (1985) томонидан ёзилган мақолаларда акс этган. Бошқа тадқиқотчи – Хелен Самуелнинг (1992) “Хужжат стратегияси” номли мақоласида баҳолаш учун архивларга тақдим этилган хужжатларларнинг миқдори чексизлиги муаммосига бағишлиланган ва унда ғоя амалий жавоб сифатида изоҳловчи хужжатлар стратегиясини тушунтиришга йўналтирилади. Унинг ёндашуви янги бажариш методикалари билан қўшилган аввалги амалий стратегияларни ривожлантиришга йўналтириладиган баҳолашнинг янги бир тушунчасини яратишидир. Айнан, Самуелс (1992) етарлича ресурсларнинг ривожланиши ва ўзгартирилган архив жамғарма сиёсатларининг тадбиқ этилиши орқали мувофиқ хужжатларнинг архив сақланишини таъминлайдиган барчасини ўз ичига олган баҳолаш методикасини яратишни излайди. Бу ерда асосий мақсад йўналтирув методика ва янги тушунчаларнинг амалий тадбиқ этилишини ўрганишдан иборат.

Прагматик ёзув.

Фақатгина архив хужжатларини баҳолаш ҳақида сўз юритилганда, турли услубда яратилган архив қоғозларини тадбиқ қилиш учун имкон берувчи ечимларни таклиф қиласа, бунда муйян вазиятлар инобатга олинса, упрагматик деб аталиши мумкин бўлган ёзув ҳисобланади ва баҳолаш

¹Белова Г.А. Советские архивисты в США // Новая и новейшая история. № 1. – М., 1967. С.87-95.

назарияси тадбиқинимуайян вазиятда күрсатишга интилади. Шу ерда услубий ёзув эпистемологик йўл билан назария исботланган ва иккинчи бўлиб фойдали архив натижаларни яратиш қобилияти бҳоланганилиги ифодалайди, прагматик ёзув эса архив ҳужжатларини баҳолашга назарий нуқтаий назардан ёндошади. Бу йўналишлдаги илмий ишларнинг кўп қисми умумий назрий тушунчани муайян бир баҳолаш, вазият билан боғлашга интиладиган изланишдир. Бу ишларнинг катта қисмини услубий баҳолаш жараёнини ўрганиб чиқиши, деб тушунса ҳам бўлади.

Кендес Лоуен (1992) назария ва амалиёт ўртасидаги алоқани номоён этади, у мақоласида архив ҳужжатларини баҳолаш ва унинг илмий муҳокама қилишга интилади. Лоуен шуни қайд қиласиди, баҳолашда контекстни муҳимлиги архившунослар учун ҳеч бўлмагандага ҳужжатларни эмпирик жиҳатдан ўрганиш зарур ва маънони маданий ва метафизик тайнглашдан келтириб чиқариши жоиз. Лоуен архившунослар бир томонлама ва субъектив баҳолаш орқали қийматини белгилайдиган вазият яратгандан кўра, контекст архивариусларга баҳо чегараларини аниқлашга ёрдам бериш лозимини исботлайди. Контекст гидларни ҳужжатни яратувчилари ва қачон фаол бўлган пайтда ҳужжатдан фойдаланилганлиги ҳақида шаклга келтирилган маълумот билан таъминлайди. Баҳолаш жараёнида архивист ҳужжатни фаол ишлатилаган вақтдаги қадр-қимматини қайта тиклашга ҳаракат қиласи. Қадр-қимматни қайта тиклаш архивист томонидан олинган масала сифатида юқори субъективдир ва, тадқиқот асосида фақат ижодий ҳаракат бўла олади¹.

Лоуен мақолада таништирган муайян ҳужжататроф муҳитга оид ҳужжатлардир. Бундай ёзувларда замонавий баҳолаш контекстни ишлатиш бўйиша қизиқарли контр-мисоллар келтиради, кўпинча илмий ҳужжатлар асосан гуманитар фанларга асослангани сабабли, архивариусларнинг академик экспертизасидан четда қолишини таъкидлайди. Бу ҳолда, атроф-

¹NewsNotes / AmericanArchivist. 2005 // – Vol.33. № 4/ – P.446.

мухит илмий ҳужжатлари баҳолаш вақтида қизиқарли муаммолар келиб чиқиши мумкин, чунки мутаҳассис бўлмаган одам узоқ хронологик давомийлиги ва илмий табиати туфайли атроф мухит ҳақидаги ҳужжатлар маъносиз, деб баҳолаши мумкин (Лоуен, 1992). Бу шундай вазиятки, ҳаттоқи ҳужжат фаол фойдаланилганвақтда ҳам контекстдан уни аҳамиятини тўлиқ ўрганиш лозим.

Лоуен диққат марказида архившуносларнинг объектив қарор қабул қилиш қобилятини шакллантиришdir. Илмий ҳужжат контекстида объективлик зарур, чунки бу илмий жараённи ўзининг бир қисмидир. Лоуен тадқиқотларидағи атроф муҳитга тааллукли ҳужжатлар контекст ва контент ўртасидаги мутаносибликка яхши мисолдир.

Берннт Фредрикссон (2003) Швеция дипломатик бўлими ҳужжатлари ва XIX аср архивчилари ўша пайтдаги архивлар гуруҳини узлуксиз ишини яратиш учун маданий ўзгаришлар ва технологик ютуқлар қандай таъсир кўрсатганини мақоласида назарий жиҳатдан ўрганган ҳамда амалиётга аҳамиятли ўзгаришлар киритишга чақирган. Тарихий истиқболни Фредрикссон тарихий архив амалиёти ва назарий йўналишнинг баҳолаш назариясида жиҳатларни ўтган замон масалалари билан ўхшашлигини тадқиқ қилиш ҳамда замонавий амалиётда бундан фойдаланиш зарурлиги нуқтани назаридан ўз илмий ишларида ёндашади.

Бу изоҳларда Фредрикссон баҳолашда илмий ва архив амалиёти ёндашувни фарқларини чизиб чиқишига эҳтиёткорлик билан қарашга ҳаракат қиласди. Фредрикссон айтиши бўйича архив назарияси функцияларида бир вақтнинг ўзида илм-фан амалиётида назарий ва гипотеза каби, ҳақиқат таърифларини яратишида, нарсалар бир вақтни ўзида қандай бўлиши кераклигини шарҳлаш билан боғлиқдир. Баҳолаш назарияси изоҳлайдиган ва эски урф одатларга асосланган. Бу иккита мақсад илмий тажрибани чекловлардан ҳоли бўлишга йўл қўймайди. Яна амалий контекстдан ташқари гипотеза учун имконият йўқлиги ҳам бор, тажриба бўлмаса, шунингдек, натижаларни архив амалиётидан ташқари ҳолда ўрганиш имконияти йўқлиги

каби, баҳолаш назарияси амалиётга таянмай туриб, унга бўлган қизиқишиз илмий йўналишга айлана олмайди. Архившунослар танлайдиган амалиёт билан қандай боғлиқлик давом этаётганини тартиблаш учун, Фредриксон ўзининг баҳолаш назариясини учта асосий архивлар турида асослайди, булар – давлат архивлари, бизнес архивлари ва шахсий хужжатлар яратгувчиларнинг шахсий архивлари. Ундан сўнг архившунослик фанидаги изланишлар икки тоифага бўлиниб, юқоридаги учта архив тоифасини ҳар қандай тоифа учун қўлланилса бўлади, дейди. Биринчи тоифа табиатидан илмий ва назарияни ижтимоий формулаларида фаолият юритиб, эмпирик архившуносликдир. Иккинчи тоифа архивларга прагматик ёндашув ва амалиётга асосланган норматив архившунослик. Архившуносликни бу охирги тоифаси яна абстракцияни юқори ва қўйи даражаларига бўлинади(Фредриксон, 2003). Назарий йўналишнинг очик изоҳининг йўқлиги нима бўлганда ҳам бу турдаги ёзувларда шубҳасиз назарий йўналиш суст эканлигини билдиrmайди. Баҳолшс назариясидаги объективлик текшируви бу турдаги шубҳасиз назарий касбдаги умумий назарий йўналишга ҳиссасини қўшиши исботлашга уринади¹.

Қиёсий ёзиши

Бу тоифадаги ёзувлар танилган назарияларни бир-бири билан солиштиради. Кўпинча, сер Хиллари Женкинсон ва 1920 ва 1950 йилларда, тегишли равища архив назарияси ҳақида оригинал ишлар чоп этган Т.Р. Шелленберг ўртасидаги қиёслаш билан боҳлиқ тадқиқотлар мисол қилиб олинади. Қиёсий ёзувга бошқа бир мисол замонавий архив парадигма муҳокамасида архив парадигмаларини қиёслайдиган Фернандо Рибиеро (2001). Қиёсий ёзувнинг Женкинсон ва Шелленберглар архив назариясида архивнинг асосий мақсади бошқа фарқликларини ўрганища қиёслаш услубидан фойдаланини таклиф қилганлар. Ҳатто энг қисқа

¹Samuels H. Improving our disposition: Documentation strategy. Archivaria, 33. 1992, P.125-140.

мақолалар фундаментал фарқликларни номоён этади: Женкинсон хужжат юритишнинг келажагидан баҳс юритади, ҳар бир хужжат аҳамиятли ва хужжатлар табиий исботланган ҳақиқатига аралашмайдиган холис архивчи томонидан сақланиши шарт. Шелленберг бошқа томондан, хужжат юритиш зарурлигини ўзлаштириш нуқтаъий назарини ёзади. Бу назария ҳар бир яратилган хужжатни мувофиқ парвариш қилиш ва сақлаш иложи йўқлигини тан олади ва энг қимматбаҳо хужжатларни сақлаш учун кўрсатмалар бериш беради.

Архившунослар қиёслаш услубига Женкинсон ва Шелленбер даврлари ўртасидагиархив ишидаги 40 йил атрофидаги бўлган фарқликлар, ўхшашликлар ва номувофиқликлар ҳақида ёзишган. Бу икки хурматли ва тан олинган архившунос назариётчилар баҳолашда ажралиб туришади, архившуносликда энг нифоқ солувчи масалаларни кўтаришади. Икки назариётчи ўртасидаги фарқликлар шунчалик қаттиқ ва орани бузувчики, бири (Женкинсон) баҳолашни муҳимлигини, хаттохи мавжудлигини рад этади, худди шу вақт бошқаси, яъни Шелленберг архивларга умумий ёндашувини баҳолаш ғоясида асослайди. Бу икки назариётчи ўртасидаги фарқ ва ўхшашликларни тасвирлаш ва тушуниш орқали, ҳозирги архив назарияси ёритадиган ва келажакдаги имкониятларни белгилайдиган муммоловарни аниқлаш мумкин бўлади¹.

Сю Маккемиш (2001) архивларнинг табиий муҳитини муҳокама қиласи ва архивни таркибини сўроққа тутган ҳолда баҳолаш назарияси моҳиятини қиёслайди. Маккемиш баҳолаш назариясини кенг қўллашга чақириб, шахсий хужжатлар архив баҳолаш эътиборига лойиқлиги, бу хужжатлар изланиш учун зарур, шу боис маданий архивдан фойдаланиш услубини яратиш муҳимлигини қайд этади. Унинг ёзишича, архившунос шахсий хужжатларни қадр-қиймати ҳақида хулоса ёзиш учун ижтимоий жиҳатдан юклангандан ролини ва фаолиятларга муносабатини таҳлил қила оладиган бўлиши зарур

¹ Виноградов Н.В., Гармаш В.Н. Современное архивоведение в США: проблемы поисковирешений. – М., 1987. – С.98.

(Маккемиш, 2001). Баҳолаш назарияси бўйича шахсий қоғозлар архивдан алоҳида сақланиши керак, деб таъкидлайди. Ўтмишда концентрация (хужжатларни бир ерда тўпланиши) ташқи идоралар ўртасидаги расмий муносабат бўлиб келган. Бу ёндашув назария ва амалиётда ҳам ўсиб бораётган субъективлик учун ҳам яроқлидир.

Маккемиш кўлёзмаларида амалиётни қиёслаш орқали архив тушунчасини кенгайтиришни муҳокама қилинади. Шунингдек, у ҳозирги баҳолаш назариясин маданий хотира яратилиши билан қиёслайди, фалсафа худудига енгил киради, ва архившуносларнинг аҳамияти фақат хотираларни сақлаш эмас, балки шахсий ҳужжатларни баҳолаш ва сақлаб қолиш орқали хотира тушунчасини фаол яратиш билан боғлайди(Маккемиш, 2001). Баъзи мутахассислар бу каби таққослашлар архив ишини ривожлантириш учун жуда оз, бу турдаги тадқиқотларнинг ўсиши баҳолаш имкониятлари ва архившунослик назариясини белгилангандан амалиётдан узоқлашишини англатади.

Ангелика Менне-Харитз (1994) Фредриксоннинг миллий архив даражаси ҳужжатларнинг мулоҳазасини, Германия Демократик Республикаси(Шарқий Германия) мисолида замонавий баҳолаш назариясини номоён этиш мисолида кўриб чиқсан. Мақолада Менне-Харитз замонавий баҳолаш фақат энг муҳим ҳужжатлар сақлаб қолинган вақтда, яъни ўрта аср архившунослик амалиётида илдиз ортган, деб мулоҳаза қиласди. Баҳолаш назариясида расмиятчиликни ўсиб бориши ахборот ва далилий қийматлар Т.Р. Шелленберг кўрсатган баҳолашга асосланган ёндашуви шартлари кўтарилиганда чўққисига етган, дейди. Бироқ ажойиб томони шундаки, нима бўлганда ҳам, немис расмий ёндашуви, ҳатто Шелленберг томонидан таъсир бўлса-да, объективликни юқори хурмат қилиш хусусида архившунослик назариясга янгиликлар киритади.

Мақола қиёслаш усулида давом этиб, унда Менне-Харитз икки турдаги баҳолаш назариясини таърифлайди ва таққослади: ҳужжат юритиш ва ўзлаштириш. Иккала йўналиш ҳам архившунослик ишини мақсади,

ижтимоий-жамиятни аниқ тасвири, уни ҳужжат юритилиши ичида яратишни ўрганади. Менне-Харитз иккала баҳолаш назариясини шундай тарифлайди: ҳужжат юритиш стратегияси учун, архиви ижтимоий фаолиятлар ёки жамиятни тасвирилашда ҳодисаларни ҳужжатлаштириши керак... Контрастда, ўзлаштирув стратегияси маъмурий вазифаларга қаратилган, жамиятни ҳаққоний тасвирилаб бериш учун бутун ҳаёт етарли даражада жамият ҳужжатларида акс эттирилганини фараз қилишdir.

Лусиана Дуранти (1994) асосий маҳаллий черков ҳужжатлари ёзувлари ноаниқ бўлган ҳужжатлар иблан ишлаш хусусида тадқиқотлар ёзади. Бундай ҳужжатларнинг пайдо бўлиши Ўрта асрларда бошланади ва 1950-йилларга қадар давом этишини таъкидлайди. Бу ҳолда баҳолаш назариясини нуқтаи назаридан ёндошади. Хусусан, Дуранти исботлов сифатида архив ҳужжатларини ишлатиш табиати ва қандай қилиб маълум келиб чиқишидан ҳужжатларни ишончлигини аниқлаш мумкинлигини асослайди. Ҳаққонийлик каби аниқ баҳолаш учун калит билан ҳужжатларни маълум келиб чиқишини ва сақланганлигини аниқлаш анча осонлигини исботлашга уринади.

Менне-Харитз баҳолаш назарияларини қиёслаб кўрганда, унда кўпроқ тарихий қараашларга мурожаат этганлиги, аммо ундаги маълумотларнинг аниқ бир мақсадга йўналтирилмаганлиги, лекин аввалдан ўйланганлигини кузатишимиз мумкин. Менне-Харитзниң фикрига мувофиқ, бу нозик тафовут мақсадини амалга оширишда далил кераклигини талаб этади, назарияга асосан иш қуроли “Архивчи шундай мутахассис бўлиши керакки, у маълумотларни тушунтириб, кўрсатиб бераётганида ҳам назарий, ҳам методологик қуролланган, яъни билимга эга бўлиши керак”.

Лусиана Дурати (1994) баҳолаш назариясини тарихий ёндашув орқали кўриб чиқишига мувофиқ бўлиб, асосан ўрта асрлар тарихи яъни ибодатхона ҳужжатларини ўрганишни ва уларни 1950 йилга қадар давом этитиришни кўзда тутган. Дуранти асосан архив ҳужжатларининг ишончлилик даражасини ўрганиб, қандай қилиб ҳужжатнинг ўтмишни ёритиб берувчи, тасдиқловчи манба эканлигини исботлаш мумкинлигини ўрганганди.

Аниқлаш назариясининг калити бу, ҳужжатнинг аслини топишидир.

Дуранти Дженкинсон ва Шелленбергнинг баҳолаш назариясини солиштириш орқали, баҳолаш назариясининг замонавий эпитетологиясини яратишни, қайсики унда баҳолашнинг тарихий илдизлари асосий ўринни эгаллашини кўрсатиб беришни кўзда тутган. У, шунингдек, ушбу икки назариячилар ўртасидаги ҳужжатларга нисбатан бўлган тушунчаларидағи фарқларни муҳокама қиласди. Дженкинсоннинг тушунчасига кўра ҳужжатлар бу ўзгартириб бўлмас далиллардур, Шелленберг эса, уларни маъданӣ ёдгорликлар сирасига киритади. Ушбу қарашлар бир-бирига номутаносибидир (Дуранти, 1994). Дурантининг таъкидлашича, мақолаларда асосан методология бўйича назарий қарашларнинг устунлиги ёритиб ўтилганлиги: қандай қилиб жамиятнинг баҳолаш масаласида онгода юзага келган чигалликни олиб ташлаш мумкинлигини, шунингдек архив назариясига методологияни сингдиришнинг жамоавий изланишларни жорий этишини ўрганиб чиқкан¹.

Дурантининг солиштириш тадқиқотлари касбий фаолият доирасида назарияининг қўлланилишини ёритишида мухим ҳисобланиб, у орқали мухим назарий асос ёритилиши мумкиндир, бундай ҳолат эса аксарият замонавий баҳолаш адабиётида мавжуд эмасдир. Назарий таклифларни ўрганиб чиқиши жараёнида баҳолаш тушунчасининг ноаниқ қирралари юзага келган. Бундай қарашлар орқали мутахасисиларга назарияни ўзларининг шахсий баҳолашлари орқали ўрганиб, тушуниб этиш имконини беради. Бундай солиштирув тадқиқоти баҳолаш назариясида жуда кам учрайди. Баҳолаш назарияси таққослаб ўрганилганда, унда субъективлик ва объективлик кўпроқ тадқиқ этилган.

Ушбу хulosаларга тўлиқ қўшилган муаллифлар, ҳужжатлар баҳолашнинг субъективлигини оширишни мақсадга мувофиқ, деб белгилайдилар. Мисол учун, Шелленбергнинг баҳолаш назарияси

¹Duranti, L., & MacNeil, H. (1996). The protection of the integrity of electronic records: An overview of the UBC-MAS research project. *Archivaria*, 42, 64.

хужжатларнининг кўплиги билан давомий бўлса, Дженкинсоннинг баҳолашнинг мухимлилиги тўғрисидаги рад жавоби замонавий архив хужжатларини қимматли манбалар қаторидан олиб ташланганлигидир.

Ушбу далилни тўла даражада амалга ошириб бўлади, умуман олганда, босим бу мунозараларнинг асосини ташкил этади. Ушбу тадқиқотлар мавжудлиги, уларни баҳолаш назариясига нисбатан гуруҳларга ажратиш имконини беради, ўз навбатида, баҳолаш назариясидаги объективлик ҳамда субъективлик тушунчаларининг шаклланишига ўз ҳиссасини қўшади. Ушбу категориядаги тадқиқотлар баҳолаш назариясининг асосланганлиги ва тажрибага мувофиқлигини намоён этади. Яқин ўтмишда, таққослаш мезонлари назариянинг хаётга тадбиқ этилиши ва саволнинг қанчалик асосланганлиги, объектив баҳолашнинг назарий ёзма шаклига бўлган талабнинг пасайиши кузатилганини кўрсатади.

Замонавий (постмодерн) танқид назариясини архив назарияга кўрсатган таъсири ҳақида, баҳолашни назарий базасини таҳлил қилган ҳолда ўрганиш масаласига бир неча ҳозирги кун архившуносларининг ишларида урғу берилган. Бунда Бротман (1991), Кук (1997, 1999, 2000, 2001), Кук ва Шварц (2002), Хилд (1996), Кетелаар (2001, 2002, 2004), Макнейл (1994), ва Шварц ва Кук (2002) томонлардан ёзлиган ишларни қайд этиш лозим¹.

Бу илмий ишларда диққат маркази баҳолаш назариясида объективлик ва субъективликка урғу бериш, архив назариясининг интеллектуал тарихини ўрганиш, тарих ва тарихшунослик саволлари билан таққослаш муаммолари кўриб чиқилган. Тарихчилар учун мунозарали саволларга жавоблар архивдан изланади. Архивдаги маълумотни ростлигига ишончсизлик билан қараганда, тарихчиларни иши амалга ошиши қийин. Шу билан бирга, ҳар қандай маълумотга қаратилган соғлом танқидий ёндашув тарихичи ва архившунос учун ўта фойдали бўлиши мумкин. Ушбу олимларнинг ишларида архившунослар юқорида келтирилган саволлар турини қандай тушунган ва

¹ Баскаков Э.Г. Архивное дело в США / В кн.: «Архивное дело в зарубежных странах». Очерки. – Вып. 1. – М., 2010. С.10-17.

белгилаган, хужжатлар орасидан қиммат ва муҳимини ажратиш таалуқли саволларга жавоблар топищдаги ҳаракатларини қай йўсинда характерлашлари номоён этилган. Бир маънода бу тадқиқотлар баҳолашда ўқувчи шошилиб хулоса чиқариш мумкин эмаслиги, иерархия ва архивни ўз фикрини баҳолаши ҳақида тушунча эга бўлиш муҳимлигини тушуниб олади.

Архив назариясида хужжатларни баҳолаш нисбатан янги тушунча. Голландия қўлланмаси баҳолаш тадбирларини қайд этган ва Женкинсон буларга қарши чиққан бир вақтда, бу тушунчани архившунослик касбида биринчи бўлиб тадқиқ этган Шелленберг, деб ҳисобланади. Ўшандан бери баҳолаш энг кўп мунозара қилинсада, лекин эҳтимол архив назариясида энг кам ёритилган тушунчадир.

Архив назарияси хужжатларда табий ҳолат ва ҳақиқатни қайд этишда асосланган. АҚШ олимларнинг архив иши назарияси тарихи борасидаги тадқиқотлари тезис баҳолаш назариясини эпистомологиясини яратиш учун объективлик билан ўз-ўзини сўроқقا тутиш жараёнини бошлашда муҳим қадамдир. Эпистомология ҳар қандай замонавий илм-фан асосини тушунишда муҳим бошланғич нуқтадир. Тадқиқот олиб борган олимлар бу баҳолаш назариясини даврлаштиришига эътибор қаратадилар. Улар олиб борган изланишларининг натижалариб аҳолаш назарияси даврларини яққол белгилаш, баҳолаш назариясини қайта яратиш ва таҳлил қилиш бўйича изланишларда ёрдам бўлади. Бу яна бир бор архившунослар ва тарихчиларга ўз касбларида ўхшашлик ва фарқли жиҳатларни аниқлашга имкон беради.

2.2. Архив иши бошқаруви назарияси: С.Х.Женкинсон қарашлари

Хилари Женкинсон архив назариясига ўз таъсирини ўтказган энг таниқли архивчилардан бири саналади. 1922 йилда Женкинсон томонидан чоп этилган “Архив маъмурияти учун йўрикнома” 1937 йилда қайта қўриб чиқилиб, архив нахарияси ва архив ишида кенг жамоатчилик томонидан тан олинган ишлардан бири саналади. Йўрикномада амлиётга таянган жуда кўп амалий тавсиялар ва бир қанча иловалар бўлишига карамасдан, Женкинсон иши архив хужжатларини сақлашнинг аҳлоқий ва назарий асосларига бағищланган. Женкинсоннинг йўрикномаси ҳақиқатдан ҳам амалиётни назариядан ажратган ва архивларга назарий ёндашиш бўйича тавсияларни ўз ичига олган биринчи нашрлардан бири саналади.

Унинг йўрикномасида назария Нидерландия йўрикномасидаги асосий тушунчаларга асосланади. Женкинсоннинг ёндашуви Нидерландия йўрикномасининг амалий аҳамиятини кўрсатиб бериб, янги тунушчаларни мустахкамлайди. Женкинсон Муллер ва бошқалардан фарқли равища архивларни катъилик билан ифодалаб, хужжат атамасига янги таъриф беради. Бу янги тушунчалар, хужжатлар яратувчилар томонидан архивга топширилгунга қадар сараланади деган баҳолаш мезонларини четлаб ўтади. Натижада Женкинсон томонидан мерос архивчилар учун сақланиши лозим бўлган мулкининг ажралмас қисми нуктаи назаридан талқин этилган.

Женкинсон ўз қасбий фаолиятида баҳолаш қисмини бажаришга интиилаётган архивчини назарий ва амалий жиҳатдан ортда қолаётган, деб тавсифлайди. Женкинсон архивларда сақланаётган ҳар бир хужжатдаги ахборот ўзига хос бўлиши ва уларни бир-биридан фарқланиши назариясини яратади. Женкинсон архивчига ўз вазифаларини бажариши учун кўп куч сарфланишини айтади, лекин қатъий чегараларни ҳам белгилаб қўйяди. Нидерландия йўрикномасидаги каби, бу субъективлик ҳақиқатни, ривожланишини ва қонун устиворлигини чегаралашда қўлланилади. Женкинсон назариясининг танқилий таҳлили баҳолаш назариясидаги

субъективлик Женкинсон ва Нидерландия йўрикномасидаги тушунчаларнинг кенгайиши билан ўзгариб боришини кузатиш имкониятини беради.

Ёриқноманинг тарихий ва архив моҳияти.

Глобал жиҳатдан 1920 йил Биринчи жаҳон уруши натижасида шаклланган ўн йиллик бўлган. Биринчи “умумий уруш” Европада ва бошқа минтақадаги ҳар бир мамалкатни камраб олиб, шаҳарлардаги маданият инқоризи ва одамлар орасида маданий хаосга олиб келди. Урушдаги технологик янгиликлар бутун дунёда техник тараққиёт янги эрасини бошланишига олиб келди. Уруш натижасида улкан ижтимоий ва маданий ўзгаришлар содир бўлди. Хусусан, урушдан сўнг шаҳарларни қайта тикланиши ва ҳукumatни янгиланиши фуқароларга ўз таъсирини кўрсатди.

Жадаллашган технологик янгиликлар уруш даврида технологик нуктаи назардан амалга оширилди. Жангларда илк бор самолет ва танклар кўлланилган. Фуқаролар ҳаётида ҳам технологик ўзгаришлар содир бўлди. Ахборотни узоқ масофага матнсиз телефон орқали етказиб бериш географик жойлашиш аҳамиятини қискартириб юборди. Ёзув машинасидан фойдаланишдан кенгайиши ёзиш усулини ҳам ўзгартириб юборди. Матн ва ахборотни механик талқин этилиши ҳужжатлар ҳажмини ошишига олиб келди. Машинисткалар кўп миқдорда тез ва аниқ ҳужжатлар нусхасини яратиш имкониятига эга бўлдилар. Коммуникацион технологиялардаги янгиликлар ёзилган мант киймати ва архив ҳужжатларидан фойдаланишдаги доимий ўзгаришларга олиб келди¹.

Биринчи жаҳон уриши Усмонийлар империясини тутатилишини эълон қилган бир вақтда Британ империясини таназулли ҳам бошланди. Умонийлар империясининг қулаши натижасида Буюқ Британияни мустамлака империя сифатида кенгайишига сабаб бўлди. Натижада Фаластин, Ироқ, Жанубий

¹Jenkinson, H. (2003). Modern archives: Some reflections on T. R. Schellenberg.

In R. H. Ellis & P. Walne (Eds.), Selected writings of Sir Hilary Jenkinson(pp. 339-343). Chicago: The Society of American Archivists. (Reprinted from *Journal of the Society of Archivists*, 1956,1, pp. 147-149).

Фарбий Африка ва Германия қисмларида янги Британияни хукумронлиги бўлди. 1923 йилда Канададан бошланган кенгайиш нисбатан тез якунланди.

Собиқ мустамлака фаоллари 1940 йилда битимга мустақил киришиш учун Австралия тажрибасига таяндилар. Ер эгалиги ва муносабатлардаги ўзгаришлар билан бир қаторда Британия хукумати ва фуқаролари йўллари ва воситалари бу вақтда мухим ва тез ўзгаришларни бошидан кечирган. 1918 йилдан бошланган овоз бериш ҳукуқи аёлларга овоз бериш ҳукуқи билан бошланиб, 1928 йилда амалга оширилган. 1919 йилда “Уй жой тўғрисида”ги Қонун одамларга уйларини хусусий мулкка айлантириш ва камбағал районларни тарқ этиш ҳукуқини берди. Ҳаёт сифатини ўзгариши Британия фуқаролари томонидан яхши қабул қилиниб, 1922 йилда миллий хукуматга лейбористлар партиясини танланган. Хукуматнинг янги вазифалари фуқаролар олдидаги мажбуриятни кучайтирди ва ушбу ҳукуқ ва манфаатларнинг кафолатларини ҳукумат ҳужжатларида акс эттирилишига олиб келди.

Техник тараққиёт каби, уруш кўпчилик бриттанияликлар ҳаётида ўзгаришларга олиб келди. Хукуматга бўлган ишончсизликни ортиб бориши Биринчи жаҳон урушида Буюк Британия тўғри йўлда бўлган, деган ишончга қарама-қарши ошиб борди. Левентхал (1995), “Либерал ортодоксаллик Биринчи жаҳон уруши арафасида биритания сиёсий тарихида прогрессив сифатни киритди, у жавобгар лидерлик остида парламент демократияси томонидан ташкил этилган ер участкалари ривожланиши”, деб таъқидлаган. Биринчи жаҳон уруши натижалари бу эътиқод учун Британия хукуматига талофатли бўлган. Давлатлараро дўстлик шартномалари ушуб урушда ғалаба қозонган бўлсада, ижтимоий ва руҳий талофатлар улкан бўлган. “Биринчи жаҳон урушидан сўнг бўлиб ўтган тўнталиши иккала томон сўл ва унглар инкиrozига олиб келган”. Левентхал (1995) хукуматга бўлган ишончсизлик ва

кутилаётган янгиликлар комбинацияси Британия фуқаролари ва архивчилари учун кийинчиликлар туғдирди¹.

Британия тарихчилари ўртасида уруш тугашидаги тенгсизлик, экспансив ва тез технологик, маданий ва маъмурий ўзгаришлар сезиларсиз кечди. Шу билан бирга, сабиқ мафкурачилар тарихни ёзишда абсолют объективликка ишора қилишига қарамасдан, улар ОАВ ва фуқаролар томонидан танқидга учраган бир вақтда, аксарият британиялик тарихчилар уларнинг ишида объективликни катъий ёклаб чиқдилар. Левентҳал (1995) Аксарият британиялик тарихчилар ўз ишларини замонавий халқ ҳаракатларидан четда қолган ўрта аср ва маҳаллий тарихга йўналтирилар. Бу тарзда уларнинг ишида кўриб чикилаётган объективлик кучсиз бўлиб қолган. Аслида бу илк маротаба 1910 йилда Линcolnширда ва 1920 йилда Нортгемптонширда ташкил этилган графлик ҳужжатлари фондларини тузилиши олиб келган. Маҳаллий тарихчилар ва ушбу жамият хат ва коллекцияларда акс эттирилган географик ҳудуд билан қўпроқ қизиқсан. Мюллер, Феитҳ ва Фруин Нидерландия йўрикномасида тавсифлаган унча катта бўлмаган ташкилотлар алоҳида коллекциялар яратиши ва маҳаллий тарихчиларни, улар ҳақида катта тарихий тенденциялар билан бир жойга жамланмаган маҳаллий тарихни ёзишга киришганлиги тўғрисидаги тавсифларига мос келади. Англикан черкови ва руҳонийлари графлик ҳужжатлари жамиятига ўрта аср бино ва черковларига бўлган қизиқиш сабабли киритилган эди. Бу эса графлик ҳужжатлари жамиятидаги аксарият ҳужжатлар ўрта асрлардан бошлаб йиғилган. 1920 ва 1930 йилларда графлик ҳужжатлари жамияти таҳсил олган тарихчи ва мутахассис архивчиларни ўз ишларига жалб этган. Графлик ҳужжатлари жамияти манбаларидан фойдаланган тарихчилар ҳавасқор бўлиб қолган бир вақтда Буюқ Британияда Женкинсон каби миллий профессиоал архивчилар шаклана бошлаган.

¹Ўша жойда..., 48-б.

Буюк Британияда XX аср мобайнида маҳаллий тарих жуда машҳур бўлиб келган, шу билан бирга тарихчилар учун ҳарбий ва ижтимоий тарих ҳам қизиқарли бўлган. XX аср Буюқ Британияда ижтимоий тарихчилари Шотландия маъорифининг кучли таъсирида бўлган. Илмий метод асосчиси бўлган Девид Хюм ва иқтисод бўйича биринчи асар “Халқлар бойлиги” муаллифи Адам Смит Шотландия маъорифининг асосий мутафаккирларидан бири бўлган. Баркамоллик ва ижобийликка инсониятни интилиши Жорж Тревелян ва Фредерик Мътленд каби британиялик тарихчилар томонидан қайд этиб ўтилган. Тревеляндан ташқари Биринчи жаҳон уруши тарихни ёзишда тарихий манбаларни йиғиш ва талкин этишда эмперик ёндашувни акс эттирган. Ижобийлик ва эмпиризмнинг аралашмаси британия тарихини яратган, у ўз навбатида британия ўтмишига ижобий қарашлар ва илмий ёндашувга асос солган.

Бунга қарама қарши ҳолда ҳарбий тарих жиддий академик сўровга муҳтоҷ бўлмаган йўналиш сифатида баҳоланганд. Биринчи Жаҳон урушига қадар ҳарбий тарих Британияда империяни қўллаб қувватлаш ва уни кенгайтиришга қартилган узок урушлар тарихи сифатида қаралган. Аксарият ҳолларда ҳарбий тарих оғзаки хикояларга асосланган.

Кўп ўтммасдан Биринчи Жаҳон урушидан сўнг Хилари Женкинсоннинг уруш даври архивлари устида олиб борган ишлари натижасида Британия ҳарбий тарихига бўлган қизиқиши ортиб борган.

Биринчи Жаҳон уруши арафасидаги Британия архивлари тарихи камроқ тадқиқ қилинган бўлган. Ушбу архивлардаги энг муҳим хужжатларни аксарияти ўрта асрдардан бошланиб, Машҳур куни китоби, Озодлик буюқ хартияси, Эдуард XIIIни таҳтдан кетиши тўғрисидаги ёзишмалар каби хужжатлардан иборат бўлган. Дворянларнинг йиғилишлари алоҳида Лондондаги Сомерсет-Хаусда, парламент архивлари эса, Вестминстердаги Лордлар Палатасида сақланган. Фуқаролик ҳолатини қайд этиш бюролари ҳар қандай парадигмаларда архив хужжатлари деб тан олинган манбаларни сақлаган. Бу хужжатлар 1837 йилдан бошлаб туғилиш, ниқоҳ ва ўлим билан

боғлиқ бўлган маълумотлар бўлган. Британия архивлари ҳам 1920 йиларда Нидерландия йўрикномаси ёзилишидан олдинги Нидерландия каби стандартлаштирилмаган эди. Ҳужжат турлари ва архивлар ўртасидаги номутаносибликлар жуда кўп учраган¹.

Стандартлаштириш йўлида олиб борилган илк қадам графликлар архивларини ташил этилиши бўлган. 1913 йилда ташкил этилгна Бетфорд архиви энг қадимги бўлган. Женкинсон томонидан йўрикномани чоп этилиши 1920 ва 1939 йиллар орлиғида тўққизта ҳудудда янги графликлар архивларини очилишига сабаб бўлган. Йўрикномада Женкинсон архивларни тавсифлаб, аниқлаштириб берган, ҳужжат турлари ва архивчи вазифаларини ёритган. Умуман олганда йўрикномада Буюқ Британияда янги ташкил этилган миллий архив тизими учун мустақил архив қасбини жорий этилиши бошланади.

Биографик маълумот.

Хиллари Женкинсон 1882 йил 1 ноябрда жанубий Лондонда туғилган. Отаси кўчмас мулк ҳаракатлари бўйича агенликда ишлаган. 1904 йилда Женкинсон классика соҳаси бўйича Кембрижнинг биринчи синфини мувафақиятли тамомлаган. Икки йилдан сўнг Лондондаги Давлат архивида лавозим эгаллаган. Бу муассасада 48 йил давомида ишлаган. Женкинсон ҳукуматни маълумот билан таъминлаш ва архив ишида имкон қадар катнашиш ҳолатидан норози бўлган. Бу ҳолатлар 1920 дан 1925 йилларгача Коллеж университетидаги Кутубхоначилик иши мактабида палеография ва архившунослик фанлари 1920 йилдан 1947 йилларга қадар Лондондаги Қироллик коллежи дипломатия ва архивларни ўз ичига олган.

Давлат архивларида лавозим поғоналари бўйича кўтарилиган даврда Женкинсон собиқ амалиёт инқирозга юз тутган эди. Архивчи сифатида ишлаш жараёнида ҳаётий қасби бўлиб колган. Женкинсон Британиядаги профессионал архивчилардан бири бўлган. У қасбий бирлашмалар

¹Jenkinson, H. (1922).A manual of archive administration.Economic and social history of the World War (Britishseries).Oxford: The Clarendon Press.P.68.

фаолиятида ҳам иштирок этган. У 1932 йилда ўз фаолиятини бошлаган Ҳисоботлар Ассоциациясини ташкил этилишига ҳам асос солган. Женкинсон Иккинчи Жаҳон урушидан кейинги даврда Халқаро архивчилар кенгашини ташкил этишда ҳам етакчилардан бири бўлган.

Британия давлат архивида ишлаш жараёнида Женкинсон Карнеги Фондидан Халқаро тинчлик учун грант маблағларини олиб, уларни ҳарбий хужжатларни сақлаш усусларини ишлаб чикиш учун сарфлаган. (Иствуд, 2002). Унинг олиб борган ишлари натижасида архивларни бошқариш учун йўриқнома ишлаб чикилган. Биринчи жаҳон уруши даврига оид хужжатларнинг сони рекорд даражасига этган бир вақтда улар миллий ва техник тараққиёт натижаси ҳам бўлган. Жанг майдонларидағи ўзгаришлар, самолет ва сув ости кемалари коммуникация ва ахборотни радио ва ёзув машинаси ёрдамида етказиш усусларида ўз аксини топган. Женкинсонни Хужжатлар Офисида ишлаган давридаёқ, ахборотни механик воситалар ёрдамида баён этилиши архивариусларнинг ишларига катта таъсир кўрсатган. Женкинсонга ҳукумат ва ҳарбийлар назорати остида архив амалиётини қўллаш вазифаси топширилган эди. У тез ва чегараланган бюджет ҳисобидан ишлаши лозим бўлган¹.

Женкинсон йўриқномасининг марказида ҳарбий архивлар турган, лекин ҳарбий ва муваққат ҳукуматнинг уруш даврида тез ўзгариб туриши хужжатларни тизимлаштириш, тавсифлаш ва рўйхатини тузиш ишларини оғирлаштирган. Уруш Женкинсонни архивлаштирган, у қуроллар ва урушда қатнашганлар тўғрисидаги маълумотлар билан ишлаган (Ҳарбий тарих, 2007), лекин уруш Британия мувафақияти билан якунланганидан сўнг тезда унутилди. Женкинсон Британия архивларини топиб олган ҳолати илгариги архивлар контекстини ўрганган. Айниқса, Нидерландия йўриқномасида тавсифланган архивлар туридан тубдан фарқ қилган. Нидерландия йўриқномаси тизимлаштириш ва тавсифлашни илгари сурган бир вақтда,

¹Ўша жойда..., 75-б.

унинг йўриқномаси архив материалларини секин-аста жамлаш учун ёзилган эди. Женкинсонда Биринчи жаҳон уруши даврида британия миллий тажрибасини сақлаб қолиш учун вақт оз бўлган. Женкинсон бу профессионал инқироздан янги архив парадигмасини ривожлантирган. Натижада ҳаётий талаб этилган архив назарияси яратилди.

Женкинсон дастлабки инглиз тилида яратилган назария муаллифидир. Назарий қурилмаларнинг аксарияти Мюллер, Феитх ва Фруин ишлари билан боғланган бир вақтда, Женкинсон уларни амалиётда кўллаш бўйича тавсиялар билан кучайтириб беради. Женкинсон назариясининг ноёб томонларидан бири, хужжат ва архивлар тушунчасига берилган янги таърифдир. У архив ва хужжат тушунчаларини британия архив ишини қуи катламдаги бюрократик ишлардан тортиб, тўлиқ функционал ва интеллектуал ишларни ислоҳ қилиш ва катта миқдордаги хужжатларни замон талабларига жавоб берадиган ҳолатда тартибга келтиришга интилган¹.

Матнли таҳлил.

Женкинсонни архив назарияси тўғрисидаги кўп қиррали фикрлари яна бир бор Мюллер, Феитх ва Фруин ишларига тўхталиб ўтишни талаб этади. Нидерландия йўриқномасидаги назарий тушунчаларнинг амалий йўриқномаси тизимлаштириш соҳасида мужассамлаштирилган. Женкинсон тизимлаштириш масаласи бўйича Мюллер, Феитх ва Фруин га иқтиbos бериб ўтади. Тизимлаштиришдаги умумий ёндашув мантиқий бўлиб, мазкур ишлардаги усувлар ўрта аср архив хужжатлари билан ишлашга асосланган. Бу архив хужжатлар узоқ йиллар давомида турли хил архивчилар томонидан ҳар хил талқин этилиб, бир қатор кийинчиликлар туғдирган. (Женкинсон, 1922).

Женкинсон ҳарбий архивлар учун юқори мақсадларни белгилашни тавсия этади. Бунда маҳаллий ҳокимият органлари ва давлат бошқарувининг шахсий ва иккинчи даражали манфаатларидан мустасно тарзда ёзма

¹Ўша жойда..., 92-б.

манбаларда қайд этилган ҳарбий иқтисодиёт масаласига доир ҳужжатларни жамлаш ва сақлашни таклиф этади (Женкинсон, 1922). Женкинсон Буюқ Британияда 1910 йил охири ва 1920 йиллар бошида бошланган миллий архив бирлашишидан фойда олишга ҳаракат қилган. Унинг уруш даври ҳужжатларини тўлик сақлаб қолишга қаратилган фикрини тушуниш қийин бўлган. Мақсадга эришиш учун Женкинсон уруш натижасида вужудга келган уникал ҳолат, муваққат ташкилотлар, тарихий мақсадларни молиялаштириш кийинчилиги ва жангларда ҳужжатларга талофат этиши каби муаммоларни бартараф этиши керак бўлган.

Янги муаммоларни баратараф этиш йўли сифатида Женкинсон уруш даврида ҳужжатларни яратишида иштироқ этган ва фаол бўлган ходимларни ўз лавозимларига қайтариш ва ҳужжатларни архивга топширидан олдин саралаш ишларига жалб этишни тавсия қилган (Женкинсон, 1922). Женкинсон шунингдек, архивларни сиёсий чегаралар орқали ҳамкорлик қилиш ва Биринчи жаҳон урушига нисбатан британия миллий характерини акс эттирувчи архивлар тузишни тавсия қилган. Бу ерда Женкинсоннинг мақсади бир вақтнинг ягона архивини яратиш бўлган. Унинг назарий нуқтаи назари сақлаш мумкин бўлган барча ҳужжатларни барчасини сақлаш кераклиги ва йиғилган материалларни факт учун фойда келтирувчи айлантиришга қаратилган эди. Женкинсоннинг ўз вақтида таъсири қучли бўлган. Агар уруш туганидан сўнг ҳарбий ҳужжатлар тез фурсатда сақланиб қолмаганида, уларнинг мазмuni ва фойдаланиш масаласи таҳдид остида қолар эди.

Женкинсон ҳарбий архивларни тузишдаги аниқ саволларга жавоб излашда ўтмиш тажрибасини ҳам ҳисобга олган. У Нидерландия йўриқномасига киритилган муайян қоидалар ва аниқ йўриқномалардан фойдаланган. Нидерландия йўриқномаси қўпроқ нидерландалр талабидан келиб чиқиб тузилган эди. Британия хукумати ва тарихида бошқача архив эҳтиёжлари бўлган. Архивлар бирлашиши даврида иккила давлат янги архив парадигмаларини яратган бир вақтда ҳар бир географик контекст ноёб бўлиб

қолган. Женкинсон маҳаллийдан миллий ҳукуматгача турли даражадаги беҳисоб тартибсиз ҳужжатлар билан тўқнаш келган. Женкинсон ва британия архивариуслари “Кун инкирози”ни бошидан кечирган, бунда мутахассилар муаммога профессионал жавобини тасодифан тушуниб қолган — бу ҳолда Биринчи жаҳон уруши архивларини ташкил этиш — жорий назариялар асосида ечилиши мумкин бўлмаган. Янги назарияга эҳтиёж туғилган¹.

Женкинсон назарияси Нидерланлдия йўриқномасидаги тушунчаларга асосланган, лекин айрим усуллари билан фарқланади. Женкинсоннинг ишлаш шартлари катта назарий талабларга асосланиб, бу ерда Мюллер, Феитх ва Фруин архивларни сақлашнинг амалий масалларини муҳокама қиласди. Женкинсоннинг назарий мақсадлари Нидерландия йўриқномасидан фарқланади. Женкинсоннинг мақсади — архивларни ташкил этишда ҳозирги кундан келажакка олиб борувчи фундаментал архив тамойилларига ўтишдан иборат бўлган. Бу мақсад ҳақиқатдан ҳам амалга оширилган, лекин натижা ҳужжатлар ва ахборот турларига асосланган. Афсуски, Женкинсон назарияси у учун тарихдан маълум бўлган архивлар асосида яратилган. Технология ва маданият соҳаларидағи ўзгаришлар истиқболга қолиб кетган эди. Женкинсоннинг ўрта аср ҳужжатлар тизимиға бўлган ишончи унинг Шелленберг билан назарий қарашларидаги тафовутлар ҳамда Шимолий америка баҳолаш назариясида ҳам кўрилган.

Женкинсон ишининг асосий назарий ёндашуви — унинг архивлар тушунчасини — улар хотира учун ўриндош сифатида баҳолаганлиги. Женкинсон архив тушунчаси талқинининг моҳияти сунъий хотира, эсда сақлаш учун қоғозли ўриндош ва исботларнинг оғзаки тарзда етказиш усули, деб баҳолангандигидадир. Женкинсон учун Нидерландия йўриқномасидан эътибор ўзгарган, унинг йўриқномасида таркок ғояларни ягона бирликка бирлаштириш эмас, балки архив тушунчаларини профессионал мустаҳкамлаш бўлган. Натижада Нидерландия йўриқномасидаги тушунчалар

¹John Ridener. From polders to postmodernism: an intellectual history of archival theory. California, USA. 2007. P.92-98.

Женкинсон гоялари билан мустаҳкамланиб, янги зўр архив парадигмасини яратилдишига олиб келган¹.

Женкинсоннинг архив назарияси Нидерландия йўриқномасидан бир қатор усуллар бўйича ортда қолади. Бу фарқланишнинг асосий аспекти сифатида шахсий ва жамоа архивларига ягона бита архив корпуси сифатида қаралғанлигидадир. Назарий жиҳатдан – бу жамоа, юридик ва шахсий хотиралари бўлиб, улар Кўшма Штатларда 70 йилдан сўнг тўлиқ бўлиши мумкин эди. *Женкинсон, ҳамма архивларни қўйидаги мезонлар бўйича тавсифлаб беради* (1922):

1. Архивлар коллекциялар йигиндиси эмас, хужжатлар тўпламидир.
2. Архивлар одатда авлодлар тўғрисидаги маълумотларни олиш учун тузилмайди.
3. Хулоса табиати ва факт архивлар учун табиий.
4. Архивлар маъмуриятнинг ажralmas қисмидир ва улар фаолиятида бевосита фойдаланилади.
5. Архивлар тизими уларнинг моҳияти жиҳатидан ўзаро боғлиқ.

Аксарият хужжатларга тегишли бўлмаган ушбу жиддий таърифлар архив хужжатлари қийматини оширган. Женкинсон архивлар табиатини архив муассасаларида олиб бориладиган ҳисоб ишлари ҳодисаларга доир фактларни қамраб олганлиги боис ҳақиқатдан ҳам асослидир, деган тушунча билан асослаб беради (Женкинсон, 1922) Дарҳақиқат, агар архивларда сақланаётган ҳар бир хужжат, Женкинсон таҳмин қилишича, аниқ ва тўлик баҳолангандა эди, эҳхтимол, архивдаги ҳар бир алоҳида хужжатнинг табиати сўзсиз тўғри бўлар эди. Хужжатлар қийматни аниқлаш эҳтиёжи ҳам бўлмас эди. Ушбу жиддий мезонлар архивариусларга хулоса асосида архивга хужжатларни танлаб олишдаги баҳолашда англашишни олдини олган.

Хужжат ва архивларнинг асосий таърифидан ташқари, *Женкинсон З хил асосий ҳужжатларни аниқлаб беради*, улар бутун архив материалларини ўз

¹Ўша жойда..., 101-102-б.

ичига олади. Булар: офис томонидан тайёрланган материал; ташқи фойдаланувчилар учун яратилган материал; ички фойдаланувчилар учун яратилган материал. Бу мезонлар кейинчалик Женкинсон мурожаат қилған “олинган, нашр қилингандык” ва тингланган деб таърифланган. Агар архивариуслар ва хужжат яратувчилар ўз ишларини шундай ташкил этганида, Женкинсон талаб қилганидек, расмий хужжатни сақлашни ҳеч қандай баҳолаш ишларини амалга оширмасдан ҳам қилса бўлар эди. Архивлар учун навбатдаги тизимлаштириш коллекцияларни йиғишдан иборат бўлмаган. Женкинсон хужжатларни жамлашни табиий жараён сифатида таърифлайди¹.

Архивлар учун яна бир бошқа талаб архив хужжатларига айланувчи хужжатларни яратиш бўлган. Женкинсоннинг айтишича хужжатлар тарихий аҳамиятсиз ҳам маълум бир ишни бажариш мақсадида тузилиши мумкин. Бундай турдаги хужжатлар турли хил мақсадларда қийматга эга бўлиши мумкин бўлган. Агар катта миқдода хужжат яратувчилар авлодлар учун хужжат яратишида камтарлик қилған бўлсалар, Женкинсон нуктаи назарига кўра, тарихий объективлик ва ҳақиқатни тассавур қилиш таҳдид остида қолған бўлар эди. Хужжатлар табиати уни яратувчиларнинг тарихий нуктаи назардан эътиборсизлигидан келиб чикиб, тарихчи ва олим томонидан талқин этилиши шарт бўлган.

Женкинсон томонидан архивариуснинг вазифаси аниқлаб берилган. Бу тушунча архивларда хужжатларни йиғилиши учун назорат ишларини олиб борувчи инспектор тушунчасига асосланган. Женкинсон архивариуси хужжатларни қабул қилиш жараёнида тизимлаштириб, таъриф ёзади ва рўйхатга киритади. Женкинсон учун тарих ёзилиши мумкин бўлган, чунки архивлар хужжат яратувчилардан олган филтрланмаган ва асосланган ҳақиқатни яратади.

¹Jenkinson, H.A manual of archive administration.Economic and social history of the World War (Britishseries).Oxford: The Clarendon Press. 1922. P.69.

Архивчининг мажбурияти, энг аввало, архив хужжатларни бут сақланишини таъминлаш ва расмий хulosани қўллаб кувватлаш бўлган. Иккинчи даражада архивариус тарихчи ва тадқиқотчи бўлган фойдаланувчиларнинг талабларини ҳам олдиндан инобатга олиши керак бўлган. Архивариуслар учун тор доирадаги вазифалар архив материалларида мужассамлашиб, фойдаланиш ёки бошқа воситалар билан чегараланмаган.

Женкинсон архивариусдаги пассивликни айтиб ўтади. Женкинсоннинг сўзларига қараганда , “Маҳаллий тарих учун жуда муҳим бўлган архивларни сақлаб қолиш учун уларга ҳимоя сақловхоналарини таклиф этиш эзгулик ва тўлақонлик иши ҳисобаланади”. Женкинсон архивариус архивлар билан тарихни ўзгартириш учун эмас, балки уларни ўзи учун қизиқиши керак, деб таъкидлайди. Женкинсон учун архивларга ўз ўзидан хизмат кўрсатиш керак. Архивариуслар ҳужжатларга аралашмасликлари керак, чунки ҳужжатлар архивариусларнинг иштирокисиз яратилдган. Женкинсон учун бу архивлардаги маълумотларни объективлигини кафолатлашнинг ягона йўли бўлган.

Парадигмада Женкинсон бу тушунчани архивариусни иши ҳужжатларни жисмоний ва аҳлокий сақланишини таъминлашдан иборат бўлган, деб тушунтиради. Женкинсон таърифига хulosса бериб айтиш мумкин, ҳужжат яратувчининг маслахатчиси бўлган архивариуснинг роли ҳисоб ҳужжатларни юритиш қоидаларини белгилаб бериш бўлган. Ушбу ишлар йиғиндиси Женкинсон архивариусининг роли бўлган. Бу классик ролда архивариус тарихий қимматдорликнинг расмий арбитори ёки таржимони эмас, балки ҳужжатлар сақловчиси бўлган. Бу эса архивлардаги маълумотларнинг объективлигига асос бўлади, деб қарааш мумкин бўлган. Агар Женкинсоннинг мақсади архивдан фойдаланувчилар учун энг объектив маълумотни етказиш бўлса, ҳужжатлардаги фактларнинг даҳлсизлиги архивариуслар уларни ўзгартира олмаслигини асослаб берган. Женкинсон архивариуси коллекция тўғрисида коллекцияни ўзига аралашмасдан билиши мумкин. Женкинсон архивидаги ҳақиқат объектив бўлган. Архивариуслар

учун ҳужжатнинг аҳамияти ёки мақсадини талкин этиш тарихни ёзиш йўналишини ўзгариши мумкин бўлган Женкинсон йўриқномасида ўтмиш архивларининг интелектуал ва ахборот хусусиятини сақлаб қолишни давом эттираётган архивлар мақсадига эътибор қаратади. Унинг таъқидлашича, утмиш архивлари фойдаланувчилар ва архивариусларга яхши хизмат қилган ва замонавий ҳужжатлардаги ўзгаришлар, технологиядан тортиб архив тамоилларини бузмасликлари керак. Женкинсон архивчилардан келажакда 1920 йиллар бошида талаб қилинган ишларни сўраши мумкин, деб таҳмин қилган.

Архивариуснинг ролини Женкинсон томонидан муҳокама қилиниши замонавий стандартлар бўйича чегараланган, деб баҳоланиши мумкин. Аслида эса, бу чегаралар ўз даврида мустақил ва инновацион бўлган. Архивариуснинг ҳужжатлар сақлашдаги ролини чегаралаб, Женкинсон архив қасбини аниқлаштиришда илк қадамларни қўйган. Мюллер, Феитх ва Фруин профессионал архивариуслар бўлган, лекин ўз ишларини ярим вақтини архивларда ўтказган инсонлар учун йўриқнома ёзиб қолдирғанлар. Бошка тарафдан Женкинсон, таҳсил олган профессионаллар томонидан жамланиб борган миллий ва маҳаллий ҳужжатлар яратилувчи муассасаларда ишлаган. Кўп ҳолларда ушбу профессионаллар нисбий изоляцияда ишлаган бўлишига қарамасдан, хукумат мандатининг стандартлаштирилган ишларини бажаришга мажбур бўлганлар. Женкинсон ташкилотлардаги ҳужжатлар билан ишлаши боис архивариуслар учун чегаралар ўрнатишга мажбур бўлган. Булар архивариуслар профессионализацияси вақтида жуда мухим бўлган. Бу эҳтиёткор қадамлар бўлишига қарамасдан, Женкинсон ўз йўриқномасида архивариусларнинг профессионал умидларини баён этган. Бу умидлар архивлар олдидаги мажбуриятлар, архив ҳужжатлари билан ишлашлаёкати, уларни ўзгартирмасдан тавсифлаш ва тизимлаштириш ва уларнимаксимал даражада ҳимоя қилишдан иборат бўлган.

Женкинсон ҳужжатларни яратувчи архивлар ва агентликлар ҳисобот берувчи бўлиб қолмаслиги ва ҳужжатлар бутлиги бузмасдан архивларни

ўзгаришнинг 5та йўлини муҳокама қиласи. Энг аввало, архивлар йўқ бўлиб кетиши мумкин. Бундай ҳолатни бошқариш мумкин эмас. Иккинчи ҳолатда архивлар келиб чиқсан жойда қайтадан хужжатлар яратилиши мумкинлиги. Учинчи ҳолат бир ташкилот архивини бошқа бир ташкилотга берилиши. Тўртинчи ўзгаришда янги ном билан архивлар ташкил этилиши. Бу ҳолат қайта ташкил этилаётган ташкилотларда рўй бериши мумкин. Ва бешинчи ҳолатда архив яратилган ташкилот ўртасидаги оригинал алоқанинг узулиши натижасида рўй бериши мумкин.

Барча имкониятларда архивлардаги ўзгаришларда хужжатларни сақлаб қолиш муҳим бўлган. Дарҳақиқат, хulosса Женкинсон архив назариясининг тавсифи хусусиятларидан бири саналади. Булар хужжатлардаги асллилик ва даҳлсизликни аниқлашга ёрдам берувчи ҳам факт, ҳам хulosаларнинг табиати. Женкинсон таърифлашича, ахборотдаги асллиликни кафолатловчи бу хужжатлардаги ўзгаришмаган расмий хulosса. Узлуксиз хulosса архивлардан фойдаланишда зарап келтирувчи соҳталаштиришни олдини олади. Женкинсон учун идеал бу хужжат сақловчиларнинг беғубор масъулияти¹.

Лекин Женкинсон бу назарий чегараларни архивариус учун шунчаки сабабалар бўйича ўрнатмаган. Женкинсоннинг архив назариясида хужжатларнинг даҳлсизлиги ва асллилиги архив материалларининг икки муҳим хусусияти саналади. Женкинсоннинг ушуб икки аргументи архив ишидаги субъективликка қарши қўйилган. Женкинсон учун даҳлсизлик тушунчаси хужжатлар, улардан кейинчалик фойдаланиш мақсадаларига нисбатан турли хил сабабларга кўра яратилиши нуктаи назардан киритилган. Хужжатлар ким учун яратилганидан мустасно тариқасида турли мақсадларда ишлатилиши сабабли, улар ёлғон ахборот бериши мумкин бўлмаган. Женкинсонни талқин этишича: “Агар фойдаланувчи хужжатларнинг маъмурӣ аҳамиятидан бошқа баҳо бераолмаса, улар унга ҳақиқатдан бошқа

¹John Ridener. From polders to postmodernism: an intellectual history of archival theory. California, USA. 2007. P.88-105.

хеч нарсаны айта олмайди”. Архивлардаги хужжатлар ростгүй маълумотларни ўз ичига олганини кафолати, хужжат билан боғлиқ бўлган хеч бир кимсани уни ўзгартириш ёки танлаш имкони бўлмаган, деган тушунчага боғлиқ бўлган. Женкинсон субъектив баҳолашга нисбатан ўзининг салбий фикрини билдириб, инсонлар томонидан яратилган коллекциялар ташқилотларда табиий йиғилган хужжатларга нисбатан ёлғон архивлар саналадаи, деб баҳо беради.

Женкинсон ўрта аср ва замонавий хужжатлар билан ишлаган бўлишига карамасдан, унинг назарияси эмпирик саналиб, ҳақиқатни замонавий талқинига бағищланган эди. Унинг ҳақиқат ва тараққиётга ишончи мустаҳкам бўлган: “Архивлар, агар вафодорлик билан сақланиб қолган ва ақл билан ишлатилса, бизга фактлар ва аниқ ҳақиқатни кўриш имконини беради. Айнан ҳақиқатга хизмат қилиш учун биз қураш олиб бормоқдамиз”. Женкинсоннинг тараққиёт ва ҳақиқатга интилиши XX аср бошларидағи британия тарихчиларининг эмпиризми ва илмий асосланган тарихни ёзишга интилишга мос бўлган. Унинг йўрикномаси унинг ёндашуви ва мавзусида янгилик яратиш нуктаи назаридан ёзилган. У ўз назарий ёндашувини Биринчи жаҳон урушидан кейин Британия ижтимоий, иқтисодий ва ҳарбий тарихин ёзган бир қатор тарихчилар биан ўртоқлашган. Бу нашрлар серияси кетма кетлик ва объективликни ўз ичига олган иккита янги идеалларга ёндашув нуктаи назаридан ёзилган эди”. Архив назарияси ва амалиётининг “ссиентификацияси”, гуманитар фанларга асосланиб, архивариусларнинг эмпирик йўналишига, кўприк воситасини бажарган ориентацияси. Бу ўзгаришлар тарихни ёзишдаги объективлик тушунчасининг тадқиқотчилар ўртасида турли хил талқин этилиши даврида содир бўлган. Охир оқибат Икиинчи жаҳон урушига олиб келган Европада фашизмнинг ривожаланишида қисман айбланган Беккер ва Бирд релятивизми субъективлик билан тўқнаш келиши мумкин эди.

Йўрикнома баҳолаш мезонига караб ўзгарганлиги сабабли, архив амалиётини бузилишига олиб келган. Женкинсон хеч қандай субъектив

қарорлар қабул қилинишига йўл қўймайди. Бу ҳолат ўрта аср ҳужжатлари билан ишлаш амалиётидан келиб чиқиб, Женкинсонни илгари мавжуд бўлган архив амалиётини ҳисобга олган ҳолда янги замонавий усулни яратиш вазиятидан келиб чиқсан. Бунда архивлардан чиқариб ташланаётган ҳисботлар унинг назариясини бир қисмига нима учун айланмаганини кўриш осон. Агар сизга танланган ҳисботлар архивини совға қилишганида, на архивариус, на архивдан фойдаланувчилар ҳеч қачон архивда ўтмишда қандай ҳужжатлар бўлганини билмас эдилар¹.

Субъективлик ва объективлик.

Женкинсон назариясидаги субъективлик муҳокамаси салбий жиҳатлардан бири саналади. Женкинсон қарорлар қабул қилишда архивдаги субъективлик тушунчасини йўқ қилишга ҳаракат қилган. Женкинсоннинг тизимлаштириш назарияси Нидерландия тажрибасига асосланиши билан бирга бир қатор фарқлар ҳам учрайди. Женкинсон эски архив материалларини тизимлаштиришда янги тенденцияларга мослаштиришни тавсия этмайди. Ҳужжатлар архивга топширилган вақтдан бошлаб, уларнинг жойи ва мазмун моҳияти ўзгартирилиши ман этилади. Женкинсон муаммони ҳал этиш йўлини Нидерландия йўриқномасидан олади. Айнан мана шу охирги пункт Женкинсоннинг ишидаги архивлар назариясидаги субъективликни ривожланишини кўрсатиб беради. Нидерландия йўриқномасида барча турдаги архивларни асосий ишлаш жараёни ёритиб берилади, Женкинсон, 25 йилдан сўнг ҳужжатларни танлаб олишда ҳар бир давлат ва давр шароитини инобатга олиш кераклигини қайд этади. Бундай таърифлар ёрдамида Женкинсон ҳужжатларни танлаб олишдаги субъектив баҳолаш қарорларига қарши бўлганлигини кўриш мумкин.

Ҳужжатлар, архивлар ва архивариусларга нисбатан бунда катъий ва талабчан тушунчалар билан Женкинсоннинг архив назарияси мантиқий ва ички жиҳатдан кетма кет бўлган. Женкинсон ҳамма нарсани сақлаб қолишга

¹Ўша жойда..., 89-102-б.

ҳаракат қилган, деган оммавий тушунча ҳужжатларни асллилиги сақлаб қолиш ва архивлар даҳлсизлигини кафолотловчи ягона усул бўлган. Тушуниш архив атамасининг муҳим жиҳати бўлиб, баҳолаш назариясидаги мулоқотларнинг бир қисми саналади, чунки замонавий қаршиликларнинг келиб чикиш илдизлари Женкинсон назариясига бориб тақалади.

Женкинсон баҳолаш тушунчасига умуман қарши чиқкан, чунки улар архив ҳужжатлари контексти ва ўзаро боғлиқлигини бузган. Унинг мақсади архивлардаги ахборотлар ўтмишда қандай бўлган бўлса шундайлигича сақланиши лозим, деган тушунчага асосланган эди. Женкинсоннинг мақсади – профессионал архивариус тарих таржимони эмас уни сақловчиси бўлиши керак эди. У архивариусларни материал фойдаланувчилар учун тез ва осон фойдаланиш имконини беришдаги ҳаракатларини қоралайди. Натижада асл ҳужжатдан ажратиб олиш ва унинг маълум қисм мазмунини йўқотишга олиб келагн. Бундан ташқари, Женкинсон алоҳида ҳужжатларни музей экспонати сифатида алоҳида шахсий коллекция ёки расмий сақловда олиб туришга қарши бўлган. Бу амалиёт нафақат бир ҳужжат контекстига, балки бошқа у билан боғлиқ бўлган ҳужжат гурухини асллилигига ҳам таъсир қиласиди¹.

Женкинсон йўриқномасида келтирилган назариянинг аксарият қисми катъий бўлишига қарамасдан, Женкинсон қайд этишича, ишда мужассамлашган тушунчалар идеал саналиб, компромиссни олдини олиш мумкин бўлмаган. Женкинсон назария шаклидаги кенг методологик йўриқномани оқлаб чиқкан, чунки ҳар бир архив коллекцияси ноёб ва у билан боғлиқ муаммолар маълум бўлган. Женкинсон, объектив мақсадларга умумий ёндашиши мувафақиятга олиб келади деб ишонган: “Аксарият фан ва санъат соҳаларида шуни кўриш мумкинки, маҳсус ҳолатлар ҳар қандай одам томонидан қониқарли қабул қилиниши мумкин, агарки, улар оғзаки назарияни ақл билан ва иккаласини амалий тажриба билан боғласа”. У шунингдек, архив назариясидаги субъективликни ошиб боришини ҳам тан

¹Jenkinson, H.A manual of archive administration.Economic and social history of the World War (Britishseries).Oxford: The Clarendon Press. 1922. P.64.

олган. Женкинсоннинг субъективликка нисбатан чекловлари, ўтмиш тарибасига нисбатан аниқ белгиланган. Архив назариясидаги субъективликни ошиб кетганини тан олиши архивариусни бутун архивга қарашида номоён бўлади: “Унинг ўзи нима кераклигини аниқлаши лозим ва ташқаридан аралашиш тақиқланади”. Бундай холатда ташқи аралашувлар архив учун келажақдаги тадқиқот манфаатлари ёки архивларни тарихчилар томонидан ишлатилишини ҳам камраб олиши мумкин эди. Лекин бу мисол Женкинсон томонидан архивариуслар архив учун нима яхши бўлса шу қарорни танлаш имконини бераётганлигини кўрсатади. Женкинсон мантиқий ўйлаб қабул қилинган қарор архив учун энг яхиси, деб торпишган бир вақтда, бу Мюллер, Феитх ва Фруин Нидерландия йўриқномасидаги субъективликдан тубдан фарқ қилган.

2.3. Замонавий архивлар талқини: Т.Р.Шелленберг назарияси

Замонавий архивлар: Принцип ва технологияларини 1957 йилда чоп этган ва архившунослик касбини янги ва кутилмаган тарафга ўзгартирган Теодор Рузвельт Шелленберг касбий фаолияти давомида АҚШ ни федерал архивларида узоқ вақт ишлаган архившуносдир. Касбда прагматист деб қаралган, архив иш жараёнларининг самарадорлиги билан шуғулланган, Шелленберг ўзининг архив назариясини Европа назариячиларига нисбатан ўзга нуқтаи назарда ёзди. Шелленбергнинг назарий ишини асоси “хужжатларни сақлаш” нуқтаи назаридан кўра хужжатларни бошқаруви нуқтаи назаридан олиниб ёзилган. Шелленбергнинг архив назарияси ва архившунослик касбидаги иши архившунослар орасида ва айниқса Қўшма Штатлардаги мутахассислар орасида катта ўрин тутди. Уни ўзининг сарлавҳаси, *Замонавий архивлар*, архив назариясидаги ўша замонни аниқ номи бўлиб Қўшма Штатлардаги урушдан кейинги илк давр архив амалиёти ва маданияти модернизациясини мужассамлаштиради.

Муаллифнинг ўзининг тушунчасида *Замонавий архивлар* – бу Қўшма Штатларда архившунослик касби томон қадам босишидир (Жонес, 2002).

Кўшма Штатларда ҳужжатлар Европа ҳужжатларидан ўзгача масалалари бор деб тушунилган. Шелленберг Европа амалиётини Кўшма Штатларда ишлатишга мослашгандан кўра, фарқликларни идрок этиб мослашадиган назарий ёндашув яратишга интилган. Балки, унинг ва Сер Хилари ўртасидаги илмий тортишувлар назарияга нсбатан турлича ёндошувлардан иборат. Деярли ҳар ўзгаришда иккала назария бир-биридан фарқланиши мумкин. Фарқликлар, иккаласи ўртасидаги номутаносиблик бир қараашда, “баҳолаш” ва “сақлаш” атамаларида намоён бўлди.

Чет давлат амалиётларини Кўшма Штатлар архивларига мослашиш каби қийинчиликларини ортда қолдириш билан бирга, Шелленберг унинг назарияси яратилган вақт давомида мисли кўрилмаган тартибга келтирилмаган ҳужжатлар йиғиндисига дуч келди. Шелленберг Федерал ҳукумат ва унинг агентликлари томонидан яратилиган ҳужжатлар сонини тобора ошиб боришига юз келганида, архивлардаги тартибланмаган ҳужжатлар сонини қисқартириш, ҳужжатлар қимматдорлигини баҳолаш назарияси ва методологиясини танлашдан ўзга иложи йўқ эди. Шелленбергнинг ноёб вазияти, баҳолаш назариясига катта федерал ҳукумат нуқтаи назаридан унинг ёндашувини талаб қилди. Бу демократик ва монархия Европа (Европада ҳужжатлар феодаллар ва черковларрда сақланиши талаб этилган) ҳукумати шу билан фарқланади. Натижада Шелленберг ҳаёт цикли ҳужжатларини сақлаш ишига ҳужжат бошқаруви гоялари комбинацияси асосида ёндашиш каби янгиликни киритди. Энг муҳими, Шелленберг самарадорликни асосий мақсад қилиб тутадиган назарияни талаб қилди¹.

Шелленбергнинг назарияси урушдан сўнг Кўшма Штатларда шундай яхши қабул қилингани учун, Бантин (1994) Шелленбергнинг баҳолаш назарияси Кўшма Штатларда энг муваффақиятли ва кенг қабул қилинган архив назарияси деб қайд этган. Шелленбергнинг назарияси нафакат

¹John Ridener. From polders to postmodernism: an intellectual history of archival theory. California, USA. 2007. P.105.

хужжатлар сони ўсиб бораётган вақтда муваффақиятли эди, балки қизиқиша тадқиқот мұхимлигіда асосланған архившунослик қадр қиммати тушунчасини оширган кенг тарқалған ижтимоий вазият нұқтаи назридан ҳам қулай деб тан олинди. Бир қанча гурух инсонлар, шу жумладан ветеранлар ва рангли инсонлар, урушдан сүнгги даврда Құшма Штатларда күп ва турли күч топа бошладилар. Шелленбергнинг назарияси бундай ўзгарувчан ижтимоий манзарада, қисман ижтимоий тарихчилар ва янги ва машшақатли тадқиқотларни тақдим этгандар социологлар талабига жавобан яратылған. Шелленбергнинг Европа назариясига ташлаган чақириғи камтар эди, айниқса баҳолаш атамаларида. У айтадики, “Мен шунга ишонаманки, архив хужжатларидан фойдаланишда Америка услублари бошқа давлатларниң албатта яхшироқ; улар факатгина ҳар хил”.

Аввалги ўзгарувчан парадигманиң иккита назарияси ривожида ўрин тутгани каби, Шелленбергнинг назариялари ижтимоий, маданий ва тарихий ўзгаришлар даврида чоп этилған. Құшма Штатларда Янги сиёсат, Иккінчи жағон уруши ва урушдан сүнг замон давомида хужжатлар яратиш намунашы даражада ошди. Давлатнинг ўсиши ва шу вақт давомида унинг фуқаролар ҳаётида ортиб бораётган ўрни натижада хужжатлар сонини катта, тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада яратилиши, ишлатилиши ва сақланишини ўсиб боришига олиб келди. Янги сиёсат давлат ўсишининг архивларга таъсирини яққол намунаси ҳисобланади.

XX аср ўрталарида фуқаролар ҳаётида федерал ҳукумат ўйнаган роли ошиб, Янги сиёсат, 1933 ва 1937 ўртасидаги Президенти Франклайн Д. Рузверльт томонидан жойда белгиланған Құшма Штатлар учун нихоятда мұхим ва юқори нуфузли ёрдам дастурлари түплами бўлди. Тараққиёт ишлари маъмурияти, Хўжалик хавфсизлиги бошқаруви, Фуқароларни сақлаш уюшмаси, ва Теннесий Водий Бошқаруви, каби дастурлар билан федерал ҳукумат давлат брокери деб танилған бизнес компаниялар ва истеъмолчилар ўртасига воситачи қилиб киритган (“Янги сиёсат”, 2007). Адолатли мусобақа дастурини қўллаб қувватлаш учун бозорни тартибга солиш билан бирга,

Янги сиёsat бошқалар орасида Ижтимоий Хавфсизлик Қарори ва Миллий Меҳнат муносабатлари Қарори орқали янги ижтимоий хизматларни таъминлади. Бу дастурлар фуқаролар хуқуқини Ҳукуматни мисли кўрилмаган кенгайиши барча босқичларда таъсири фақатгина хужжатлар сонини ниҳоят ўсиб боришигина эмас, балки фаол фуқаролар тўплами томонидан хужжатларни янги ва турли хил ишлатилишлари ҳам бўлди. Янги сиёsat давлатнинг хужжатлар яратишга муҳтожлиги ва имконияти ошириб борган вақтда, Иккинчи жаҳон уруши хужжатлар билан муомила юритишнинг янги йўлларни яратилди. Механик кўпайтириш, ёзув машинкасини кенг ишлатилиши, ва хужжатлар сақлаш тармоғини анча тартибыга солиниб, ҳукумат ишларининг катта сондаги хужжатлари яратилди. Қўшма Штатларни шаҳар марказаларида ҳарбий ишлаб чиқариш каби саноатлаштириш, ишлаб чиқариш даражаси уруш якунидан сўнг ҳам сақланишини буюк Депрессияни олдини олиш учун талабни оширди. 1944 йилда имзоланган Урушда қатнашганлар ҳуқуқлари ҳақидаги қонун (Г.И. Билл оғ Ригхтс) урушдан қайтган ветеранлар учун янада демократик таълим тармоғини ва мулкчилик имкониятларини яратди. Қўшма Штатларда демографик портлаш аҳолини ўсиши ва осойишта ҳаёт билан бошланди. Буларнинг барчаси Америкадаги ҳаётнинг кўп жиҳатларидаги ўзгаришлар эди. Чунки борган сари кўп инсонлар шаҳар ва шаҳар атрофидаги ҳаётда иштирок этишни, сотиб олиш ва, ишончли ва нисбатан ишончли бўлган товарларни истеъмол қилишни бошлади.

Урушдан сўнгти йиллар илм-фаннинг ўрни янада ўсиши вақти бўлди ва коинотни қашф қилиш билан характерланади. Совуқ уруш авж олиши билан бирга, коинотда саёҳат ривожланиши илмий таълимни қиздирди ва ҳарбий ҳомийликда янги технологиялар ривожланди. Давлат мисли кўрилмаган ютуқлар учун илмий ҳаракатларни маблағлаштирган, айниқса Россия 1957 йилда Спутникни ишга туширганидан сўнг бу жараён жадаллашди.

Қўшма Штатларда илм-фанга нажотдек ишонч билан қараш, Европадаги уруш ва атом энргиясини қурол-яроғ учун ривожлантириш келиб

чиқазған натижалар орасида, маданий фикр бирлигини тараққий этган. Иккита уруш ўртасидаги релативизм йилларидан сўнг, бирлик ва ишонч Америка маданиятида устувор кучга айланди. 1950 йиллар кулранг фланел костюм кийган киши даврига айланди, оиласлар шаҳар чеккаларига силжидилар ва қўшнилар билан мусобақалашиш учун мисли кўрилмаган нархларда истеъмол қилишни бошладилар. Илмий фикр – мантиқий, эмпирик ва бирлашган – тарихни ўша вақтдаги интеллектуал ҳаётни кўп ўзга жиҳатлари бўйлаб ёзишга таъсир қўрсатади. Илмий тарих ва тараққиёт академиклар учун мақсад ва асосга айланди, ва изоляцияни фашизмни дунё бўйлаб юксалишига сабаб, деб белгиланди. Фикр бирлиги систематик усулдаги қадр-қимматни аниқлаштириди. Тараққиётга сўзсиз ишонч ва чизиқли тарихий ҳаракат ғояси тарихий рисолада сабаб ва таъсир учун янада кўпроқ орзу яратди. Яқин ўтмиш даҳшат бўлган сабабли, биргина келажакка ишониш мумкин эди.

Янги тарихий ёзувлар мисолини Жр. Артур Шлезингернинг (1949) Ҳаёт Маркази ва Даниел Ж. Бурстининг (1953) Америка сиёсатининг даҳолари каби ишларида топпиш мумкин. Бир тарафдан, бу иккала иш маънавий тарихнинг янги, замонвайи консенсусини коммунизмга қарши кураш учун ва эркин бозор ва либерал демократия учун яратиб 1920–1930 йиллар релативизмини инкор этишга уринди. Тарихий ҳужжатлар ёзувларида бу мустаҳкамланиб борди, шз навбатида, архив ҳужжатлари ва уларни ишлатиш талаблари ўзгариб борди. Янги тарихий ёзув диққати тарихчилар орасидаги розилик ва ҳамфикрликка қаратилган эди. Натижада, қисман, Брустининг Американча истисночилиги ва янги зарб қилган статус квога даъволарни камлиги. Совуқ уруш давомида коммунистларни тимсолиномувофиқ қўриниши, сиёсатчилар, академиклар, артистларни ва бошқа Коммунистларни Сенатор Жосиф Маккартий томонидан таъқиб қилиниши ва Антиамерика ҳаракатлари устида Коммитет палатаси, маъқул

тариҳни ёзищда қизиқиши үсишига ҳисса қўшди, бу эса проамерика ва демократик нуқтаи назарни кучайтириди¹.

Янги сиёсатнинг яна бир ютуғи ва янгиланган ҳукумат хужжат сақлашига урғуси бу 1934 йил Миллий Архивни мустақил агентлик сифатида парбо этилиши эди. Янги федерал агентликни барпо этилишидан олдин якка давлат ташкилотлар ўз хужжатларини сақланишига маъсул эдилар. Архив муассасаларнинг бир агентликка бирлашиши бюрократик инқилоб эди. Хужжатлар сақлашни стандартлаштирилиши оз имкониятлар билан келишилмаслик ва маҳаллийлаштиришда қарор қабул қила олиш талаб қилинди. Янги тузилган Милли Архивлар билан, Вашингтон Колумбия округидан ташқарида яратилган хужжатлар Миллий Архивларга қабул қилиниши мумкин лекин, унинг (Миллий Архивлар агентлигини) маҳаллий архив марказларида (яъни филиалларда).

Миллий архивнинг иш юритиш бўйича асосий марказлари пойтахтда жойлаштирлди. Хозирги кунга келиб архивчилар ўтмишни сақлаб берувчилар бўлиб, уларга нисбатан ўтмишни келажак авлодга этказиб бериш хамда унинг ўрни тўғрисида ишонч билдирилган хужжатларни сақлаб берувчилар, деб қабул қилинди. Архивчиларнинг ўрни хусусида жуда кўп тортишувлар мавжуд бўлиб, уларда ҳукумат ва жамоанинг муносабатига қараб архивчиларнинг келажакдаги фаолияти тўғрисида ягона меъёр ва талаблар ишлаб чиқилиши назарда тутиларди. Ўмиш атамаларининг кириб келиши хамда ушбу ёзувларни сақлаш нима учун мухим хисобланади, деган савол юзага келади. Шелленберг ўз қайдномаларида шуни таъкидлаб ўтадики, архивчилар тарихдан қарздордирлар, чунки тарихий воқелик мавжуд экан, архивчининг фаолияти доимий бўлиб, асло тугалланмайди².

¹Ўша жойда..., 108-б.

²Schellenberg, T. R. (2003). *Modern archives: Principles and techniques*. Chicago: Society of American Archivists. Original work published 1956\$ USA, 2003.

АҚШнинг миллий архивида сақланаётган ўтган тарихий даврлардан бошлаб замонавий архив тараққиётигача бўлган давр оралиғидаги барча архив нашрларини Шелленберг Америка билан боғлайди. Ушбу фаолиятдаги бир гурӯҳ аъзолари қаторига Шелленберг ҳамда Филип Бауерни киритиш мумкин. Бауер дастлаб миллий архивнинг архив лаборатироиясида ишини бошлаган, у тўрт назарияга асосланиб фаолият юритган.

Ушбу назарияга асосан:

- А) ҳукумат агентликларининг расмий бўлинмаси архивининг ҳолати;
- Б) фуқароларнинг ҳолатини ўрганиш даражаси;
- С) мактаб ва мактаб болалар фаолиятининг ёритилиши;
- Д) ноёб ҳужжатлар ва шажарага асосланган статистик маълумотларни излаб топиш ҳамда уларни ёритиш билан шуғулланган.

Бауер Херман Кант архив департаментининг ички бўлинмасида фаолият олиб борган.

Таржимаи ҳол хақида маълумот:

Шелленберг АҚШ федерал ҳукумати қароргоҳида жойлашган архив идорасида ишлаган. Ҳукуматда ўз фаолиятини архивчи лавозимидан бошлаган. Фаолияти даврида долзарб катта муаммоларга дуч келган. Ҳукуматдаги бир қанча муаммоларнинг ечимини топишда ўз хиссасини кўшиб, янгиликлар киритган. Замонавий архив нашриётидан аввал Шелленберг ўз фаолиятини 20 ёшида АҚШ ҳукуматида бошлаган. 1903 йилда Шелленберг Конзас штатининг Харовей шаҳрида туғилган. Шелленберг ўз мутахассислиги бўйича тарихчи бўлиб, талабалик даврида архив фаолияти билан ҳам қизиққан. У Конзас Университетида 1924–1930 йилгача бакалавр ва магистратура босқичида таълим олган. 1934 йил Пенсильвония Университетида тарихдан докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. У ўз докторлик диссертациясини “Европада Монрое таълимотининг ўрни” мавзуусида олиб борган. АҚШ ҳукумати қароргоҳида 1935–63 йилларда ўз фаолиятини юритган. Шунингдек, у 1945–48 йилларгача ўз фаолиятини иқтисодий бошқарувда ҳам олиб борган.

Шелленберг, архив бошқарувининг агро-маданият йўналишида ҳам ўз фаолиятини олиб борган. Шунингдек, архивда дастурлаш фаолияти ва таржима ишларини юритган. 1956 йили АҚШ архив бирлашмасининг миллий архивида “Архив менежменти” директори лавозимига тайинланган. 1963 йилга қадар “онлайн-муаллифлик” нашриётида архивчи фаолиятини юритган. Шелленберг ўзининг фаоллиги сабабли, бир вақтнинг ўзида кўпгина ташкилотларда фаолиятини олиб борган. У 1936 йилда Америка архив жамиятида иш олиб борди. Шу билан бир қаторда, Шчеленберг АҚШ бирлашмасида ўз даврининг етук мутахасислари сифатида тан олинган. 1954 йилда Янги Зеландия ва Австралияда бўлиб ўтган илмий-оммабоп конференцияда ўз маъruzasi билан иштирок этади. Ушбу маъруза муҳокамадан ўтиб, кейинчалик ундаги назарий фикрлардан архившунос кадрларни етиштириб берувчи олий талим муассасаларида кенг қўлланила бошлади. 1959–66 йиллар давомида Шелленберг томонидан Техас, Вашингтон, Колумбия университети талабаларига маъruzalар ўқилди.

Шелленберг ўз даврининг Америка ҳукуматида энг фаол архив мутахассиси ҳисобланган¹.

Унинг фаолиятига берилган таҳлилий ёндашувлар.

Замонавий архивда Шелленберг фаолиятига нисбатан кўпгина қарашлар мавжудdir. Ўша даврда унинг шахсига нисбатан буюклик унвони қабул қилинганилигига қарамасдан, унинг назариялари кўпгина муҳокама ва танқидларга учраган. Шелленбергнинг замонавий архивга бағищлаб ёзган қўлланмасидан миллий архивга қарашли бир қанча институтларда фойдаланилган ҳамда уларда маъruzalар ўқиб эшиттирилган. У ўз даврининг етук мутахассиси бўлганлиги боис, кўпгина ишларга янги услубий қарашларни тақдим этган ҳамда унинг услубий кўрсатмаларидан амалда жуда кўп қўлланилган.

¹John Ridener. From polders to postmodernism: an intellectual history of archival theory. California, USA. 2007.103-6.

У жуда иқтидорли, билимли шахс бўлганлиги туфайли, жуда кўп муаммоли вазиятлардан оқилона чиқиб кетган ҳамда эчимини топа олган. Шелленберг ўта фаол шахс ҳисобланиб, жамиятда юз берувчи сиёсий-иқтисодий вазиятларда босқичма босқич иштирок этган. Унинг томонидан чиқарилагн “рекорд менежмент”, яъни “иш юритиш” асарида 1956–2003 йилгача бўлган даврдаги иш юритиш ва архив иши фаолияти ёритиб берган. Ушбу асарда унинг илмий янгиликлари жуда юқори даражада намоён этилган.

Замонавий архивнинг асосий мақсади кутубхоначилик фаолияти билан архившунослик фаолияти ўртасидаги аниқ фарқларни кўрсатиб беришдан иборатдир, бунда икки мустақил касбларнинг яққол ажralиб турилиши назарда тутилгандир. Шунга қарамасдан улар ўзаро муносабатда бўлиб туришлари лозим. Кукнинг (1999) ёзиб қолдирган маълумотларига асосан, Шелленбергнинг фикрича, архивда мавжуд фойдали маълумотлар тадкиқот олиб борища асосий манба ҳисобланиб, уларга асосланиб амалга оширилади. Ҳамда ушбу фаолиятни амалга оширишда қайдларнинг сони эмас билки уларни тўғри киритиб бориш муҳим ҳисобланган. Шелленберг ўзининг фаолияти давомида назарияси учун алоқадор бўлган барча атамаларни киритиб ўтган. Ушбу изланишнинг асоси шундан иборат эдики, унга кўра кутубхоналарнинг архивга таъсирини камайтириб, ёзувли хужжатларнинг турларини кўпайтиришдан иборат эди. Шелленберг ўзининг назариясида архившуносликка оид бир қанча атамаларни ҳам киритиб ўтган. Америка Кўшма Штатлари хукумати хузурида фуқаролар уруши ҳамда Биринчи жаҳон уриши даври мобайнида бир қатор хужжатлар тўпланиб борилган, шунингдек Иккинчи жаҳон уриши даврида ҳар йили икки мингга яқин хужжат тўпланиб борилган ҳамда уларнинг барчаси қеракли ва муҳим ҳисобланади.

Шунингдек, замонавий архивда вужудга келувчи ҳамда баҳс ва мунозараға сабаб бўлувчи муаммоли масалаларнинг ечимини кутубхоначи ва тарихчиларга тақдим этиб борган. Стратегик масалалар ҳам унинг

назаридан четда қолмаган. Унинг томонидан тақдим этилган илмий янгиликлар жамиятга модул сифатида Шелленберг назарияси номи остида қўлланилган. Унинг кўпгина усул ва методларидан замонавий архив ҳамда дипломатияни ўқитишида кенг фойдаланилган.

Шелленбергнинг назарияси ҳамда анъанавий архив назариялари ўртасида бир қанча фарқлар мавжуддир. Шелленберг назариялари ўтган давр архив назариялари билан ўхшашлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Шелленбергнинг ўзи ҳужжатларни сақлаш усулини замонавий архив назариясига жорий этишни киритди.

Шелленберг ўзининг фаолиятини назарий ҳамда амалий хусусиятларга боғласа, АҚШдаги янги вужудга келган архившунослик касби инновацион тамойилларга боғланади.

Улар кўпгина архив маълумотларидан таълим бериш жараёнида фойдаланишган. Шелленберг аввало келажакни олдиндан кўрувчи шахс бўлганлиги (прагматик) билан алоҳида аҳамият касб этарди. У АҚШда инновацион тамойилларга асосланган ҳолда замонавий архив фаолиятига асос солган. Яқин 160 йил ичida Америка миллий архив фаолияти барқарорлашди. 1950 йилда Америкада фаолият юритаётган англиялик архивчилари ўрнини эндиликда АҚШ хукуматида профессионал архивчилар эгаллай бошлади. АҚШда жорий этилган ёш архивчи дастурининг асосини Шелленбергнинг назариялари ташкил этиб, ушбу назариялар архивчиларнинг ўз касбини мукаммал англашида асос бўла олади. Архив (жой, муассаса) ҳамда архивлар (хужжатлар тўплами) бу иккиси ҳам бир биридан мустақил тушунчалардир¹.

Кўпгина парадигма (келажакни билиб тадқиқ этувчи) муаллифлари оммавий назариётчи ва амалиётчилардан ҳисобланадилар.

Архивларни сақлаш тўғрисидаги ғоялар мамлакатдаги муҳим ғоялардан бирига айлана бошлади. С.М.Андрювснинг қайдларига кўра, АҚШдаги

¹Foucault, M. (1970).*The order of things: An archaeology of the human sciences.*(A.M. Sheridan Smith, Trans.)New York: Random House, 1970. P.129-130.

архивлар фуқаролар тарихини сақлашда, уларни етказиб беришда, цивилизатсия босқичларини ёритиб беришда ягона марказдир.

Андрювс архив фақатгина миллий ютуқларни сақладиган жой эмас, балки ушбу ютуқларни қўлга киритиш жараёнида вужудга келган хужжатларни сақловчи маскан эканлигини таъкидлаб ўтган. Шелленберг архивларни сақлаб қолишида аввало хукумат қарорларидан фойдаланди. Аввало хукуматнинг ўсиб бораётган ютуқларини намоён этиш зарурдир. Агарда улар ҳақида қайдларни топиш мураккаб бўлса, демак улар йўқотилган ёки фаолият олиб бормаган. Шелленбергнинг иккинчи холосаси бу маданий жиҳатдан фуқароларнинг ҳаёт фаолиятини ёритиб беришдир¹.

Америкада Андрювнинг архивдаги фаолияти миллий архивчилар орасида ўз ўрнига эга бўлган. Шелленберг мамлакатда биринчи бўлиб фуқаролар учун маданий-маърифий тарғибот ишларини жорий қилган. Ушбу маълумотлар хукуматда юқори ва фаол даражада бўлган. Франция инқилобидан аввал учинчи хукуматида фуқаролар томонидан унинг инновацион ғоялари кенг тарғиб этиларди. Инқилобнинг якуний босқичларида хукуматда қўпгина янгиликлар жорий қилинган. Архивда жорий этилган прагматик мотивациялар хукумат мотивациялар билан ҳамоҳанг тарзда амалга оширилган. Шелленберг концепциясида архив ҳақида кўпгина фикрлар олға сурилган. Унинг концепциясида замонавий архивда уруш ва тинчлик масалалари ёритилиб ўтилган. Мутахассис фикрига кўра, миллий архивда Шелленберг фаолияти архивнинг ўсишига ижобий таъсир кўрсатган.

Шелленбергнинг назарияларида асосан архив фаолиятига тўхталиб ўтилган, унда сақланыётган ҳужжатларга эмас. Замонавий архив тўғрисидаги Шелленбергнинг қарашлари жуда кенг ва яқин келажакка мўлжалланган. Улар ўзида ҳужжатларнинг муҳимлигини, замонавий архивни тартибга солишини, архивнинг ўз хусусиятидан келиб чиқиб ягона эканлигини,

¹Foucault, M. (1970). *The order of things: An archaeology of the human sciences.* (A.M. Sheridan Smith, Trans.) New York: Random House., 1972. P.168.

замонавий архивда хужжат тушинчасини, акс эттирилган маълумотларнинг қимматлилик даражасини, ёзувларнинг ўз қимматлилиги бўйича тавсирланишини ўз ичига олган.

Хусусан, Шелленберг томонидан келтириб ўтилган хулосаларнинг бирортаси ҳам Миллий Архив томонидан амалга оширилмаган. Унинг федерал архивда олиб борган қайта тиклаш ишлари юқори баҳоланади. Унинг назариясида икки асосий тамоийллар мавжуд бўлиб, унга асосан архивдаги маълумотлар ўта қимматли маълумотлардан ҳисобланиб, уларга бўлган қимматлилик даражаси ҳам турличадир. Шелленберг назарияси ҳамда Женкинсон ғоялари ўртасида бир қанча тафовутлар вужудга кела бошлайди. Шелленберг баъзи бир ўзгаришларни ижобий ҳолатда таҳлил қилиш мақсадида ташвиқот ва тарғибот ишларини амалга оширган. Шелленберг янги замонавий архив бошланишидаги ilk тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга оширган.

Шунингдек, ушбу назариянинг якуний хулосаси шунга асосланадиги, унга мувофиқ миллий архивда муҳим бошқарув жамоасиги алоқадор хужжатлар, дипломатия тарихи, миллий тарих, иқтисодиёт тарихи ва назария, аҳолишунослик, таржимаи ҳол, шажарашунослик ва физика таълимотларида олиб борган изланишлари сақланиши жоиздир. Ушбу маълумотларнинг ижобий жиҳати шундан иборат эдики, улар фуқаро ва ҳукумат ўртасидаги муносабатларни барқарорлаштиришда амалий қўмак берган. Шелленбергнинг назарияси ҳукуматга замонавий архив ишлари орқали жуда катта қўмак кўрсатган. АҚШ архив тизимида янги кўринишларда давомий ва янги кўринишдаги архив маълумотлари жойлаб борилган. Женкинсоннинг хулосасига кўра, келажақдаги архив ишининг фаолиятида ўтган давр архив иши назариялари асос бўлиши даркор эди. Архив соҳасида вужудга келган бундай хулосалар кўпчилик томонидан

маъқулланди. Ушбу услубий кўрсатма қимматбаҳо манбани ўзида жамлаган манба ҳисобланади¹.

Бундай манбалар орқали хужжатлар қимматдорлигини асраб қолиш мумкин. Шелленбергнинг назарияларига кўра, кейинчалик архивдаги хужжатларнинг сақланишида медиа воситаларнинг жалб этилиши ҳам кўзда тутилган. Шелленберг инновацион ғоясига кўра, архивнинг ўсишида медиа воситалари муҳим аҳамият касб этади, чунки XX асрда маълумотларни қофоз билан бир қаторда, медиа воситаларида ифодалаш муҳим ва самарали ҳисобланади. Шелленбергнинг саволларида жавоб уч назарияга асосланган ҳолда амалга оширилган. Кўпгина машҳур олимлар фикрига кўра, унинг тизимини, шахсиятини ўрганиш унинг фаолияти билан узвий боғлиқ. Биринчидан қимматбаҳолик, яқинлик, фаоллик ҳамда уни тушуниш билан боғланган.

Ушбу саволларга жавоб орқали маълумотларни тўплаш ва йиғища, шунингдек уларни қайта тиклашда ўзаро алоқадорлик ва фарқлар намоён этилди. Шелленбергнинг назариясида келтириб ўтилган атамалар ўта муҳим ва қимматли ҳисобланади. Тадқиқот олиб боришда иккинчи хулоса ўта муҳим ҳисобланади.

Унинг кейинги аниқлаган иккинчи таърифи жуда кўпчилик ахоли учун қулийлиги жиҳатидан устунликка эгадир. Унинг натижаси ўлароқ шуни таъкидлаш жоизки, ушбу назарий моделнинг иккинчи туридан иқтисодчи ҳамда социолог олимлар иш юритишни янада жадаллаштиришда сақлаб қолинишига ҳаракат қилганлар. Шелленбергнинг таъкидлашича, ўз вақтида бу икки назария ижтимоий тармоқларда илмий назарияларни сингдиришга қаратилгандир.

Архивдан фойдаланувчиларнинг асосий мақсади илмий маълумотларни жамлаш бўлганлигини ҳисобга олган ҳолда, шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Шелленбергнинг изоҳида қайси бири ўта муҳим эканлигини аниқлаш

¹Уайсберг Бернард А. Президентские библиотеки-архивы – достояние всех // Америка. 1972. – № 187. – С.27.

жоизлиги келтириб ўтилгандир. Шелленберг “ғоялар бошқа ғоялар билан ўзаро чамбарчасдир”, деган фикрни айтиб ўтган¹. Ушбу берилган фикрларнинг субъектив баҳоланиши ноаниқдир. Шелленбергнинг таъкидлашича, архивчининг қарори “якуний ҳамда ортга қайтмайдиган” бўлиши керак ҳамда архивчи ўзи шуғулланаётган касбининг назарий ҳамда амалий жиҳатдан ҳар томонлама мукаммал билиши ва уни ривожлантиришда ҳаракат қилиши керак. Аввалги назариялар билан келишилган ҳолда, Шелленберг яна шуни таъкидлайдики, архивчи ҳар томонлама бой бўлиши ҳамда ушбу қарорларни баҳолашда вақт йўқотиб бўлса ҳам ҳаракат қилмоғи лозим. Шелленбергнинг архив иши тўғрисидаги назарияси ёзишма, қайдлар орқали ўз моҳиятини баҳолайди. Яна, шунингдек, у масъулиятсиз архивчи ўз фаолиятини тўхтатиши шарт, деган фикр тарафдоридир. Назарияларни эътиборга олмайдиган архивчи ҳужжатлар сақловини ҳам таъминлай олмайди, уларни сақлай олмайди.

Шелленбергнинг баҳолаш тўғрисидаги назарияси субъективлик тушунчасини ўзида мужассам этган бўлиб, қайсики барча архив назариялари жавобгарлик ва ижозат тушунчаларини ўзида намоён этиб ягона объектив қарашларга асосланади.

Шелленбергнинг парадигмалари, яъни наъмуналарида тарихни асрasha ҳамда кутубхоналарнинг фаолиятини такомиллаштиришда архивчининг ўрни бекиёс, дея эътироф этилган. Хусусан, Архивларни сақлаш ва юритиш Институтида Шелленбергнинг курсларини маҳсус қўлланма қилиб чиқаришган. Иш юритувчи касбининг жорий этилиши кейинроқ эса, архивчи касбининг хусусиятлари кучайтирилган мустақил ҳаракатлана оладиган касб эгасига хос жиҳатларининг (автономия) ривожланишига олиб келди. Шелленберг учун архивчи ҳужжатлар билан ишловчи шахслар ўртасида кўприк вазифасини ўтаган. Шелленбергнинг касбий синфларга бўлинмаганлик ҳамда архивчилар учун ортиб бораётган автономия, архивчи

¹ Шелленберг. Тарихий ва архив..., қайд этилган манба, 78-б.

касбida ноёблик ва инноватсияларни вужудга келтириб аввалги назарияларнинг аҳамиятини йўқотди¹.

Баҳолаш назариясини ривожлантирас экан, Шелленберг аввало турли мамлакатларнинг назарияларини, қарашларини ўрганиб чиқди. Хусусан, Англия, Франция, Германия ва Нидерландия, замонавий архивда ушбу мамлакатлар назарияларининг барчаси бир бирига яқин ҳамда ўзаро ўхшашдир. Шелленбергнинг чукур қарашларидан шу нарса маълум бўлдики, Европа тизими учун субъектив баҳолаш мувофиқ эмас. Айниқса Англиянинг тизими умуман мос эмас.

Шелленбергнинг баҳолаш назариясини тушунарлилик даражасини калит сўзлар икки баробарига оширади. Уларнинг биринчси иш юритиш тўғрисидаги концепсиясидир. Ҳаёт тарзидаги бу қарашлар ҳаёт ҳамда архив ўртасидаги воситачи ҳисобланиб, кимки қайдларни сақлаб қолишда жадвал ва топшириқлардан фойдаланиб амалга оширса, унда архивни баҳолаш имкони юқори бўлади. Қачонки иш юритувчи архивчи билан ҳамоҳанг тарзда баҳолаш назариясини амалга оширап экан, ушбу йўналишни танлаган бир шахс ушбу назариядан фойдаланмайди ҳамда ўз фаолиятига сингдирмайди. Ушбу йўналишнинг фойдали томони шундаки, иш юритувчи шахс қайдларни юритувчи билан ёпиқ ҳолатда фаолият юритиб, иш юритиш устида батафсил ва теран фаолият юритиши мумкин, ушбу ҳолатда эса архивчига манбаларни ҳаётта тадбиқ этишда кенг имкон вужудга келади. Иш юритиш Америка архивлари каби марказлашган тизимга ўтишнинг, яъни ҳар бир хукumat департаментларининг ҳар бирида ўз архивлари фаолят юритишиларининг тарафдорлари эди. Марказлашмаган тизим марказий рўйхат бўлими фаолиятини кераксизга айлантиради.

Шелленберг назариясининг яна бир муҳим хусусияти – ўз ўзини марказлаштиришдан иборат эди. Федерал хукumat ўзининг қайдларини ўз муассасасида сақлар, Миллий архив эса федерал хукumat чоп эттирган

¹John Ridener. From polders to postmodernism: an intellectual history of archival theory. California, USA. 2007. P.111.

қайдларни тўплашдан озод эди. Марказлашган тизимдан марказлашмаган тизимга ўтиш бироз қўпол туйилиши мумкин, аммо бу хужжатларнинг электрон нусхаларини яратилиши билан аҳамиятлидир. Маълумотларни олиш мақсадида архивчи хужжатларнинг нусхасидан ҳам фойдаланиши мумкин, бундай ҳолатда эса, хужжатнинг аслига эхтиёж нисбатан камроқ бўлади. Қачонки хужжат тарихий аҳамиятга эга бўлса. Ушбу тизим орқали тарихий хужжатнинг сақланишини энгилроқ усулларини кўришимиз мумкин.

Хужжатлар сақлашнинг марказлашган тизимига ўтишга эришмоқ учун Шелленберг шундай ғояни илгари сурганки, унга кўра архивчилар бир қатор хужжатлар билан иш олиб бориши, уларни индивидуал тарзда кўриб чиқишига нисбатан, тезроқ амалга ошади. Бу концепция Дутч Мануал ва Женкинсон ишидан намуна сифатида олинган. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, баҳолаш назариясига алоқадор гуруҳлар фаолияти, якка тартибда фаолият юритганга нисбатан, бир мунча осонроқ амалга оширилади¹.

Шелленберг хужжатларни ўрганувчилар ҳамда архивчилар ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кучайтиришга ҳаракат қиласди, чунки тадқиқотчилар хужжатларнинг баҳолашини икки баробарга оширганлар. Шунингдек, Шелленберг бошқа назариялар сингари, ушбу ҳамкорлик ҳам архивчиларнинг асосий фаолияти билан аралашмоғи керак эмас, деб таъкидлаган. Хужжатларни ўрганувчиларнинг иш ҳажмини камайтириш, ҳамда уларни акс эттириш тўғрисидаги Шелленбергнинг фикрлари ўринлидир. У кейинги ҳимояни архив фойдаланувчиларининг баҳолаш фаолиятининг қийматини намоён этишига қаратгандир. Ушбу фикрлардаги ўзгаришлар муҳим ҳисобланади. Шелленберг архивчиларни келажакда хужжатлардан қандай фойдаланиш хусусида доимо рухлантириб борган. Хужжатларнинг хусусиятидаги бундай ўзгаришлар баҳолаш назариясини ҳам ўзгартириб юборди. Бу жуда ҳам ўхшаш ўзгариш бўлиб, унга кўра

¹Королев Г.И., Старостин Е.В. Путеводитель по Национальному архиву США. // “Советские архивы”, 1976. № 6. – С.90-92.

Женкинсон архивчиларнинг ҳимоя ўрнини сусайиб боришини таъкидлаб ўтган.

Женкинсон архив ҳамда иш юритиш ўртасида унча катта бўлмаган фарқларни аниқ кўрсатиб ўтди. Шелленбергнинг назариясига кўра архивни яратишга уриниш, бу тадқиқот учун муҳим ва фойдали бўлган маълумотларни ўзида мужассам этишдир. Бунинг асосий мақсади – хужжатларнинг субъектив қийматини ўз ичига олган ғояларни келажакда илгари сурошдир. Шелленбергнинг назариясига кўра, архивда маълумотлардан фойдаланишда архивчи хужжатнинг иккинчи қиймати (архив хужжати сифатидаги роли) билан ўзаро яқинликда фаолият юритмоғи лозим. Бунинг натижаси ўлароқ Шелленбергнинг назариясида икки йўналиш шаклланади, яъни ишончли ҳамда маълумотли қиймат. Асосли қиймат фойдаланилган ҳатти-ҳаракат вакиллари билан бирлашган ҳолда амалга оширилади. Шелленбергнинг аниқлаган маълумотлар қийматига кўра, “хужжат, ўзида мужассам этган маълумотнинг даражасига қараб, унинг қиймати” белгиланади.

Шелленберг архив ишида архивчининг ўрни ноаниқликда, дея баҳолайди. Унинг фикрича, архивчи актив тарзда фаолият юритиб, иш юритиш билан ҳамоҳанг тарзда фаолият юритишлари, хужжат юритувчи ҳам худди шу аснода фаолият олиб бормоғи зарурдир. АҚШда архивчининг ўрни хусусида сўз борар экан, унинг ҳукумат ҳамда фуқаро ўртасида кўприк эканлиги таъкидланади.

Замонавий архивда, Шелленберг таъкидлаганидек, демократик давлат тузилишида архивчиларнинг ўрни, хусусан уларнинг ҳукумат ҳамда фуқаролар ўртасидаги воситачилиги алоҳида тўхталиб ўтилган.

Архивчиларнинг ўрнида бўлаётган ўзгаришларда намуна бўлиб қолса, АҚШдаги федерал архивнинг ўрни эса, ўзгаришсиз ҳаққоний тазрда қолмоқда. Замонавий даврга ўтишда Континентал Конгресснинг фаолияти давомида АҚШ ҳукумати айrim истисно хужжатларидан ташқари ўзининг барча хужжатларини фойдаланиш учун топширади. 1934 йил архивларнинг

чоп этилган ҳамда мавжуд хужжатлари мандат қилиниб, 1952 йили Федерал архив ва Миллий архив томонидан мавжуд ҳамда чоп этилган хужжатлар қайта кўриб чиқилди. АҚШ ҳукумати аривчилардан фуқароларининг мавжуд хужжатларини янада мустаҳкам сақловини таъминлашини талаб қилди. Архив соҳасида кундан кунга архивчининг ўрни орта борди. Ушбу фаолият ўтган давр архивчи фаолиятига нисбатан, турли ва кенг қамровлиги билан хусусиятлидир. Архивчининг ўрни тўғрисидаги назария Шелленберг ва Женкинсоннидан фарқли бўлиб, унга кўра архивчининг серҳаракат бўлишининг қўллаб қувватланиши, бошқарувдаги ўрни, хужжатларни ҳимоя қилишдаги ўрнига алоҳида тўхталиб ўтилган.

Эҳтимол, фойдаланувчилар ҳамда архивчилар ўртасидаги ўзаро муносабат бирлашса, АҚШ архивчилари ўз фаолиятини ривожлантиришга яхши тайёрланишарди. Балки заковат, зийраклик архивчида кам учрайдиган хусусиятдир, аммо уни ривожлантирса, оширс, архивчи касбининг ўрни ортиб боради, ҳамда хужжатларни аниқлаганлар билан узвий ҳамкорликда бўлади. Шелленберг ғояларига асосан, архивчи касби маълум давр ўтгандан сўнг ўз ривожининг чўққисига кўтарилади. Ушбу концепцияда хужжатлар билан аҳолининг ўзаро алоқадорлиги асосий ўринда бўлиб, унга кўра тадқиқотларнинг қимматдорлиги аҳолидан тўпланган хужжатларнинг қимматдорлиги билан ўлчанади¹.

Шелленбергнинг таъкидлашича, архивчининг ўрни ҳамда аҳамиятини кўрсатиб бериш, иш юритувчи касбининг ўрни ҳамда хусусиятини ёритиш билан ҳамоханг тарзда амалга оширилган. Шелленбергнинг фикрига кўра, иш юритиш жараёнида иштирок этувчи шахс архивчи билан бирга амалга фаолият юритмоғи лозим. Архивчи манба билан тўғридан-тўғри ишласа, иш юритувчи уни тўплаган шахс билан бирга фаолият юритиб, сақлашга оид хужжатларни ажратиши мумкин. Иш юритувчининг фаолият олиб боришининг асосий хусусияти – архив учун унинг хужжатларини кашф

¹ Виноградов Н.В., Гармаш В.Н. Современное архивоведение в США: проблемы и поиски решений. – М., 1997. – С.93.

этган ёки ёзиб олган шахс билан тўғридан-тўғри мулоқатда бўлишидир. Бу шуни кўрсатадики, архивдаги архивчи манбадан фойдаланишда уларни қайд этган шахснинг қўмагига муҳтоҷ бўлади.

Ушбу хулосалардан келиб чиқиб, Шелленберг “архивчилар ҳақиқатни асровчи посбонлардир, улар ҳақиқат таъсис этилишини турли асос ва далиллар билан намоён эта оладилар”, деган¹.

Ҳақиқат, бу архивда очик ойдин кўриниб турувчи хусусиятдир. Ҳақиқат мавжудлигидан гувоҳлик берувчи ҳолат шуки, архивда фаолият юритаётган архивчи доимо далилларга таянади. Тарих ҳамда ижтимоий соҳаларнинг ривож топиб боришидаги қўзга кўринарли ютуқлар босқичма-босқич амалга оширилган.

Субъективлик ва объективлик.

Шелленбергнинг тадқиқотларига асосан, архив тажрибаси синчковлик билан ўргинилганда, унинг география билан узвий боғлиқлиги намоён бўлган. Унинг ёзишмаларида ҳар бир мамлакат ўзининг ҳужжатларини турли ҳукуматлар даврида сақлаб борган. Турли ҳукуматлар, яъни монархия даври, демократик ҳукумат ҳужжатларини эътироф этиб ўтар эканмиз, архив тажрибасининг ҳужжатлар хусусиятидан келиб чиқиб, уларнинг турлилигини ҳисобга олиш жоиздир.

Кейинчалик Муллер, Феив, Фруинс ва Женкинсонларнинг архившуносликка оид назарияларида АҚШда вужудга келган ҳужжатларнинг келиб чиқиши хусусида алоҳида тўхталиб ўтилмаган. Шелленбергнинг ҳужжатлар тўғрисидаги назариясига асосан, замонавий иш юритишда турли буйруқларнинг назарий ва амалий жиҳатдан чоп этилиши аввалги ҳужжатлардан бир мунча фарқланган. Айниқса ўрта аср иш юритишида. Х.Л. Вайт янги мамлакатларнинг АҚШга хайриҳоҳлик руҳида эканлигининг тарафдори бўлиб, архив соҳасини ривожлантиришда Австралияда ҳам бир

¹ Шелленберг. Тарихий ва архив..., кўрс.acap, 197-б.

қанча муҳим ва керакли ҳужжатларнинг мавжудлигини таъкидлаб ўтган. Ҳамда уларни сақлаб қолиш зарурлигини эътироф этган¹.

Жуда кўп мамлакатлар Шелленбергнинг назариясидан амалиётда кўп қўллаганлар, хусусан Европа давлатлари. Англия ва Франция давлатларида унинг қарашлари жуда кўп маротаба муҳокама қилинган.

Бунга яққол мисол тариқасида Шелленберг ва Женкинсоннинг назариялари ўртасида вужудга келган муҳокамаларни айтиб ўтишимиз мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Шелленбергнинг назарияси жуда кўп мамлакатларнинг архив тизими ҳамда иш юритиш фаолиятига мос келади. Ҳаттоқи, ҳукуматларда ушбу фаолиятлар юзасидан катта янгиликлар амалга оширилади. Унинг таъкидлашича, “жуда кўп мамлакатларнинг адабиётларида такрорлашлар кузатилади, бу эса, архивчилар ўртасида ноаниқликларни келтириб чиқаради, шу муносабат билан чоп этиладиган ҳужжатларнинг барча учун тушунарли бўлишнинг” тарафдоридир. АҚШда Шелленбергнинг назарияси ягона тан олинган назариялардан ҳисобланади.

Шелленберг ўзининг назарияларини барча тизимларда амалга оширишга ҳаракат қиласди. Ҳаттоқи, у “Америка усулининг замонавий иш юритишда қўллаш мумкинлигига ишонмайман ҳамда ушбу усул бошқа давлатларнидан устун жиҳати йўқлиги, аксинча, бошқа давлатлардан намуна олиш мумкинлигини”, таъкидлаб ўтган².

Шелленберг назарияси борасида муҳокамалар ҳали ҳануз мунозара қилинади. Ушбу назарияни назорат қилиш ва тизимга солиш тартиби ишлаб чиқилган. Тартибли классификация ва тизимни таҳлилини назарияда кўриб ўтиш лозим. Иккита фаол жуда муҳим ва архив соҳасига оид вазифа юқлатилган бўлиб, унинг назариясининг вазифалари бошқарув ишлари параметрида кенг фойдаланилади. Бир қанча гурух аъзолари ўз иш фаолиятларида бундан фойдаланадилар. Бу тизим жуда муҳим ҳисобланади. Тизим тўғрисидаги фикрларга кўра: “тизимдаги файллар механик тизимларга

¹Старостин Е.В. Зарубежное архивоведение..., кўрс.асар, 210-б.

²Королев Г.И., Старостин Е.В. Путеводитель по Национальному архиву США..., кўрс.асар, 90-92.

асосланган бўлиб, унинг ишлар жараёни катта тизимдаги ҳажмни қараб олади”. Шунингдек, ушбу тизим архив иши вазифаларини бажаришга қаратилган. Қизиқарли томони шундаки, Шелленберг ўз назариясининг натижасини қай даражада юқори бўлишини билмаган. Ушбу ҳақиқат фаол ихтиrolардан саналган. Бунинг режасини тузиш ҳамда назорат қилиш кўзда тутилган. Оператив режалар босқичма-босқич келишилган ҳолатда машхур агентликларда кўриб чиқилган. Шунингдек, архивда Шелленберг назарияси ташкилий жиҳатдан архив иши сифат кўрсаткичини тартибга солиб берган.

Фойдаланилган очик маълумотларга келса, Шелленберг маълумотларнинг қимматлилиги ва ушбу маълумотлардан фойдаланишнинг тартиби мавжуд. Шунингдек, бундай ҳолатда Шелленберг парадигмаларининг (келажакка мўлжалланган ғоялари) умумийлиги кўриб ўтилади. “Қимматли маълумотларнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, унда умумий йўналишда фойдаланилади”. Феномен ва натижалар шуни кўрсатадики, архивда мавжуд ҳужжатларни сақлаш асосий омил ҳисобланади. Бу эпистемалогия босқичларида архив назариялари ва уларни ишлаб чиқиш, мавзуларни ўрганиш натижалари тизимлаштирилиб тартибга солинган. Архивчилар орасида бунинг муҳим жиҳати шундаки, архивларда юзага келган муаммолар марказга келиб муҳокамадан ўтилган. Шелленберг (1956–2003) таъкидлашича, архивчилар нашр ишларида юзага келган муаммоларда ҳам иштирок этадилар. Шелленберг архив ишидаги таржималар ва турли мавзулардаги муҳокамалар ҳамда якуний кўрсаткичлар ҳам таҳлилини бажарган. Агар архивчилар ушбу ҳолат юзасидан фикр мулоҳазаларни тақдим этмасалар кейинги ўринларда иш жараёнинг унимдорлиги пасайишини таъкидлаган¹.

Архив назарияларида Шелленбергнинг ижобий рухиятдаги фикр-мулоҳазалари ўринли, масалан, креатившунос олимлар архивда юзага келувчи муаммоларни олдиндан башорат қила олганлар, деган у.

¹Шелленберг. Тарихий ва архив..., кўрс.acap, 107-б.

Шелленбергнинг назарияси креативчилар томонидан доимо юқори баҳоланиб борилган. Шелленберг назарияларининг умумийлиги якуний ишларгача бўлган давр оралиғида таҳлил қилиниб, тарихчилар ва архивчилар ўртасида баҳоланади. Шелленберг ўз янгилигининг аҳамиятли жиҳатини тушуниб етмаган. Архивчилар томонидан унинг назарияси доимо танқид остида бўлган.

Архивчиларнинг касби доимо сиёсий ва ғоявий жиҳатдан юқори ўринда туриши маъқулланган. Қайсики, тарихчилар ва жамият аъзолари ўртасида ушбу ғоя муҳокама остида бўлган. Баъзан бу музокаралар борасида бир қанча тушунмовчиликлар юзага келган¹.

Хulosса қилиб айтиш мумкинки, Шелленбергнинг ўз ишида архив парадигмаларидан кенг фойдаланган ҳамда унинг фикрича, архив парадигмалари архив иши фаолиятида муҳим аҳамиятга эга саналади. Миллий архивда Шелленбергнинг номи остидаги рақам билан ўз вазифасида иш олиб борувчи фонд мавжуддир. Назарияларга кўра, Шелленберг томонидан ишлаб чиқилган ушбу услубият 30 йилдан сўнг ҳам доминант, яъни устунлик, вазифасида давом этади. Шелленберг шунингдек, профессионал даражадаги архив ишларига ҳам ўз назариясини татбиқ қилган. Шелленберг архив иши парадигмаларига нисбатан ишлатадиган назарияларда ўз фикр ва қарашларини қисқача айтиб ўтган. Унинг парадигмаларига асосан Америка архивчилари архив соҳасида юзага келган фикр ва қарашларни кенгайтиришда танқидий хулосалардан кенг фойдаланишган. Шелленберг ушбу назария хусусияти тўғрисида катта маъruzаларда таъкидлаб ўтган. Унинг таъкидлашича, АҚШнинг уруш давридаги ҳуқумат бошқарув ишида олиб борган фаолияти ҳақида архив ҳужжатларининг сақланиб қолинганлигини маълум қиласди. Шунингдек, бу олим нафақат архив иши соҳасида ўз назарияларини қолдирган, балки иқтисодиёт соҳасида ҳам ўз назарияларини ишлаб чиққан.

¹Сокова А.Н. Архивы и управление..., кўрс.acap, 23-25-б.

Европада Шелленбергнинг архив соҳасидаги фаолиятига нисбатан юқори эътибор бўлган ва шундай баҳо ҳам берилган¹.

Инқилоб даврида архивчиларнинг иш тизимига нисбатан танқидий руҳда қаралган. Архив назарияларидағи мустақиллик ва архив иши амалиётининг олиб борилиши бу сорҳа профессионал тизимга эга эканлигидан далолат беради. Бу янги архивларнинг сиёсий майдондаги ўрни, интеллектуал ва профессионал тизимга эгалиги тарихдан маълум.

Шелленберг инқилоб даври архивига оид назарияни ишлаб чиққан. Архив иши ва назарияларининг умумийлик жиҳатлари жуда ҳам кўп. Эпистемологик ғояларнинг умумийлик жиҳатларини ҳам учратиш мумкин. Тарихчилар ушбу кўрсаткичнинг умумийлигини те-тез таҳлил қилиб турадилар. Танқидчиларнинг фикрига кўра, Шелленберг уруш даври архивидаги умумийликни ҳамда фарқли жиҳатларини таҳлил қилганлигини таъкидлаб ўтишган. Бу борадаги кўплаб танқидлар муҳокама остига олингандир.

Архивчилар янги архив парадигмаларини тарихий кўринишда ва архив назариялари билан танқидий таҳлил қилиш мумкинлигини таъкидлаб ўтганлар. Улар хусусан, унинг биринчи ўринда аҳамиятли эканлигини назорат остига оладилар.

¹John Ridener. From polders to postmodernism: an intellectual history of archival theory. California, USA. 2007. P.104.

Ш Б О Б

РОССИЯ ТАДҚИҚОТЧИЛАРИ АСАРЛАРИДА АРХИВ ИШИ

НАЗАРИЯСИГА БҮЛГАН ҚАРАШЛАР

3.1. Архив иши назарияси бўйича Россия олимлари ишлари

Россия давлат бошқаруви тизимида Петр I хукмронлиги даврида ўтказилган ислоҳотлар архив соҳасини ҳам қамраб олди. Хусусан, унинг фармонига биноан, ҳужжатларни тартибга солтириш бўйича қонунчилик акти – Бош регламент (Генеральный регламент) тузилиб, у ҳужжатларни тузиш, қайд қилиш, гуруҳлаш, шарҳлаш, турларга бўлишнинг асосий тамойиллари ни таъсис этган. Бош регламентнинг дастлабки лойиҳаси Генрих Фик томонидан тайёрланган бўлиб, ўз навбатида, ушбу мутахассис 1661 йил 22 сентябрга оид “Девонхоналардаги тартиб тўғрисида” номли швед манбасидан фойдаланган ва ундан рус муассасаларида бюрократик девонхона тартибларини киритиш учун меъёрларни андоза сифатида олган¹. Бош регламентнинг Архивлар тўғрисидаги боби Петр I давридаги марказий бошқарув тизимидағи ислоҳотчилик фаолияти билан мувофиқ тарзда шакллантирилди. Бош регламент давлатнинг фақатгина янги коллегиал бошқарув тизимига тегишлидир. Мазкур регламентнинг “Архивлар тўғрисида”ги бобининг сўнгги нусхаси Сенат обер-котиби Анисим Щукин ҳамда Сенат котиби Поздняковлар томонидан тўлдирилиб, тегишли ўзгаришлар киритилиб, тушиб чиқилди ва бунда Сенат азолари тасдиғи ҳамда Петр I нинг “Тузатишлар киритилсин”, деган изоҳи берилиб, тегишли ўзгартиришлар киритилди. Бош регламент, энг аввало, янги муассасалар ҳисобланмиш Сенат ҳамда коллегияларнинг иш юритиш бўйича фаолиятига доир қоидаларни ўрнатишига йўналтирилган бўлиб, бироқ унда иш юритиш жараёнинг учинчи даражасида саналадиган ва иш юритишнинг таркибий қисми саналган архив ишига ҳам эътибор қаратилди.

¹Самошенко В. Н. История архивного дела в дореволюционной России. М., 1989. С. 56.

Хужжатларни қайд қилиш, уларга алфавит (шахсий иш ва исмлар реестрлари) тузишнинг бутун бир тизими бевосита ва билвосита ҳужжатлар бўйича маълумот берувчи ишга қаратилди.

Архив муасасаларига ҳужжатлар қайд қилинган ҳолда, (бунинг учун тугалланган ва саҳифаланган йиғмажилдалр реестрлари тузилган) тизимлаштирилган ва алифбо кўрсаткичлари билан бирга келиб тушиши лозим бўлган, бироқ энг юқори поҳонадаги давлат бошқаруви муассасалари ҳар доим ҳам ушбу қоидага амалмаганликлари тарихий манбаларда қайд этилади.

Бош регламент жорий иш юритиш ҳамда архивлар ўртасида чамбарчас боғловчи алоқани ўrnади ва бунда ҳужжатлардан илмий мақсадларда фойдаланишни осонлаштириш учун архивларда маҳсус шарҳлаш ишларини амалга ошириш шартми, деган саволни қшииш эндиликда ноўрин бўлди. Сабаби, янги қоидаларга кўра барча ташкилотлардан келиб тушаётган ҳужжатлар албатта шарҳланиши керак деган талаб қатъий ўрнатилди. Лекин тарихга назар солса, Бош регламент қоидаларига давлат муасасалари ва бошқа турдаги ташкилотлар ҳамма вақт ҳам амал қиласкермаганларига гувоҳ бўлиш мумкин, масалан, барча архив иши жараёнларини бошқаришни марказлаштириш тамойли кейинчалик бажарилмай қолди. Аксарият архивлар ўзларининг ички идоравий тартиб-қоидаларига амал қилиб иш юритиб келдилар.

Шундай қилиб, Россияда 1711–1712 йилларда чоп қилинган архив иши бўйича регламентлар билан россия архивларининг фаолияти бошланишини боғлаш фикри ўз тасдигини топмади. Баъзи турдаги архивлар ўрта асрларда ҳам фаолият юритган ва ўзига хос қоидалар бўйича ҳужжатларни сақлаб келган бўлса, бошқа хилдаги архивлар ишини тартибга солиш янги даврда ҳам ҳали тўлиқ шакллантирилмаган эди. Император Петр I даврида архив иши ilk бор шакллантирилди, дейиш хато, аммо ушбу вақтларда архившунослик соҳаси жадал ривожлантирилди, деса муболага бўлмайди. Архив соҳасида юз берган туб бурилиш архившунослик фанида олиб борилган янги тадқиқотлар учун замин яратди. Айниқса архив соҳасида бевосита фаолият юритиб келган

мутахассислар томонидан амалий билимларга таянган ҳолда илмий изланишлар амалга оширилиб, архив назариясига оид қатор илмий асарлар яратилди.

XVIII асрда Россияда яшаб, фаолият юритган таниқли шоир, сенатор, архившунос *Собакин Михаил Григорьевич* (1720–1773) қадимги боярлар авлодидан бўлган, Ташқи ишлар Коллегиясининг Москва архиви (МАКИД) бошлиғи лавозимида ишлаган. Архивчилик фаолияти даврида унинг асосий хизмати сифатида илмий ва амамлий мақсадларда архив ҳужжатларидан фойдаланиш учун МАКИД ҳужжатли материалларини шарҳлаш лойиҳасини тузганини эътироф этиш жоиз. МАКИД ҳужжатларини ташкиллаштиришнинг батафсил режасини М.Г.Собакин 40-йилларнинг ўргаларида тузиб, 1759 йили коллегия томонидан тасдиқлаттириди ва сўнг архивга амалий фойдаланиш учун жўнатди. Лойиҳада асосий эътибор ҳужжатли материалларни “эски” ҳамда “янги”, кейин эса хорижий бўлинмалар бўйича таснифлаш ва тизимлаштиришга қаратилади. Ҳужжатларни сандик ва қутиларда сақлаш ноқулайлигини таъкидлаб, Собакин уларни ҳарфлар билан маҳсус белгиланган шкафларда (жовонларда) сақлаш лозимлигини қайд этади. Бундай қулайликлар керакли йиғмажилларни йиғиш ишини анча осонлаштиришини таъкидлайди. Собакин архив ҳужжатларини тизимлаш ва таснифлашда шкафлар бўйича шарҳлар тузиш, шунингдек, Бош регламент шарҳини ҳам тўлиқ шакллантириш хусусида мулоҳаза юритади.

Собакин томонидан илгари сурилган “архивлар ҳуқуқини хурмат қилиш талаби” муҳим аҳамият касб этади. Масалан, у архив ҳужжатларини бўлак-бўлак қилиберишга қарши бўлган, айни вақтда йиғмажилдни кимга, қачон, кимнинг буйруғига ббиноан берилганлиги тўғрисида қисқача маълумотнома ёзиб, уни ушбу ҳужжат сақланган жойга (яъни йиғмажилдинг ўрнига) қўйиш зарурлигини таъкидлайди, шунингдек, агарда ҳужжат узоқ вақт давомида архивга қайтарилимаётган бўлса, бу ҳақида ҳам изоҳ ёзиб, ҳужжатн турган ўрнига бу ёзувли қоғозчани қўйиб туриш лозимлигини ёзади.

Айнан Михаил Собакиннинг қилган сайъи-ҳаракатлари натижасида императрица Екатерина II архив сақловхонаси учун генерал-аншеф княз А.М.Голицыннинг Москвадаги уйини сотиб олиш тўғрисида кўрсатма берган.

Архивчи мутахассис М.Г.Собакин томонидан “эски” ҳужжатларни “хурмат қилиш” ҳамда XVIII асрдаги шарт-шароитларда архивларда йифмажилдарни имкон қадар фондлар бўйича ташкиллаштирилишини эътиборга олиб тизимлаштириш тўғрисидаги қўрсатмалари ва шарҳлари уни илмий архившуносликда фаҳрли ўз ўрни борлигидан далолат беради¹.

Россияда эмпирик архившуносликнинг яна бир йирик намояндадарни бири, бу **Бантыш-Каменский Николай Николаевич** (1737–1814)². Илм-фан оламида у таниқли рус тарихчи олим, археограф, архившунос, библиограф, ёзувчи сифатида машҳур. Император Фанлар Академияси фаҳрий аъзоси, табиатни кузатиш император жамияти аъзоси, тарих ҳамда россия қадимиј нарсалари Москва жамияти ҳақиқий аъзоси, умрининг 52 йилини архив соҳаси хизматига бағишилади, шу жумладан, 30 йил давомида Ташқи ишлар Коллегиясининг Москва архиви (МАКИД) бошқарувчиси лавозимида ишлаган. Мазкур фаолиятига доир маълумотлар қисман олимнинг “Архивнинг 1720 йилдан 1811 йилга қадар барча қичиши ва кириш ҳужжатлари алифбоси” номли 94 реестр-китобдан иборат маълумотномасидан ўрин олди. 70–йилларда у архивда сақланаётган “Тарихий ва маросимий ҳужжатлар реестри”ни ҳамда “Қадимиј даврлардан буён Россия билан элчилик муносабатлари бўлган барча европа ва осиё ҳукумат саройлари ва уларнинг элчилари реестри”ни тузди. 80–йилларда “Россия ва поляк саройлари ўртасидаги, энг бошларидан то 1700 йилга қадар бўлган ишлар дипломатик тўпламини” (5 жилдлик), “Россия ва Хитой ўртасида 1612 йилдан 1792 йилгача бўлган ишлар дипломатик тўплами (2 жилдлик) тайёрлаб нашрдан чиқарди. Шунингдек, Н.Н. Бантыш-Каменский томонидан “Малороссия ва татар ишлари реестри”, “Польшада ташкил бўлган уния...” ва бошқа қатор асарлар яратилди³. Мутахассис сифатида у қўплаб фондларга шарҳлар тузди, ушбу шарҳлар (описьлар0 ҳозирги вақтда ҳам Россия

¹Самошенко В.Н. История архивного дела в дореволюционной России. М., 1999. С.54-56.

² Калайдович К.Ф. Записка о жизни Н.Н.Бантыш-Каменского, управляющего Московским архивом Коллегии иностранных дел // Вестник Европы. 1814. № 6. Отд. 3. С.114-134; Белокуров С.А. Из записной книги Н.Н.Бантыш-Каменского. М., 1899; Советская историческая энциклопедия. М., 1962. Т.2. С.115; Яна қаранг: Козлов В.П. Н.Н.Бантыш-Каменский и некоторые вопросы актовой археографии второй половины XVIIIв. // археографический ежегодник за 1977 год. М., 1978; Каменский А.Б. Архивное дело в России XVIII века: Историко-культурный аспект. М., 1991.

³Самошенко В.Н. История архивного дела в дореволюционной России. М., 1999. С.54-56.

қадимги хужжатлар давлат архиви (РГАДА)да фойдаланувчиларга муҳим архив маълумотномалари вазифасини бажариб келади. Бантыш-Каменски архив назарияси соҳасида ташқи ишларга оид ҳужжатларни тизимлаштириш, таснифлаш, тартибга солиш, умуман, сақлаш, шунингдек уларга шарҳлар тузиш борасида қимматли изланишлар олиб боради ва улар хусусида тузган реестр ва бошқа кўрсатмаларида тўхталиб ўтади. Архившунослик, археография ва ноширчилик соҳасидаги фидокорона меҳнати учун у ҳукумат томонидан авлиё Иоанн Иерусалимский (1800), авлиё Владимир З-даражали нишони (1802), авлиё Анна 1-даражали нишони (1808) ва бошқа фаҳрий унвонлар ва тақдимномалар билан тақдирланади.

Хозирги замон Россия архившунос ва тарихшунос олимларининг аксарияти россия архив иши тарихида янги саҳифани очиб берган олим сифатида *Миллер Герард Фридрих (Федор Иванович)* (1705–1783) исмини тилга оладилар. Унинг архив назарияси соҳасида олиб борган изланишлари ҳам архивларни тартибга келтириш борасида ўз даврида машҳур ва кундалик кўрсатмалар сифатида тан олинади.

1754 йилдан бошлаб Миллер Москва ташқи ишлар академиясида конференц-секретарь лавозимида иш бошлайди, у хорижий олимлар билан фаол ёзишмалар олиб бориб, уларни Москва университетига маъruzалар ўқишига таклиф этади. 1755–1765 йиллар давомида олим “Фойдали ва вақтни мазмунли ўтказиш учун ҳар ойлик Асарлар” (“Ежемесячные Сочинения, к пользе и увеселению служащие”) номли рус тилидаги илк даврий илмий-адабий нашрнинг таҳрири сифатида иш олиб оради. Ушбу нашрни тайёрлашда В.Н.Татищев, М.В.Ломоносов, А.П.Сумароков, В.К.Тредиаковский ва бошқа таниқли рус олимлари, фан ва адабиёт арбоблари иштирок этадилар.

Кейинги йилларда Миллер Ташқи ишлар Коллегиясининг Москва архиви (МАКИД)да фаолият юритади. Унинг ёзишича, бу ерда ишлар ниҳоятда тартибсиз ҳолатда бўлади. Архив ишларини назарий ва амалий жиҳатдан тўғри йўналтириб олиш учун олим бутун умрини сарфлайди. Архивларда йиғмажилларни тузиш бўйича кўрсатмалар ёзиб чоп қиласиди. Шунингдек, Миллернинг жуда кўп асарлари нашр этилмай қолган, олим уларни ўз ўлимидан

олдин кутубхонаси билан бирга давлатга тақдим қиласи. Екатерины II нинг фармонига биноан, ушбу қимматли ҳужжатлар коллекцияси ва китоблар, (МАКИД) Коллегия архивига топширилади. Кейинчалик улар Россия қадимги ҳужжатлар давлат архиви (РГАДА)нинг ташқи ишлар вазирлиги давлат архиви кухутбхонасидаги “ТИВМДА кутубхонаси қўлёзма бўлими”га асос бўлди.

Бу борада россиялик олим Г.А.Дреминанинг XVIII аср архивчи оилимларининг олиб борган фаолияти ва илмий изланишлариг берган баҳосини келтириш ўринлидир. Жумладан, тарихий-таққослаш услубидан фойдаланиб у шундай таъриф беради: “XVIII асрнинг ўрталаридан бошлаб архив материалларини ташкил қилишда ягона тизим ўрнатишга бўлган уринишлар кучайди... Масалан, М.Г.Собакин архивда мавжуд ҳужжатларни давлатлар ва даврлар бўйича таҳлаш принципини оқлайди, бироқ унинг фаолияти давомчиси Миллер мутлақо янги тизимни жорий қиласи ва ҳужжатларни расмий аҳамиятига кўра таснифлаш усулини киритади. Бантыш-Каменский эса ҳам анъанавий, ҳам янги услубларни ёқлаб чиқади ва улардан мақсадли фойдаланиш йўлини ишлаб чиқади. Натижада XVIII аср охирларига келиб архив ҳужжатларини тартибга келтиришда мураккаб ва ўзига хос тизимли тартиб шаклланади, бунинг оқибатида қимматли архив ҳужжатлари коллекцияси бизнинг давримизгача етиб келади”¹.

Умуман олганда, XVIII аср охирларига келиб, Россияда архив назарияси борасида олиб борилган илмий изланишлар ҳали ўзининг эмпирик, бошланғич шаклда бўлгаи билан тавсифланади. Уларда кўпроқ алоғида турдаги архивларда иш юритиш, архив фондларини ташкиллаштириш, ҳужжатларни қандай принципга кўра таснифлаш ва тизимлаштириш, архив сақловхоналарини жиҳозлаш ва ҳужжатларни сақлаш тартиблари, архив ва архивчиларнинг ҳукуклари, ташқи ишлар коллегия ва вазирликларига тегишли архив ҳужжатларини таснифлаш, архив жамғармаларини шарҳлаш, шарҳлар тузиш қоидаларига доир масалалага мутахассислар ва олимлар томонидан эътибор

¹Дремина Г. А., Чернов А. В. Государственные архивы СССР. М., 1984 г., С.67.

қаратилган. Булар қаторида қуидаги архивч мутахассис ва назариётчиарни қайд этиш мақсадга мувофиқ: М.Г.Собакин, Н.Н.Бантыш-Каменский, И.М.Стриттер, Г.Ф.Миллер ва б.

XIX асрда Россияда архив назарияси ва амалиётига доир илмий, амалий ишларни олиб бориш жадаллашди. Сабаби, фан ва техника борасидаги ютуқлар ишлаб чиқаришнинг деярли барча соҳаларини қамраб олди. Бу эса ўз навбатида, иш юритиш ҳамда ҳужжатчилик. Юриспруденция масалалари, ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг кенгайишига, фан ва таълим соҳасининг таъсир доираларининг кучайишига олиб келди. Эндиликда тарихий фактларга таяниш, кундалик ҳаётда ҳам ҳужжатлар асосида фаолият олиб бориш талаби кучайди. Шу боис архивларга давлат ва жамият томонидан талаб ва эътибор кучайиб борди. Мазкур юз йилликда Россия архившунослигида архив соҳасининг ҳуқуқий-меъёрий асосларини кенгайтириш, архив мутахассисларини тайёрлаш, архивлар фаолиятини такомиллаштириш, архившуносликнинг нафакат амалий, балки назарий масалаларини ҳам чуқуррок тадқиқ қилиш ва ҳал этиш талаби мутахассислар ва олимлар олдида кун тартибиға қўйилди.

Мазкур даврда архив соҳасида фаол хизмат қилиб, МАМЮ – Адлия вазирлиги Москва архиви бошқарувчиси лавозимида ишлаган, айни вақтда илмий тадқиқотлар олиб борган мутахассислардан бири, бу *Иванов Петр Иванович* (1794–1864)¹. Ўзининг даврида Иванов асарлари жуда машҳур бўлиб, катта аҳамият касб этади, зеро, уларда кўплаб янги архив маълумотлари хусусида сўз юритилади, архив тарихи саҳифаларига археографик тадқиқотлар кўшилади. Бундай асарлар жумласига қуидагиларни киритиш мумкин: “Давлат разряд архиви шарҳи” (М., 1842), “Москва ҳукумат сенатида сақланувчи давлат архивлари бўйича йўл кўрсаткич” (М., 1845), “Эски ҳужжатлар давлат архивининг шарҳи” (М., 1851); шунингдек, архив маълумотлари асосида ёзилган ишлар сирасига: “Россияда мавжуд мулкдорлар ҳуқуқ ва мажбуриятларининг тизимли шарҳи” (М., 1836), “Москва губернияси бўйича

¹Маяковский И. Л. Исторический очерк архивного дела в России. Пг., 1920. С. 39–40, 42. Яна қаранг: Старостин Е. В. Архивы России: методологические аспекты архивоведческого знания. М, 2001. С. 52.

ёзув китоблари шарҳи” (М., 1840), “Россияда ерларни тақсимлашни тарихий ўрганиш тажрибаси” (М., 1846), “Палеографик суратлар тўплами” (М., 1844), “Қадимий муҳрлар суратлари тўплами” (М., 1858). П.И.Иванов томонидан москва архивларининг бошқа нашрлари ҳам таҳрир қилинганига гувоҳ бўламиз, бу қуйидаги нашрлар: “Биринчи даражали Вотчина департаменти архиви шарҳи” (М., 1839), “Новгород ва Псков бўйича ёзув китоблари шарҳи” (М., 1841) ва б.

Юқорида қайд этилгандек, XIX аср боши ва ўрталарида архивчилар архивларда асосан археографик вазифаларни бажариб келдилар. Эндиликда архивчи фаолиятида археографик ҳамда архившунослик йўналишларини аниқлаштириб олиш вазифаси қуйилди. Айни вақтда юқори лавозимларни эгалловчи давлат мансабдорлари, архив материалларини фойдаланувчиларга қулай бўлиши мақсадида, бўлакларга ажратиш тарафдори бўлиб чиқдилар. Ушбу мураккаб вазиятда россия архив иши архивлар моҳияти ва уларга бериладиган баҳони аниқ англай билиш ҳамда кўтариш лозим бўлди. Яъни архивлар олдида сақланиб қолиш, йўқ бўлиб, парчаланиб кетмаслик муаммоси юзага келди.

Айна шу “муаммоли вазият”да таниқли архившунос олим, мутахассис **Калачов Николай Васильевич** (1819–1885)нинг “архивлар ҳақидаги фан” назарий қарашлари ва ғоялари шаклланди¹. Н.В.Калачов Владимир губерниясида ҳарбий оиласида туғилган. 1846 йилда Москвада Ташқи ишлар вазирлиги Москва Бош архивида кутубхоначи лавозимида иш бошлади. Айни вақтда Археография комиссиясида ҳам фаолият олиб бориб кўплаб худудларга хизмат сафарига борди, у ердаги архивлар ҳолатини ҳам ўрганди. 1850 йилдан бошлаб у “Россия ҳақидаги тарихий-юридик маълумотлар архиви” номли нашрни чоп қила бошлади. Мазкур нашрда рус халқларининг ҳаётига, тарихий, этнографик, филологик жиҳатларига доир қизиқарли ва қимматли илмий ишлар ўрин олди. У Археографик комиссиядаги фаолиятини ҳам давом эттириб келди, бир қатор илмий, амалий нашрларни тайёрлаб чоп қилдирди: З жилдан иборат

¹Шохин Л.И. Московский архив Министерства юстиции и русская историческая наука. М., 1999. С.98.

“Қадимги россиянинг юридик ҳаётига қадар бўлган хужжатлар” (“Акты, относящихся до юридического быта древней России”), 2 жлдлик “Ёзув киттоблари” (“Писцове книги”), 3 китобдан иборат “Санатнинг 1711 ва 1712 йилларидаги маъруза ва ғукмлари” (“Докладов и приговоров Сената за 1711 и 1712 гг.”), 3 жлдлик “Давлат кенгаши архиви” (“Архива государственного совета “) ва ҳ.к.

1865 йилда Н.В.Калачов ҳаёти ва тақдирида туб бурилиш даври бўлиб, бу жараён унинг янги лавозимни эгаллаши, аникрофи, Адлия вазирлиги Москва архиви (МАМЮ) бошқарувчиси этиб тайинланганлиги билан боғлиқ эди. Калачов раҳбарлигига мазкур архивда “илмий бўлим” фаолияти ташкил қилинди ва унда олий маълумотга эга мутахассилар фаолият олиб бордилар. Бўлимнинг асосий вазифаси архивда сақланаётган хужжатларни тизимли равишда шарғлашдан иборат деб белгиланди. Н.В.Калачов раҳбарлигига “МАМЮда сақланадиган хужжатлар ва қоғозлар шарғи” номли нашр чоп қилиниши йўлга қўйилди. Олимнинг даврида МАМЮ тобора илмий муассаса тусига кириб борди. Бироқ архивлар тақдирини бутун россия кўламида ҳал қилишини Калачов яхши тушунарди. У бир қатор хорижий давлатларга архивларни ўрганиш мақсадида хизмат сафарлари уюштириди, шу жумладан, 1875 йилдан бошлаб Англия, Франция, Бельгия, голландия, Австрия, Италия бўлиб, архивларда иш ташкил қилишнинг назарий ва амалий масалалари, айниқса, архившунос кадрларни тайёрлаш муаммоларига жиддий эътибор қаратди. Париждаги Хартиялар мактабини у намунавий ўкув даргоҳи деб баҳолади ва Россияда архивчилар таълимини мазкур мактаб андозаларига кўра ташкил этиш лозимлигини таъкидлади¹.

Таниқли рус архившунос олим Н.В.Калачовнинг тарихий-архившунослик соҳасидаги илмий фаолиятининг асосий жиҳатларини қўйидагича таърифлаш мумкин(148): 1. Калачов илк бор архивларнинг шаклланиши ва ривожланишида инсон омили муҳимлигини ўрганиб, илмий-назарий ва амалий жиҳатдан асослаб

¹Калачов Н.В. Архивы, их государственное значение, состав и устройство // Труды 1-го археологического съезда в Москве. 1869. Т.1. С.207-218, Яна каранг: Шохин Л.И. Н.В. Калачов и Д.Я.Самоквасов как реформаторы архивного дела в России (опыт характеристики по архивным документам). М., 1994. С.183-190.

берди; 2. у биринчлардан бўлиб архивларнинг давлат-юридик ҳамда ижтимоий аҳамиятини аниқлашга муваффақ бўйлди; 3. биринчилар қаторида архивларни умуммилий бойлик деб таърифлади ва бунда уларнинг турига эътибор қаратмай, бир хил йндашувни ёқлаб чиқди; 4. архивларнинг илмий аҳамиятини қанчалик мухимлигини нафақат давлат, балки жамият, ҳатто ҳар бир фуқаро чукур англаши лозимлигини илмий-назарий томондан асослади; 5. давлат ва идоравий архивларда архив ҳужжатларини юритишга доир ягона қоидалар ва илмий ёндашув заруратини исботлаб, архив ҳужжатларини юритиш, бутлаш, қимматлилиги экспертизасини ўзтказиш тартибларининг назарий масалаларини тадқиқ қилди, бу борада у 1875 йил 6 октябрда архивларни тузиш бўйича идоралараро Комиссия ишига раҳбарлик қилиб ўтказган мажлисида архив ҳужжатларини бутлаш ва ҳужжатлар қимматдорлиги экспертизасини ташкил қилишининг назарий принципларини маълум қилди, ушбу йигилишда олимнинг қуидаги ибораси машҳур бўлиб қолди: “Йўқ қилишга ажратилган қофзлар ва йиғмажиллар рўйхати қатъий ва аниқ тарзда баён қилишини даркор. Муҳим бўлган ўнта ишни йўқ қилиб юборгандан қўра, юзта ортиқча ишни сақлаб турган афзал”; 6. ўз иш юритиш регистратураларини енгиллаштириш йўлларини излаётган идора хизматчилари ҳамда архив ҳужжатларини илмий ишлаб чиқаётган изланувчи олим архившунослар ўртасида келишув йўлларини ўрнатиш мақсадида Калачов муҳим бир гояни қўлга киритди, яъни архивларнинг дуалистик (икки тарафлама) табиатини тан олди ва натижада кўп табақали марказлаштирилган бошқарувга эга бўлган архив сақловхоналари тизимини яратиш таклифини илгари сурди; олим биринчи бўлиб архивчи касбининг давлат ва жамият миқёсида нечоғлик мухимлигини илмий ёндашув асосида таърифлаб берди, архивчиларнинг ойлик маоши, маълумоти, умуман тайёргарлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш йўлларига эътибор қаратди; 8. архив иши назарияси бўйича илмий изланишларни олиб бориш жараёнида “архивлар ҳақидаги фан асослари” атамасини Калачов бўлғуси архившунос кадрларини тайёрловчи ўқув даргоҳларида ўқитиладиган ёрдамчи тарих фанларининг мажмуйига нисбатан қўллаш тарафдори бўлиб чиқади ва, шунингдек, Россияда XIII асрдан бошлаб то XIX аср давомида

бўлган давр оралиғида архив иши ривожланиши бўйича тарихий очерк ёзди, ушбу асарни олим архившуносларга институтда ўқитилишини ташкил қилди¹.

XIX асрда Россия архив иши ва назариясини соҳаси ривожига муносиб ҳисса қўшган яна бир россиялик архившунос мутахассис – бу тарих фанининг классик олимларидан бири, архив иши билимдони, манбашунос, академик **Соловьев Сергей Михайлович** (1820–1879)². Уни муболағасиз рус тарихи фанининг илмий фан сифатида асослаган олим деб тан оладилар, зеро унгача бўлган даврда Россияда давлатчилик тарихига оид ёзилган тарихий асарларда “фалсафий”, “адабий-бадиий тарихшунослик” услубдан кенг фойдаланилган бўлиб, С.М.Соловьев ушбу усулнинг ўрнида тарихий маетриални ҳолис ва замонавий нуқтаи назардан умумлаштириш принципини қўллайди ва бу билан тарих соҳасидаги тадқиқотларни илмий услубини кучайтиришга маълум бир маънода муваффақ бўлади.

Айни вақтда олим Давлат архивидаги XVIII аср иккинчи ярмига оид ҳужжатлари устида илмий изланишлар олиб борди. Бир йилда олим томонидан бир нечта юздан ортиқ ҳужжатлар тадқи қилинди. Ўзининг илмий иш олиб боришдаги кўп йиллик тажрибасиниқўллаб, Соловьев архив муассасаларининг асосий вазифаси сифатида архивларни имкон қадар тезлик билан тартибга келтириш, ишончли шраҳларни (описъларни) тузиш ва уларни нашр қилишни зудлик билан йўлга қўйиш лозимлигини ҳам илмий, ҳам амали жиҳатдан аслайди. Шарҳлар тузиш ва ншр этишнинг назарий масалаларини тадқиқ қилди. Олим қизиқарли, бироқ айни вақтда ўзаро боғлиқ бўлмаган материалларни нашр қилишга мутлақо қарши турди, зеро, унинг фикрича, “ранг-баранг тусдаги археографик материаллар тўпламлари баъзида тадқиқотчини толиктради”. С.М.Соловьев археография асослари бўйича бир қанча илмий ишларини чоп қилди ва бу билан архив материалларини нашрга тайёрлаш бўйича қимматли назарий маслаҳатлар бериб, услубий томонга эътибор қаратди.

¹Ўша жойда.

²Шаханов А.Н. Архивный труженик С.М.Соловьев // Археографический ежегодник за 1995 год. М., 1997. С.78-84.

Ташқи ишлар вазирлиги Москва давлат архиви (МГАМИД) бошқарувчиси **Михаил Андреевич Оболенский** (1805–1873)¹ Россия архившунослигига тажрибали мутахассис ва кучли археограф сифатида танилди. У 1836 йилда Супрал қўлёзмасини нашр қилди, 1839 йили эса ёзув китобларини нашр қилиш таклифини илгари сурди. Айни вақтда у МГАМИД фондлари материаллари асосида тузиладиган бошқа бир қатор нашрларнинг тайёрлаб чоп қилиш ишларига ҳам бошчилик қилди. 1863 йилдан бошлаб мазкур архив учун Давлат архивида машғулотлар ўтказишга рухсат беришга Қоидалар жорий қилинди, натижада кўплаб тадқиқотчилар “юкоридан келадиган фармонлар ва вице-канцлер фармойишлари хужжатлари”дан фойдаланиш имконига эга бўлдилар, ушбу ишларда Оболенскийнинг хизмати катта эди. Оболенский архив назарияси соҳасида археографиягия тааллуқли қарашлар, қоидалар, услубларни тадқиқ қилиб, архив материалларидан тўғри фойдаланишга оид асарлар, амалий кўрсатмалар нашр этди.

Архившунрсликнинг назарий масалаларини ўрганишда ҳамда бошқа олимлар томонидан мазкур муаммоларга бағишлиб яратилган илмий ишларни нашр этишда Россия археология институти ходими **Зубарев Иван Ивановичнинг** хизматлари катта бўлди. Унинг ўрни Россияда архивлар ҳақидаги фанда муҳим ва ноёб деб баҳоланади. И.И.Зубарев, шунингдек, “Архившунослик бўйича мақолалар тўплами”нинг тузувчиси, мухаррири, кириш қисми муаллифи ва нашрга тайёрлаб чоп қилдирган олим сифатида ҳам машҳур. Зубарев илмий фаолиятининг муҳим томонларидан бири, у архив иши тарихи, назарияси ва амалиётига бир хил ёндашиш йўлини ёқлаб чиқди. Архившунослик тўпламларини нашр қилишнинг асосий мақсадини қуидагича белгилади: “Бир тарафдан, археология институти тингловчиларига архившунослик бўйича ўқув қўлланма яратиб бериш, иккинчи тарафдан эса – маҳсус /архившунослик/ маълумотига эга бўлмаган, бироқ Россияда архив иши тарихи, архивлар тузилиши назарияси, айниқса, архив материалларини янада тўғри тартибга келтиришга янада мукаммал билимни эгаллашга интилаётган

¹Бухерт В.Г. Археографическая деятельность князя М.А.Оболенского // Археографический ежегодник за 1994 год. М., 1996. С.56-67.

архивариуслар учун йўриқнома вазифасини ўтайдиган /адабиёт тайёрлаб бериш/”.

Зубаревнинг мўлжалига кўра, икки жилдан ташкил топган ушбу “Архившунослик бўйича мақолалар тўплами” янги тузилган Комиссияга Россия архивларини ташкил этишда ёрдам бериши лозим эди. Мазкур Комиссиянинг асосий вазифалари архив ишининг ҳолати, камчиликлари, эҳтиёжларини тадқиқ этиш, архив иши учун ягона услубий базани яратиш масалаларини юқори бошқарув органларига олиб чиқиши лозим деб белгиланди.

Архив ва кутубхоналарни И.И.Зубарев ёзма ёдгорликларни сақловчи маҳсус хоналар сифатида талқин қилиб, маданиятга эга бўлган халқлар уларга ҳамма вақтларда ҳам жуда катта эътибор қаратганлар, дейди. Олимнинг фикрига кўра, архивларнинг илмий аҳамияти уларнинг серқирра бир фаннинг муҳим бўлаги эканлигига ва бу фанни “ватаншунослик деб аташ мумкин”¹. И.Зубарев Россияда ҳар бир фуқаро ушбу фанни ўрганиши лозим, деб ёзади ва архив ишини давлат аҳамиятига молик умуммиллий масалалари қаторига олиб чиқади. Архившунослик, архив иши, архив иши назарияси соҳасида олиб борган тадқиқотлари, амалга оширган ишлари, ноширчилик фаолияти ва архившунослик таълимотига қўшган ҳиссаси туфайли И.И.Зубаревни Россияда янги турдаги архивлар ҳақидаги архив фани асосчиларидан бири деб ҳисоблайдилар.

Таникли рус архившунос, тарихси олим К.Г.Митяев Россияда XX аср бошларигача бўлган архив иши ва архив назариясини тадқиқ қилган олимлар, мутахассислар фаолиятига баҳо бераб, улар қаторида қуйидагилар исмини тилга олади: Н.В.Калачов, Д.Я.Самоквасов, С.А.Белокуров, В.В.Шереметьевский, А.С.Николаев, Н.Н.Оглоблин, И.Л.Маяковский.

Юқорида келтирилган Россияда XVIII – XIX асрларда архившунослик, архив иши ва архив назарияси бўйича мутахассислар, олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар таҳлилдан қуйидаги эришилган натижаларни қайд қилиш мумкин:

¹Бржовстовская Н.В., Илизаров Б.С. Развитие архивного дела с древнейших времен до наших дней. М., 1979. С.90-92.

1. Қадимги қўлёзмалар, архив материалларни тадқиқ қилувчи мутахассисларни антикварийлар (тариҳчи-археографлар, улар манбаларни тўплаш, танқидий ўрганиш ва нашр қилиш билан шуғулланганлар) ҳамда тариҳни ёзувчиларга (ўз асарларини архив материаллари асосида маълум бир буютирилган, мафкуравий, сиёсий, концептуал ёндашувда ёзганлар) ажратиш даври ниҳоясига етди. Эндиликда архивларга тарихий ва тарихий-юридик билимлар учун илмий асос сифатида қарайдиган бўлишди.

2. Археография, архив иши назарияси, амалиёти, архивчи касби мутахассисини тайёрлаш, архивларда фондларни ташкиллаштириш, архив ҳужжатларини сақлаш, қимматдорлиги экспертизасини олиб бориш, ҳукумат бошқаруви ҳамда турли муассасаса, идора, ташкилотлар архивларида ишни ташкиллаштириш каби қатор муҳим масалалар мутахассис ва олимлар томонидан тадқиқ этилиб, илмий ишлари чоп қилинди.

3. Архивларда иш юритиши принцип ва методларининг назарий фундаментини ишлаб чиқувчи профессионал архившунорслар табақасига шаклланди.

4. Илмий дунёқарашнинг ажralmas қисми деб танилган тарихий ўзликни англашнинг яхлит тизимининг жиҳатлари Россияда вужудга кела бошлади. Бунда архив материаллари миллатнинг тарихий ўзликни билишдаги таркибий қисми вазифасини бажариши таъкидланди.

3.2. XX асрда Россияда архивчилик соҳасида амалга оширилган тадқиқотлар шарҳи ва улардаги назарий масалалар

Россия архившунослигидан XX аср бошларидан классик архившунослик даври бошланиб, архивлар фаолиятининг мақсади ва моҳияти уларнинг ретроспектив ахборотларни жамиятга имкон қадар тўлиқ ва тўғри тақдим этишида деб белгиланди¹. Архивда сақланувчи қимматли архив материалларини сақлаб қолиш архивчилар олдида турган касбий ва фуқаролик мажбурияти эканлиги аксарият тадқиқчилар томонидан касбий этика талаби сифатида қайд этилди. Архивлар моҳияти ва вазифаларини белгилашда қуйидаги учта жиҳатга эътибор қаратилди: биринчидан, архив ва архивчилар томонидан аҳолининг ижтимоий сўровларини қондириш мажбурияти, иккинчидан, архивларнинг миллат (давлат) манфаатларига хизмат қилиши, учинчидан, архивларга инсониятининг дунё ва ўзи ҳақидаги билимларини ўзида акс этувчи қимматли манбаларни доимий сақловчи муассаса сифатида қараш ва баҳо бериш.

Мазкур даврда Россияда архившунослик соҳасида фаол иш олиб борган ва айни вақтда архив иши назарияси ва амалиёти масалалари билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ этиб келган мутахассис, олимлар архив соҳаси ривожига улкан хисса қўшдилар. Улар қаторида: Н.В. Калачов, Д.Я. Самоквасов, С.А. Белокуров, В.В. Шереметьевский, А.С. Николаев, Н.Н. Оглоблин и И.Л. Маяковский, С.Лаппо-Данилевский, С.Н. Валк, Б.Д. Греков, А.Е. Пресняков, Б.А. Романов, А.И. Андреев, В.В. Снигирев, Н.Ф. Бельчиков, Ф.А. Ниневе, А.И. Лебедев, А.П. Воронов, Д.Н. Егоров, С.Ф. Платонов, А.Ф. Изюмов, В.И. Веретенников, А.С. Николаев, С.П. Мельгунов, Ю.А. Оксман, Автократов В.Н., К.Г.Митяев, С.О.Шмитд, В.И.Козлов, Е.В.Старостин, Н.В.Бржовстовская, И.В.Карапетянц, Т.И.Хорхордина ва бошқаларнинг самарали меҳнати ва илмий изланишларни қайд этиш лозим.

¹Автократов В.Н. Из истории централизации архивного дела в России. 1917–1918 // Автократов В.Н. теоретические проблемы отечественного архивоведения. М., 2001. С.313.

Россиялик таниқли тарихчи олим *А.С.Лаппо-Данилевский* (1919 й. вафот этган) томонидан қатор илмий тадқиқот ишлари олиб борилган ва китоблар чоп қилинган: “Тарих методологияси”, “Инсоният тарихи умумтаълим курси режасига оид материаллар”, “О.Конт социологик доктринасининг асосий принциплари”, “Хусусий актлар рус дипломатикаси шарҳи”. Унинг кўплаб қўлёзмалари ҳозирги даврда РFA Архиви Санкт-Петербург бўлимида сақланиб келмоқда, хусусан: “Фанлар тарихи, унинг вазифалари, тузиш методлари ва педагогик аҳамияти ҳақида мулоҳазалар” (1906), “Баъзи Архив комиссияси Бош бошқармаларининг (ГУАК) илмий фаолияти ва уларнинг ҳисоботлари тўғрисида маъзуза, асосан 1911–1914 йиллар учун”, “Император архиви қошидаги маҳсус комиссия ва унинг маҳаллий архив материалларини сақлаш борасидаги фаолияти, 1911–1916 йиллар”, “Рус тарихшунослиги шарҳлари” ва бошқалар¹.

С.Лаппо-Данилевский илмий ва педагогик фаолияти билан айни вақтда архившуносликни ривожлантириш борасида ҳам қизгин фаолият юритган. У Император Археография комиссияси аъзоси эди. 1917 йил апрель оидан то 1919 йил майга қадар у Россия архив намояндалари иттифоқи (РАД) Кенгashi раиси бўлган. Архивлар ва давлат бошқаруви тизими ўртасида бевосита боғлиқлик бўлиши ва улар бир-бирини қўллаб-кувватлаши ҳақида фикр билдириб, ўз ишида бунга амал қилишга ҳаракат қилган.

Архив назариясига оид ишларида архивларда ҳужжатлар қиймати, архивларнинг турлари ва таркиби, ҳужжатларни сақлаш тартиблари, давлат томонидан архив сақловхоналарига алоҳида эътибор қаратилиши, архив ҳужжатларини саралаш ва туркумлаш масалаларига бағишлиб, асарлар ёзган. Бутун умри давомида олим археографик комиссиясининг тажрибали аъзоси сифатида ишларини давом эттирган. Унинг шахсий архивида тарих, ҳуқуқшунослик, иқтисодиёт, архившунослик, шунингдек, физика, химия, математика соҳаларига оид илмий ишлари сақланиб қолган.

¹Лаппо-Данилевский А.С. Методология истории. СПб., Вып.1. 1910; Вып.2. 1913. Яна қаранг: Старостин Е.В. Архивы России. М., 1983. С.21-22.

Ниневе Фридрих Адович (1857–1929). Россия ва Эстонияда архив иши ривожига салмоқли ҳисса қўшган архившунос мутахассис, олим.

Архив иши билан боғлиқ меҳнат фаолияти давомида Россия Денгиз вазирлиги архиви илмий ходими, россия архив ва кутубхоналарига маҳсус анжомлар етказиб берувчи фирма вакили, Муваққат ҳукумати аппарати иш юритувчisi, Пятигорск озиқ-овқат бошқармаси статистик бўлими ташкилотчиси ва раҳбари, Эстония Тартус университети архиви ва кутубхонаси ташкилотчиси ва раҳбари, Тартус тарихий архиви дирекетори (кейинчалик Эстония Давлат марказий архиви) лавозимларида самарали ва фидоий меҳнат қилиб келган. Бутун умрини архивларни ташкил қилиш, хужжатларни сақлаш, архив муассасаларини ривожлантиришга бағишилаган ва шу муаммолар бўйича тадқиқот ишлари ҳам олиб борган.

Архивар фаолиятига доир қатор илмий ишлар муаллифи бўлиб, асосан архив ташкилотлари ва давлат бошқаруви органларининг алоқадорлиги, архив сақловхоналарини ташкил этиш тартиботи, музей ва кутубхоналарда қимматли материалларни сақлаш қоидлари, архив хужжатлари қимматлилигини аниқлаш, архивларда иш юритиш, архив хужжатларини фондлаштириш, архив фаолиятининг назарий масалалри ва амалий жиҳатлари масалаларига бағишилаб изланишлар олиб борган.

Фридрих Ниневе архившунослик масалаларини давлат аҳамиятига молик деб топиб, уларни айни шу даражада ҳал қилиниши тарафдори бўлган. 1917 йили февраль инқилобидан кейин у архив ислоҳотлари дастурини тузиб ҳукуматга юборган. Ушбу дастурдан ўрин олган қуйидаги сатрлар айниқса эътиборни тортади: “ Буюк тарихий воқеа юз берди... Шу пайтгача биз ҳаётимизнинг ҳаққоний томонларини ўрганиш имкониятига эмас эдик... таълим муассасаларида тарихимиз ҳукуматнинг қатъий назорати остида ўргатилди ва кўп томонлар яшириб келинди. Энди Россия озод бўлди, ҳаққоний, ҳолис, янги тарих вужудга келади... Бунинг учун биз ўтмишдан қолган тарихий манбаларни сақлаб қолишимиз лозим, бу нафақат тарихни

яратиш, балки истиқболда бизнинг давлатимиз солномасини ёзишда ҳам муҳим аҳамият касб этади...

Бизнинг тарихий материалларимиз архив, музей ва кутубхоналаримизда сақланади.

1) Архивлар бизнинг фаолиятимиз ва ҳаётимизнинг барча тармоқлариға тегишли бўлган ҳали янги, ишлов берилмаган тарихий материалларни сақлаш учун тузилади. Уларда нафақат илмий тарихий маълумотлар, балки ҳуқуқий – то давлатдан тортиб оддий фуқаро ҳуқуқлариги доир ахборот ҳам сақлананаиб келади...

2) Музейлар илм ва санъат намуналарида барча соҳаларга тегишли кўргазма материалларни сақлайдилар.

3) Кутубхоналар бизнинг ҳаётимизда рўй берган ва содир бўлаётган воқеаларга оид материалларни маълум қилиниб, нашр этилган қўринища ўзида қамраб олади.

Бироқ ушбу, айтайлик, бир-бирига қардош бўлган муассасаларга шу вақтга қадар етарлича эътибор қаратилмаган ва уларга тегишли ҳуқуқлар берилмаган.... Айниқса архивлар бу борада анча камситилган ҳолатда. Улар учун на бинолар, на тайёрланган кадрлар ажратиб берилмаган... Архив масаласи, бу давлат масаласи ва у жуда муҳимдир. Бизда архивлар масаласи шунчалик ҳал этилмаганки, уни кейинга қолдириш мумкин эмас. Муваққат ҳукумати томонидан ушбу муаммо тез орада ечимини топиши учун барча ҳаракатларниамалга ошириш даркор. Вақтни кетмазмасдан, халққа зудлик билан мурожаат қилиб, улар архив, музей, кутубхоналарни асрашлари лозимлигини эълон қилиши керақ, давлат эса буларни қўриқлаш ишларини ўз зиммасига олиши лозим. Айни вақтда архивларни ташкил қилиш ва уларда шарт-шароитлар яратиш ишини боошлаб юбориш зарур.

Архив тизими марказлаштирилса, архивларга бўлган ҳаражатлар кўпаймади, балки аксинча, анча қисқаради... Архив ислоҳотларида бунга мисол топиш мумкин...

Англияда, гарча унинг ҳужжатлари бутун дунё бўйлаб тарқалган бўлсада, архивларни марказлаштириш масаласи бутун Буюк Британия учин Лондонда Умумий Давлат архивига ҳужжатларни жамлаш билан ҳал қилиб келинади. Францияда, Париждаги Миллий умумий архивдан ташқари, бутун мамлакат округларга бўлинган, ва буларнинг ўз архивлари мавжуд. Уларда ишлаш учун архивчи мутахассисларни тайёрлаш учун эса 1827 йилда асос солинган Ecole des Chartes – Хартиялар мактаби ташкил қилинган. Ушбу намунада бизда ҳам сўнгии вақтларда иккита давлат археология институти ташкил этилган – Петроград ва Москвада. Уларнинг ривожланиши учун ҳали анча ишларни бажариш лозим. Бу муассасаларга ҳам ёрдам керак. Улар ҳам, бутун Россия каби, ислоҳотлар, ўзгаришларга муҳтождир.

Архив соҳасида туб ўзгаришларни қилиш учун архив ислоҳотларини ўтказиш ташаббусини Давлат Думаси ўз зиммасига олиши даркор. Фақатгина унинг бошчилигига архив ишларини ташкиллаштириш мумкин. Давлат Думаси фаолияти даврида мамлакатда улкан архив материали тўпланиб қолди, уни Давлат Думасининг Намунавий Архивига жамлаш мақсадга мувофиқ.

Архившунос сифатида мен бу ишларнинг бошлаб бериб, хизмат қилишни ўз зиммамга олган бўлардим. Давлат Думаси Девонхонаси, мазкур ишни ташкил қилишни мнга топшириб, давлат архив ислоҳотини ўтказиш учун дастур тузиш имконини яратиб берди... Албатта, бундай улкан иш бир одамнинг қўлидан келмайди. Ушбу иш учун материал тўплаш, анкета тузиш зарур бўлади... Баъзи архивлар маълумотни тақдим этмоқдалар, бошқалари бунга эътиборсиз бўлмоқдалар. Шунинг учун архив ислоҳотини ўтказиш учун биргина ғоянинг ўзи етарли эмас, балки амалий ишларни бажариш учун кўпгина куч, ирода ва, асосийси, архив ишига муҳаббат ва фидоийлик талаб қилинади ”¹.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керак, архив ислоҳотини ўтказиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш билан ейинчалик Россия архив намоёндалари

¹ Маяковский И.Л. Очерки по истории архивного дела в России. 2-е изд. М., 1960. С.292-293.

Кенгаши аъзолари шуғулланганлар ва бу борада тарихси олимлар ва мутахассислар билан биргаликда анча ишларни амалга оширишга муваффақ бўлганлар.

Лебедев Александр Иванович (1881 йилда туғилган) XX аср биринчи чорагида Россияда архив ишининг ривожига катта ҳисса қўшган архившунос олим. Россия Денгиз вазирлиги архивида бошқарувчи сифатида ишлаб, уни Россия флоти ва денгизидораларининг марказий архивига айлантириш борасида сезиларли ишларни амалга оширган. Кейинчалик Россия архив намояндалари иттифоқи Кенгашига сайланган. 1917 йилдан йиллар давомида Архивлар бошқармаси марказий қўмитасининг (ЦКУА) бошқармаси таркибида ишлаган, маълум вақт унга раислик ҳам қилган, сўнг Башархивнинг (Главархив) Петроград бўлимида фаолият юритган ва 1924 йилда сиёсий “тозалашлар” натижасида у ердан бўшатиб юборилган. Олимнинг кейинги йиллар давомидаги ҳаёти ва фолияти ҳакида ҳозирча бошқа маълумотлар аниқланмаган¹.

А.Лебедевнинг 1913 йилда нашрдан чиққан “Муассасаларда иш юритиш жараёнлари архив иши таянчи сифатида” деб номланган асари машҳур². Ушбу тадқиқотда ўрганилган архив ишининг назарий масалалари борасида берилган хulosа ва маслаҳатлар, илмий билимлар Россия архив ишининг амалда равнақ топишига алоҳида таянч бўлди. Хусусан, Москва архиви қайта ташкил этилиб, унга шахсий (фамильний) фондлар киритилди, ЯДАФ IV секциясининг II бўлими қошида илк Архив курслари ташкил қилинди, кейинчалик Петроград археология институтида ҳам Архив курслари очилди ва уларда ўқув машғулотлари олиб борилди ва х.к.). Мазкур тадқиқот иши Россияда инқилобдан кейинги даврда архившунослик соҳасида нашр қилинган дастлабки назарий ишлардан бўлиб, архившунослик

¹ Хорхордина Т.И. История Отечества и архивы. М., 1998. С.125-127.

² Лебедев А.И. Делопроизводство в учреждениях как бизнес архивной работы // морской сборник. 1913. № 2. С.41-80. Яна қаранг:Хорхордина Т.И. История Отечества и архивы. М., 1998. С.125-127.

соҳасининг янги давлат тизими шароитларда ривожланиши бўйича қимматли йўриқнома вазифасини бажарган.

Денгиз архивларининг энг катта камчилиги сифатида олим архив хужжатларини сақлаш борасида йўл қўйиладиган хатоликларда деб белгилайди ва бунда доимий сақланадиган, вақтинчалик сақланиши лозим бўлган, шунингдек, маълумотнома сифатида сақланадиган хужжатларнинг аралаштирилиб юборилиши, бир жойда туришини қўпол хато сифатида белгилайди. Шунингдек, бунга доир аниқ меъёрий талабларнинг Россия қонунчилигига қайд этилмаганлигини алоҳида қайд этади: “Бизнинг қонунчилигимиз архивлар таснифида асосий бўлган жиҳат – уларни тарихий ҳамда жорий архивларга бўлиш лозимлиги ҳақида тасаввурга эга эмас. Шунинг учун ҳам архивлар олдида турган вазифаларнинг алмашиб кетиши рўй беради ва бу ҳолат хатоликларга, Денгиз бошқармаси архивларнинг ҳолати қониқарсиз аҳволда бўлишига олиб келади”. Қонунларда архивларнинг илмий мақсадлари ва ходимларнинг асосий вазифалари белгиланмаган. Умуман олганда, ушбу архившунос олимнинг келгусидаги асосий илмий қарашлари айнан архивларнинг илмий мақсадларини қонунлаштиришга қаратилган эди. Таъкидлаш жоизки, мазкур ҳолат Россияда айнан шу йилларда шаклланаётган классик архившунослиги асосида турган қарашлардан бирига айланган эди.

Ўз тадқиқот ишларида А.Лебедев архивларнинг илмий мақсадларини қонунлаштириш, архив иши принциплари, архив хужжатларидан фойдаланишни тўғри ташкиллаштириш, архив мулкини авайлаб-асраш тартиботи, архив муассасалари маъмурий тузилиши, архив фондларини ташкил қилишнинг назарий масалаларига атрофлича тўхталиб ўтган.

1917—1941 йилларда архив ишининг ҳолати. 1917 йили Февраль буржуа-демократик инқилобидан кейин Россияда тартибсизлик ҳолати ҳукм сурди. Петроград ва Москва шаҳарларида деярли бир вақтнинг ўзида ҳукуматни тепасига келган янги кучлар томонидан полиция ва жандарм кўриқчилик хизматларига тегишли хужжатлар ёқиб ташланди. Собиқ чор

хукумати бошқарувига тегишли бўлган хужжатлар турли гурухларга бирлашган янги ҳокимият тарафдорлари томонидан бинолардан улоқтирилди ва ёқиб юборилди. Қўплаб хужжатлар ёқилиб кетди.

Бундай шароитда архив хужжатларини сақлаб қолиш мушкул эди. Шунга қарамай, архивчилар Россия архив намояндалари иттифоқи ташаббуси билан архив тизимни тартибга солиш йўлида тинимсиз меҳнат килдилар. Мазкур иттифоқни машхур тарихчи олим А.С. Лаппо-Данилевский бошқаарди (1863–1919). Архивчилар билан биргалиқда ҳали энди шаклланиб бораётган совет хукумати томонидан тайинланган архив органлари ходимлари ҳам ҳаракат қила бошлашди ва ҳокимият тарафидан архив ишини бошқариш учун Д.Б. Рязанов тайинланган эди (1870–1938). Ушбу ҳамкорликдаги фаолият натижасида архив иши қонунчилиги шакллантирилди ва расмийлаштирилди, Россия архив соҳасида демократик, радикал ислоҳотни амалга ошириш ишлари бошланди, шунингдек, архив ишининг кўплаб тамойиллари шаклланиб борди.

1917 йилги октябр инқилобидан кейин Россияда архив соҳасини янги давлат тизими талаблари доирасида ташкил қилиш борасида қонунчилик яратиш ишлари йўлга қўйилиб борди ва 1918 йил 1 июлда “Архив ишини қайта ташкил этиш ва марказлаштириш тўғрисида”ги декрет РСФСР Халқ комиссарлари Кенгаши томонидан қабул қилинди. Бундан ташқари, 1918–1920 йилларда ХКК томонидан архивлар фаолиятига доир яна бир қатор меъёрий хужжатлар кучга киритилди. Натижада Россияда инқилобгача бўлган даврда мавжуд архивлар ҳамда Совет республикаси даврида фаолият юритаётган барча ташкилот, муассаса ва ташкилотларнинг умумдавлат халқ бойлиги деб эътироф этилди ва мамлакатда Ягона архив фонди ташкил қилинди (ЕГАФ). Бу борада қайд этиш лозимки, янги хукумат томонидан архив соҳасида қабул қилинган декрет мамлакат архив тизимини ривожлантиришнинг икки асосий йўналиши принципларига асосланган эди: 1) архивбошқаруви ишларини мутахассислар қўлида жамланиши; 2) архивлардан фойдаланиш хукуқини барча тадқиқотчиларга берилиши. 1929

йили архив ишини бошқариш мақсадида Марказий архив бошқармаси (ЦАУ) ташкил қилиниб, 1938 йилда унинг номи Бош архив бошқармаси (ГАУ)га ўзгартирилди. Ушбу бошқарма 1960 йилгача СССР ИИВга қарашли эди, кейинчалик эса у СССР Министрлар Кенгашига тасарруфига ўтказилди. 1958 йил август ойида Министрлар Кенгashi Давлат Архив фонди тўғрисидаги янги қарорни қабул қилди ва бу қарорга мувофиқ мазкур Давлат Архив фонди Бош архив бошқармасига тегишли деб эълон қилинди.

XX асрнинг 20–30 йилларида Россияда мавжуд архивларни сақлаш муаммоси архившунослар олдида турган энг долзарб вазифалардан саналиб, бунда нафақат Россия архив намояндадалири иттифоқи (РАД; 1919 йилдан бошлаб бу иттифоқ Жамият деб юритилган) аъзолари, балки бошқа кўплаб тажрибали тарихчи ва архившунос олимлар ҳам шуғулланганлари маълум. Уларнинг барчаси архивларни умуммиллий хазина ва Россия давлатчилиги рамзи сифатидаги аҳамияти туфайли сақлаб қолишдек эзгу ишга хизмат қилиш бирлаштириб турган.

Шундай фидоий архившунос мутахассислардан профессор, ўрта асрлар даври тарильчиси, Россияда кутубхона иши ташкилотчиларидан бири *Егоров Дмитрий Николаевич* (1871–1931, қатағонлик қурбони бўлган) номини эътироф этиш жоиз. Инқилобдан кейинги йилларда у биринчилар қаторида архив соҳасидаги ўзгаришларни аввало янги типдаги архивчини шакллантиришдан бошлаш керак, деган фикрни илгари сурган: “Архив ўзгариб бормоқда... ва илий жиҳатдан юқори мустақил аҳамият касб этмоқда, у энди у ёки бошқа бир ташкилотнинг таркибий қисми ёҳуд хужжатлар мавжуд жой эмас... Унинг таркиби “сир” бўлишдан ҳалос этилди, янги ташриф буюрувчи олдида на архив, на архивчи оқсанни мумкин эмас... Архив тўлалигича илмий ҳаётга тортилмоқда, уни шунга мос ҳолда қайта ташкиллаштиromoқ зарур... У улкан илмий тарзда айланувчи жараённинг

қисмига айланди, унинг ривожланишини тўхтатиш бутун бир жамият тараққиётини тўхтатиш билан баробардир”¹.

Бунда эътиборни икки масалага қаратиш даркор: биринчиси, архивларнинг қиймати, баҳосининг оширилиши, иккинчиси архив ривожи умумий тараққиётга таъсир кўрсатишидир. Егоров томонидан кўтариладиган учинчи масала, бу замонавий талабларга жавоб берадиган илмий савияга эга бўлган архивчиларни етиштириш муаммосини ҳал этиш йўлларини излашдир. Олимнинг архив назариясида кўтарган ушбу муҳим масала унинг асосий илмий ишларида чуқур ўрганилган.

Архивчи кадрларни тайёрлашда Россиянинг ўша даврдаги ҳолатига немис архив мактаби намунаси идеал ҳисобланишини исботлашга уринади ва бунга назарий ҳамда амалий далиллар келтиради. Кейинги ўринда у Франция Хартиялар мактабини намуна сифатида белгилайди.

Д.Н. Егоров ўзининг назарий қарашларида, илмий ишларида Россияда мазкур даврда архившунослик соҳасига оид билимларнинг эмпирик даражадан (яъни фаннинг шаклланиши босқичидан) мустақил архив фанига табиий-эволюцион йўл билан ўтишини аниқ далилларда исботлаб беради ва бунда ўтмиш билан боғлиқлик ришталари узилмай келаётганига алоҳида эътибор қаратади.

XX аср 40-70 йилларида Россияда архившунослик ва архив назарияси соҳасида нашр этилган илмий ишлар қаторида **Оксман Юлиан Григорьевич** (1895–1970)²нинг асарларини қайд этиш лозим. У Россияда классик архившуносликнинг асосчиларидан ҳам саналади. Архив соҳасида фаол меҳнат қилиб келган, шунингдек, педагогик фаолият билан шуғулланиб, Петроград археология институти қошидаги Архив кусрларида, кейинчалик Одесса археология институтида, сўнг эса Одесса археологик институтида

¹Егоров Д.Н. Образование архивиста на Западе // Архивное дело. 1923. Вып.1. С.13, 15. Яна қаранг: Илизаров Б.С. О необходимости очеловечивания исторической науки, архивоведения и архивного дела // архивоведение и источниковедение отечественной истории. Проблемы взаимодействия на современном этапе. Докл. И тез. Выступл. На третьей Всерос. Конф. 25-26 февраля 1999 г. М., 1999. С. 92-98.

² Из переписки Ю.Г.Оксмана /Вступ. и примеч. М.О.Чудаковой, Е.А.Тодеса // Четвертые тыняновские чтения. Рига, 1998; Эджертон В. Первые и последние встречи с Ю.Г.Оксманом // Археографический ежегодник за 1995 год. М., 1997. С.90-104.

дарс берган. Олим архив соҳасидаги фаолияти давомида Археографик комиссияси, тарихий-инқилобий хужжатларни жамлаш ва тадқиқ этиш комиссиясии бршқарган. Петроград шаҳридаги Тарихий-инқилобий ва Давлат архивларида ишлаган. РСФСР Марказий архивининг тузилишида фаол қатнашган. Генерал-губернаторининг Новороссийск Архиви қошида Одесса тарихий архивини ташкил қилган. Одесса археология институтига асос солган ва унда ректор лавозимида ишлаган, кейинчалик Одесса ижтимоий ва гуманитар фанлар институтининг музей-архив-кутубхоначилик бўлимини бошқарган. Саратов университети профессори, Москва полиграфия институти ходими лавозимларида фаолият юритган.

Архив соҳасига оид қатор илмий изланишлар муаллифи бўлиб, “Архив ишининг назарий масалалари”, “Архив муассасасини ташкил этиш ва тузилиши”, “Археография комиссияси йўриқномаси”, “Архив, музей, кутубхоналарда сақловхоналарни сақлаш тартиби”, “Архив хужжатлари қимматдорлигини аниqlаш мезонлари” ва б.ларда архившунослик, архив назарияси, архив амалиётига оид билимлар юзасидан маслаҳатлар, тавсиялар, илмий мушоҳадалар юритган. Архив хужжатларини таснифлашнинг назарий масалалари, архив фондларини ташкил этиш принциплари, архив сақловхоналарини жиҳозлашнинг ўзига хос хусусиятлари, архивларда шарҳлар, йўлқўрсаткичлар тузиш тартиб-қоидалари каби мухим муаммолар юзасидан изланишлар олиб борган.

Мазкур даврда архив назарияси соҳасида илмий изланишлар олиб борган архивчи олимлардан бири –**Бельчиков Николай Федорович** (1890–1979). Россияда у адиблар ҳаёти ва ижодини тадқи этган мутахассис, тарихий, тарихий-адабий очерклар муаллифи, архив назарияига оид илмий қатор илмий ишлар олиб борган мутахассис, Фанлар академияси аъзоси сифатида танилган. Архившунослик соҳасида яратган энг йирик асари – бу “Археография назарияси” китоби.

Н.Бельчиков рус архившунослари орасида биринчилар қаторида архив иши “назарияси ва амалиёти” атамаларининг илмий шарҳини келтирган.

Гарчи кейинги йиллар тадқиқотчилари ушбу атаманинг моҳиятини чуқурроқ талқин бўлсалар-да, Бельчиков архив атамашунослигида илмий мушоҳадалар юритган тажрибали мутахассис ва олим сифатида тан олинган.

Унинг асарларида шунингдек, архив атамашунослигида доир илмий мушоҳадалар ўрин олган. Жумладан, “архив иши”, “архив сақловхонаси”, “архившунослик”, “археография”, “археография предмети”, “археография масалалари”, “архив назарияси предмети”, “архив назарияси ва амалиётининг боғлиқлик жиҳатлари”, “совет археографияси”, “архив фонди”, “архив ҳужжати”, “архив ҳужжати қимматдорлиги” ва ҳ.к. архившунослик соҳаси билан боғлиқ атамалар хусусида маълумотлар берилган. Олим замонавий архивларнинг мақсадлари, бажарадиган функциялари, давлат ва жамият, ҳалқ олдидаги бурчи, вазифалари, архивларнинг ўрни, архивчи кадрларни етиштириш каби муҳим масалалар билан боғлиқ илмий талқинларни ўз асарларида келтириб ўтган.

Н.Бельчиковнинг архив соҳасида олиб борган илмий тадқиқотлари нафақат Россияда, балки қатор хорижий нашрларда ҳам чоп қилингани адабиётларда қайд этилади¹.

XX асрнинг 80-90 йилларида Россияда архившунослик соҳаси йўналишлари – архив иши назарияси ва амалиёти, архив иши тарихи, хорижий давлатлар архивлари тарихи, архивларда иш юртиш, архивларнинг илмий-маълумотнома аппарати ва ҳ.к. бўйича талайгина илмий изланишлар амалга оширилди, қатор монография, ўқув адабиётлари, илмий мақолалари чоп қилинди.

Ушбу даврда ижод қилган В.Н. Автократов², Е.В.Старостин³, Т.И.Хорхордина¹, Б.С.Илизаров², Н.В. Бржовстовская³, И.В. Карапетянц⁴.

¹ Бельчиков Н.Ф. Отчет о деятельности Кубанско-Черноморского областного архивного управления за 1920 год // Сборник материалов и статей: Редакция журнала «Исторический архив». М., 1921. Вып.1. С.245. Яна қаранг: Хорхордина Т.И. История Отечества и архивы. М., 1998. С.130-134.

² Автократов В.Н. Теоретические проблемы отечественного архивоведения. М., 2001.

³Старостин Е.В. Архивы России: Методолог.аспекты архивоведческого знания. М., 2001. С. 9.; Архивология // Реализм исторического мышления: проблемы отечественной истории периода феодализма: Чтения, посв. памяти А. Л. Станиславского: Тез.докл. М., 1991. С. 240.

Е.В. Старостин асарларида хорижий мамлакатларда архившунослик, архив иши тарихшунослиги, жаҳон архивлари тарихи даврлаштирилиши, архившунослик соҳасида хорижий тажрибалар, арив ишида ҳалқаро ҳамкорлик, хорижий архившуносликнинг назарий масалалари тадқиқ этилган⁵.

Масалан, “Хорижий архившунослик” (“Зарубежное архивоведение”) китобида Ғарбий Европа ва АҚШ мамлакатларида архив тарихшунослиги мавзуси XVI асрлардан то замонавий даврга қадар таҳлил этиб берилган⁶. Айниқса архив материалларни таснифлашда фондлар бўйича ташкиллаштириш масалалари хорижий ва Россия архивлари мисолида алоҳида тадқиқ қилинган. Замонавий архив бошқарув тизими ва ундаги иш юритиш услублари хусусида маълумотлар тўпланган, хорижий мамлакатлар ва Россияда архив иши назарияси ва методологияси тўғрисида фактик материаллар, илмий таҳлиллар, шарҳлар ўрин олган. Европа ва АҚШда архившунослик соҳасида бажарилган илмий, услугбий ишларнинг таърифи бажарилган. Россияда XX асрда архив соҳасида амалга оширилган ислоҳотларнинг архивлар тараққиётига бўлган таъсири таджрижий кетмакетликда баён қилинган. Шу тариқа чет мамлакатларда архив иши назариясининг долзарб муаммоларининг турли тарихий давларда қўйилиши ва ҳал қилиниши, назарий масалалар ечими борасида олимлар олиб борган саъй-ҳаракатларга китобнинг ҳар бир бандида, ҳар бир архившунос олимга берилган таърифларда қайд қилиниб, ушбу муаммоларни ҳал қилиш йўлида амалга оширилган ёки бажарилиши лозим бўлган ишлар хусусида ўз фикрини билдирган.

¹ Хорхордина Т.И. Открытие В. Н. Автократова: Предисл. // Автократов В. Н. Теоретические проблемы отечественного архивоведения. С. 18–19.; От архивоведения к архивософии? // Труды ИАИ. 1996. Т. 33. С. 177–192.; Российская наука об архивах. История. Теория. Люди. София, 2015.650 с

² Илизаров Б.С. О необходимости очеловечивания исторической науки, архивоведения и архивного дела // Архивоведение и источниковедение отечественной истории. Проблемы взаимодействия на современном этапе: Докл. и тез.выступл. на третьей Всерос. конф. 25–26 февраля 1999 г. М., 1999. С. 38–39.

³ Бржостовская Н.В. Развитие архивного дела с древнейших времен до наших дней. М., 1979.

⁴ Карапетянц И.В. Экономические архивы Западной Европы и США до начала XX века. М., 1997.

⁵ Старостин Е.В. Архивы России: методологические аспекты архивоведческого знания. М., 2001. 278 с.

⁶ Старостин Е.В. Зарубежное архивоведение: проблеми истории, теории и методологии. Москва, 1997. 332 с.

Олим архившуносликни кўпроқ аниқ фанларга яқинлаштирган ва уни инсон фаолиятининг турли соҳалари билан боғлиқлигини қайд этган, жумладан, давлат, сиёсий, моддий, маънавий соҳалар билан боғлиқлик томонларини таҳлил қилган.

Мазкур асарда чет эллик архившунослар ва уларнинг меҳнат фаолияти билан боғлиқлик жиҳатлари ҳақида ахборот келтирган ва уларда архившунослик назарий масалаларининг ёритилишига алоҳида аҳамият берилган. Масалан, Я. Раминген, Б. Бонифаций, Агасфер Фрич, Георг Аебблин, Я. Бернгард Мульц, Жанн К.Г. Гюнтер, Ф. Штусс, И.Г. Шелхорн, А. Бодье, Л. Де Лаборд, Г. Ришу, П.В. Ланглуа, Р.А. Ботье, Т. Шелленберг ва б.нинг архившунослик соҳасида олиб борган фаолияти, илмий изланишлари, чоп қилган асарлари хусусида маълумотлар келтирган.

Архив назарияси билан бевосита боғлиқ бўлган тадқиқотларидан бири, бу – “Архившунослик билимларининг методологик жиҳатлари” (“Методологические аспекты архивоведческого знания”) асари¹ ва унда архившуносликнинг ўрганиш обьектлари, тармоқлари, архив соҳаси билимларининг архив амалиётида қўллаш услублари, археографик ишлар олиб бориш методикаси, архившуносликда илмий ишлар бажариш методологияси, архившунослик илмий тадқиқотларининг ўзига хос жиҳатлари, архивчи кадрларни етиштириш масалалари, архив ишининг назарий масалаларида архивларнинг илмий-маълумотнома аппаратининг ўрни, ИМА туркумидаги маълумотномаларни тузиш усуллари каби муҳим назарий муаммоларга доир масалалар бўйича мушоҳада, фактик маълумотлар, амалий тавсиялар келтириб ўтган.

Бржостовская Нина Валерьевна. Жаҳон архивлари тарихи хусусида илмий изланишлари билан айниқса машхур. Россияда жаҳон архивлари бўйича умумлаштирилган асарларни илк бор яратишга мувваффақ бўлган. Қадимги даврдан бошлаб то ҳозирги замонгача бўлган тарихий даврларда,

¹Старостин Е.В. Архивы Россиии: методологические аспекты архивоведческого знания. М., 2001. 278 с.

яъни қадимги дунё, ўрта асрлар, янги ва энг янги даврларда Европа, АҚШ, Осиё мамлакатларида архивларнинг пайдо бўлиши, тарақкий этиши, замонавий тарзда иш юритишга ўтиши, архив материаллари турлари, архив хужжатлари мазмуни, архив сақловхоналари ва жиҳозлари тўғрисида асосли маълумотларга бой илмий, укув адабиётлар яратган. Муҳими шундаки, олима архивлар тарихини ўрганилаётган давр ва мамлакатнинг тарихий ходисалари билан чамбарчас боғлиқликда ёритган, уларнинг хусусиялари билан солиштириб холосалар берган.

Россияда архившунослик тарихшунослиги, архив иши назарияси ва амалиёти ва бошқа архив соҳасига оид йўналишларда фаол илмий изланишлар олиб борган яна бир олим, бу – *Хорхордина Татьяна Иннокентьевна* бўлиб, унинг асарлари Россия ва Европа давлатларида ҳам чоп қилинган.

У ўз тадқиқотларида архивлар тарихи, архивларнинг тараққиёт босқичлари ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари, муаммолари, архившуносликнинг назарий масалалари ва амалий қўлланилиши, архив муассасаларида иш юритиш тартиботи, шунингдек, Россия архившунослари ҳаёти ва ижодига бағишлиб илмий изланишлар олиб борган ва шунга доир масалаларга ойдинлик киритишни мақсад қилган. У қўплаб тарихий фактлар, тарихшунослик материаллари, архивларнинг назарий ва амалий фаолиятининг қирралари билан боғлиқ қимматли маълумотларни илмий муомалага киритишга муваффақ бўлган.

Олиманинг “Архивлар ҳақидаги Россия фани. Тарих. Назария. Инсонлар” (“Российская наука об архивах. История. Теория. Люди.”) китоби ҳажм жиҳатдан анча катта бўлиб (650 бет), унда Россияда архив соҳасига оид билимлар тараққиётини ўрганиш, шунингдек, ўқувчини архив соҳасини ўрганишга бўлган қизиқишиларини ошириш, ўзи ва ўз мамлакати тарихи билан боғлиқ тарихий фактларни абадийлаштиришга интилиш ҳиссини тарбиялаш асосий мақсад қилиб белгиланган ва бу борада Россияда архив иши тарихининг илмий-назарий жиҳатдан давлаштириш, таниқли

архившунос олимларнинг мамлакат архившунослик соҳаси ривожига қўшган ҳиссасини ўрганиш, Россия давлат ва ижтимоий тизимида архившунослик қарашларининг тараққий этиши ҳамда жамият ҳаётида тутган ўрнини атрофлича баҳолаш каби долзарб масалалар ёритиб берилган.

Китобда архившуносликнинг Россияда шаклланиши, турли тарихий даврларда ижод қилган олимлар, архив соҳасида фаолият олиб борган машҳур архив намояндалари, уларнинг архив фани ва архив соҳасига қўшган ҳиссаси, архив назариясига оид билимлар ривожи, назарий масалаларни амалиётга татбиқ этиш суратлари хусусидаги билимлар ўзига хос тарзда – яъни хронологик тарзда ва айни вақтда олимларнинг фаолияти доирасида ҳам ёритиб берилган, маълум мавзу доирасидаги мушоҳада тарзида берилган. Қизиқарли томони шундаки, асарда библиографик маълумотлар бир қаторда архив назариясининг эволюцион босқичлари хусусида мушоҳада юритилган ва қимматли материаллар тақдим этилагн. Россияда архившуносликка оид назарий ва амалий билимларнинг давлат тизими, жамият ҳаёти ривожи билан боғлиқ томонларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Асарни ўқиган киши россияда архившунослик билимлари тараққиёти ва айни вақтда архив соҳаси тарихшунослигига доир аниқ маълумотларга эга бўлади, чуқур илмий мушоҳада, танқидий таҳлил билан танишишга муяссар бўлади. Мутахассислар томонидан Т.Хорхординанинг ушбу асари архив ҳақидаги фаннинг фундаментал тарзда шаклланишида катта аҳамиятга эга деб баҳоланади.

Карапетянц Ирина Владимировна. Россияда ушбу даврда архившунослик соҳасида ҳам илмий, ҳам ўқув-услубий адабиётларни чоп қилган таниқли тарихчи, архившунос, ҳужжатшунос оима. Унинг асарлари ҳозирги кунда нафақат Россия олий ўқув юртлари, балки бошқа хорижий мамлакатлар, шу жумладан, Ўзбекистонда кенг танилган ва улардан ўқув жараёни дасрларида, илмий тадқиқотлар олиб боришда кенг фойдаланилади.

Ушбу тадқиқотчи кўпроқ хорижий мамлакатлар архившунослиги , архивлар тарихи соҳасида изланишлар олиб борган. Шунингдек, чет

давлатларида архив соҳасига оид илмий адабиётларни таҳли қилган. Архивларда иш юритилиши тарихи ва ҳозирги ҳолатига таъриф берган. Қизиқарли томонларидан бири, у ўз асарларида архив ва архив иши тарихини жаҳон тарихи воқелери билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ёритишга ҳаракат қилган ва бунга доир кўплаб қимматли маълумотларни илмий адабиётлар, манбавий ҳужжатлар, даврий матбуот саҳифаларидан тўплашга муясса бўлган. Олиманинг илмий ишлари ва ўқув адабиётлари ўзига хос усулда ёзилган бўлиб, улардан архив соҳасига оид билимларни ўзлаштириш тартибли тарзда кечади ва бу билан ўқувчиларга анча қулайлилар туғдиради. Тадқиқот ишларида архившунослик турли масалаларига тўғталиб ўтилган, хусусан, архивлар тарихи ва турли тарихий даврларда архивлар ҳолати. Уларда иш юритиш тартиби, ҳужжатлар тури, архивларнинг илмий-маълумотнома аппарати, архив ҳужжатшунослигига оид ҳужжатларнинг тури ва юритилиши билан боғлиқ масалалар талқин қилинган.

Архивлар таснифи, турларига кўра таркиби, архивларда иш юритиш, архившуносликнинг назарий жиҳатдан ўрганилиши муаммолари И.В.Карапетянц томонидан ёзилган “Фарбий Европа ва АҚШ иқтисодий архивлари”¹. Асарда Фарбий Европа ва Америка Кўшма Штатларида архив сақловхоналари, архив муассасаларининг пайдо бўлиши, бунинг тарихий омиллари, ушбу ҳудудларда қадимиги даврдан замонавий дарвгача бўлган вақтда кечган тарихий воқеаларнинг архив ишига бўлган таъсири, архивларнинг турлари, таснифи, таркиби, ҳужжатлари турлари, архив муассасаларининг ҳудудий ва даврий ўзига хос жиҳатлари, архивларни ташкил қилиш ва уларда иш олиб боришнинг назарий масалалари ечимининг амалиётда жорий қилиниши тадқиқ этилган. Шунингдек, Франция, Англия, Германия, голландия, Швейцария, Швеция, АҚШда иқтисодий архивлар фаолияти, уларнинг назарий ва амалий масалалри мавзусида тадқиқот олиб борган олимлар ва уларнинг асарларига қисқача тўхталиб ўтилган².

¹ Карапетянц И.В. Экономические архивы Западной Европы и США до начала XX века. М., 1997. 230 с
² Уша жойда, 7 б.

Архивлар таснифи келтирилиб, ҳар бир гурух архивлар фаолиятининг назарий ва амалий жиҳатларига доир мулоҳазалар келтириб ўтилган. Жумладан, сарой архиви, ибодатхона архив сақловхоналари, қадимги давр архив-кутубхоналари, зодагонлар хусусий архивлари, олимларнинг шахсий архив ва кутубхоналари, банк архиви, ишлаб чиқариш архиви, хунарманд архиви, фермер архиви, савдо архиви, илмий-техника архиви, илмий архивларда ишнинг ташкиллаштирилиши, архивларнинг назарий масалалари ва тараққий этиши, шунингдек, уларнинг ҳудудий жиҳатларини талқин қилган.

Архив ишининг тараққий этиши ва назарий жиҳатлари қадимда Месопотамия, Мирс, Юнонистон, Рим давлатлари, ўрта асрлар ва янги даврда Европа мамлакатлари ва АҚШда архивларнинг турлари бўйича таҳлил этилган ва уларда архив иш юритилиши, архив ҳужжатлари, архив ходимлари, архивларнинг тарихий воқеалар билан боғлиқлиги, архив ислоҳотларининг моҳияти ва аҳамияти, архившуносликнинг назарий масалаларини талқин қилиш нуқтаи назаридан кўриб чиқилган.

Умуман олганда, XX асрда Россия архившунослари томонидан олиб борилган илмий изланишлар кенгқамровли бўлиб, уларда архивларнинг тарихи, тарихшунослиги, архив атамашунослиги, архив иши тараққиёти, архив назарияси ва амалиёти, архивлар эволюцияси ва назариядаги тадрижийлик, хорижий мамлакатлар архиви ва назарий масалалари, халқаро архив ташкилотлари ва архив соҳаси ривожи муаммолари ёритилган.

Х У Л О С А

Хорижий мутахассис олимларнинг XVI – XX асрлар мобайнида архив назариясига оид илмий тадқиқот ишларини уч босқичда ўрганиш мақсадга мувофик, бўлиб бу қуидагилар:

Биринчи босқич XVI – XVIII асрларда архив соҳаси ривожига ўзининг амалий ва назарий ҳиссасини қўшган олимларнинг илмий тадқиқот ишларини қайд этиш лозим. Ушбу даврда жаҳоннинг турли ҳудудларида архивлар ҳали асосан сарой, ибодатхоналарнинг хазиналарида, девонхоналарда регистратура бўлимларида, зодагонларнинг уйларидаги шахсий архивларида, ишлаб чиқариш корхоналари, банк ва савдо ташкилотлари хужжатлар сақловхоналарида фаолият юритган ва уларда архив хужжатшуносликнинг оддий шакллари муомалада юритилгани, архив сақловхоналарини жиҳозлаш, регистратура хужжатларини юритиш қоидлари, архившуносликда қўлланиладиган атамалар талқинига мутахассислар кўпроқ эътибор қаратганлар; кейинчалик архивларнинг мустакил ташкилот сифатида ажralиб чиқиб ташкил топиши, уларнинг функциялари, уларда қўлланиладиган жиҳозлар, ускуналар, архив хужжатларини сақлаш, расмийлаштириш ва улардан фойдаланишини йўлга қўйиш, архивларни турларга таснифлаш каби масалаларга асосий эътибор қаратилган. Мазкур даврда архивлар фаолиятига доир назарий масалалар ҳам кўпроқ амалиёт билан боғлиқ бўлиб, тавсия, йўриқнома характеристидаги тадқиқотларда ўрганиб чиқилган.

Жаҳонда айниқса машхур бўлган архившунослардан: Якоб фон Рамминген, Балтазар Бонифаций, Агасфер Фритч, Георг Аеббтлин, Якоб Бернгард Мультц, Жан Мабильон, П.К.Лемуан, Ф.Э.Шписс, К.Х.Гюнтер, Ф.Штусс, Иоганн Стефан Пюттернинг, Льер Камилль Лемуан, Баттеней, Марье, Карл Готлоб Гюнтер, Иоганн Георг Шелхорн, Карл Фридрих Бернгард Цинкернагельн, Георг Август Бахман, Йозеф Антон Егг, Л.де Лаборд Бордье, Франц фон Леэр, Виктор Лоэве, Э.Себастьяно, П.Тад

томонидан олиб борилган илмий изланишлар ва нашр қилингандарни қайд қилиш мақсадга мувофиқ.

Иккинчи босқичда, XIX аср давомида яшаб ижод қилган архившунос олимлар, мутахассисларнинг илмий изланишлари ўрганиш мумкин. Ушбу даврда дунёning турли мамлакатларида архившуносликка бўлган қарашларнинг ўзгариб бориши натижасида рўй берган ўзгаришлар архив назарияси соҳасида изланишлар олиб борган соҳа мутахассислари, олимларнинг эътибор марказида бўлган ва бу борада талайгина назарий ишлар амалга оширилган. Ушбу тарихий даврда жаҳонда илм-фан, техниканинг тез суръатларда ривожланиши, сиёсий қарашларнинг ўзгариб, инқилобий воқеаларнинг бўлиб ўтиши, айрим мамлакатларда ишлаб чиқариша ва ижтимоий ҳаётда янги муносабатларнинг юзага келиши натижасида турли соҳаларда ислоҳотлар олиб борилиб, архив соҳасида ҳам кенг ўзгаришлар юзага келган ва булар архивларнинг назарий масалалари бўйича олиб борилган илмий изланишларда ўз ифодасини. Архивларнинг турига кўра архив хужжатларини сақлаш, хужжатларни сақлаш муддатларини белгилаш, архив хужжатшунослиги учун ягона шаклларни ишлаб чиқиш, архивларнинг атамашунослик базаси янада мустаҳкамлаш, тарих ва архившунослик мактабалари ташкил қилиш ва архивчиларни тайёрлаш масалаларига бағишлиланган илмий тадқиқот ишлари амалга оширилган.

Булар қаторида қўйидаги олимларни қайд қилиш лозим: С.Мюллер, И.Фейт ва Р.Фруин, Хилари Дженкинсон, Пьер Франсуа Фурнье, Эудженио Казанова, Пио Пеккъаи, Серафино Пистолезе, Шарль Ланглуа, Роберт-Анри Эмиль Ботье яратган илмий ишлари айниқса муҳим аҳамиятга эга.

Учинчи босқичда XX асрда жаҳон мамлакатларида архив ишининг назарий ва амалий масалаларини тадқиқ қилган олимларнинг тадқиқот ишлари назарда тутилади. Мазкур даврда архивлар алоҳида соҳага ажralиб чиқиши жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида кузатилган, улар давлат томонидан тўлиқ назоратга олинган ва бошқарилган, марказий, миллий,

идоравий архивлар тизими шакланган ва уларга давлат бошқаруви тизими ўрнатилган. Аксарият ривожланган давлатлар архив тизимида мамлакатнинг маъмурӣ-ҳудудий бўлиниши, давлат бошқаруви тизими ва жамиятнинг маданий анъаналари ўз аксини топган. Мазкур юз йилликда архившунослик илмий фан сифатида шакланган, миллий мактаблар вужудга келган, халқаро архившунослик ташкилотлари ташкил этилган. Шу боис архивларнинг вазифалари кўлами ҳам анча кенгайган, ҳужжатлар юритишда ягона тизимлар жорий қилинган, архивларни такомиллаштириш бўйича талаблар илгари сурилиб, уларни бажариш юзасидан тавсиялар, йўриқномалар ва бошқа адабиётлар, илмий изланишлар олиб борилиши жадаллашган. Жаҳонда рўй берган сиёсий, иқтисодий, маданий, маънавий ўзгаришлар архив ҳужжатлари таркиби, мазмуни, ўз навбатида, таснифи ва турларининг кўпайишига олиб келган, жумладан, магнит, электрон ҳужжатлар пайдо бўлган. Ва бу ҳолатлар архивларда иш юритиш, фонdlар ташкил қилиш, архив ҳужжатларини туркумлаш ва сақлашда янги ёндошувлар, тартиб-қоидалар, услубларни ишлаб чиқилишини тақозо қилган. Архившунослик, ва шу жумладан, архив назарияси йўналишида ҳам олимлар томонидан мазкур масалаларни ҳал қилиш, вужудга келган муаммоларни бартараф этиш, архивларнинг тараққий этиш йўлларини, истиқболдаги фаолиятини ташкил қилиш бўйича олиб борган тақиқотлари ҳам фаоллашган, илмий ишлар кўлами кенгайган.

Бу даврда қуйидаги олимлар ижод қилганлар: Н.В. Калачов, Д.Я. Самоквасов, С.А. Белокуров, В.В. Шереметьевский, А.С. Николаев, Н.Н. Оглоблин и И.Л. Маяковский, С.Лаппо-Данилевский, С.Н. Валк, Б.Д. Греков, А.Е. Пресняков, Б.А. Романов, А.И. Андреев, В.В. Снигирев, Н.Ф. Бельчиков, Ф.А. Ниневе, А.И. Лебедев, А.П. Воронов, Д.Н. Егоров, С.Ф. Платонов, А.Ф. Изюмов, В.И. Веретенников, А.С. Николаев, С.П. Мельгунов, Ю.А. Оксман, Авткратов В.Н., К.Г.Митяев, С.О.Шмидт, В.И.Козлов, Е.В.Старостин, Н.В.Бржовстовская, И.В.Карапетянц, Т.И.Хорхордина; Кухн, Фоукалт, Дуранти, Фукал, Франк Болс, Жулиа М., Хелен Самуел, А.Греене, Todd Ж.,

Даниелс Хоуелл, Грин, Кендес Лоуен, Берннт Фредреекссон, Хиллари Женкинсон, Шелленберг, Сю Маккемиш, Ангелика Менне-Харитз, Лусиана Дуранти ва бошқаларнинг самарали меҳнати ва илмий изланишларни қайд этиш лозим. Олимларнинг архив назарияси бўйича олиб борган илмий тадқиотларида архившуносликка доир қўплаб масалалар ёритилган, архивларнинг турли даврлардаги ўзига хос жиҳатлари, эволюцияси, улардаги иш юритишнинг назарий ва амалий муаммолари ечимига доир қимматли мулоҳазалар келтирилган.

Умуман олганда, архив назарияси тарихининг хорижий олимлар томонидан ўрганилиши бўйича яратилган адабиётлар таркибида: монография, илмий мақола, ўқув қўлланма, услубий адабиёт, шунингдек, кўрсаткич, шарҳ турларидаги адабиётлар мавжуд. Уларда соҳа мутахассислари архив назариясининг ўзи ҳамда унинг турли тарихий даврларда олимлар томонидан яратиб келиниши ва такомиллашиши борасидаги билимлари, фикр-мулоҳазалари ва таклифларини баён этганлар. Мавзу бўйчия илмий адабиётлар сони кўп, бироқ уларни хорижий адабиётлар асосида комплекс тарзда ўрганилиши борасидаги тадқиқотлар бизнинг мамлакатимизда ҳозирча бажарилмаган. Ушбу муаммони ҳал этиш учун:

- архив назарияси тарихи ва тарихшунослиги муаммосини тизимли тарзда ўрганишни йўлга қўйиш лозим;
- ушбу мавзу доирасидаги хорижий адабиётларни таржима қилиш ишларини жадаллаштириш зарур;
- хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан олиб борилган ва амалга оширилаётган мавзуга доир илмий ишларни таққослаш, таҳлил этиш ва тажрибалардан фойдаланишни кенгайтириш мақсадга мувофиқ;
- архившунослик бўйича амалга оширилаётган илмий изланишларда услубий ва таҳлилий масалаларига чуқурроқ эътибор қаратиш яхши самаралар бериши туфайли, бундай изланишларни жадаллаштириш жоиз.

АДАБИЁТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017.

Асосий адабиётлар

3. Автократов В.Н. Из истории централизации архивного дела в России. 1917–1918 // Автократов В.Н. Теоретические проблемы отечественного архивоведения. М., 2001. С.313.
4. Баскаков Э.Г. Архивное дело в США / В кн.: «Архивное дело в зарубежных странах». Очерки. – Вып.1. – М., 2010.
5. Бржостовская Н.В. Методологические вопросы изучения архивного дела. // Бржостовская Н.В. Развитие архивного дела с древнейших времен до наших дней. М., 1979.
6. Виноградов Н.В., Гармаш В.Н. Современное архивоведение в США: проблемы и поиски решений. – М., 1987.
7. Каменский А.Б. Архивное дело в России XVIII века: Историко-культурный аспект. М., 1991.
8. Маяковский И.Л. Очерки по истории архивного дела. М., 1981.
9. Старостин Е.В. Архивы России: методологические аспекты архивоведческого знания. М., 2001. 278 с.
- 10.Старостин Е.В. Зарубежное архивоведение: проблеми истории, теории и методологии. Москва, 1997. 332 с.
- 11.Хорхордина Т.И. История Отечества и архивы. М., 1998.
- 12.Duranti, L., & MacNeil, H. (1996). The protection of the integrity of electronic records: An overview of the UBC-MAS research project.

Archivaria.

- 13.Jenkinson Hilary. A Manual of Archive administration including the Problems of War Archives and Archive administration including the Problems of War Archives and Archive making. Oxford, 1962.
- 14.John Ridener. From polders to postmodernism: an intellectual history of archival theory. California, USA. 2007. P.170.
- 15.Schellenberg, T. R. (2003). Modern archives: Principles and techniques.Chicago: Society of American Archivists. (Original work published 1956).

Қўшимча адабиётлар

16. Автократов В.Н. Из истории формирования классификационных представлений в архивоведении. М., 1988. С.11-15.
17. Бельчиков Н.Ф. Отчет о деятельности Кубанско-Черноморского областного архивного управления за 1920 год // Сборник материалов и статей: Редакция журнала «Исторический архив». М., 1921. Вып.1. С.245.
- 18.Белова Г.А. Советские архивисты в США // Новая и новейшая история. № 1. – М., 1967.
- 19.Белокуров С.А. Из записной книги Н.Н.Бантыш-Каменского. М., 1899.
20. Бухерт В.Г. Археографическая деятельность князя М.А.Оболенского // Археографический ежегодник за 1994 год. М., 1996. С.56-67.
- 21.Дремина Г. А., Чернов А. В.Государственные архивы СССР. М., 1984 г., С.67.
22. Виноградов В.М. Вопросы критики методологии и теории современного буржуазного архивоведения // Актуальные проблемы архивоведения и документоведения в свете решений XXVI съезда КПСС. Сб.ст. М., 1984. С.45-56.
23. Голубцов И. Архивист Голландии о проведении в порядок и описании архивов. М., 1995. С.90.

24. Егоров Д.Н. Образование архивиста на Западе // Архивное дело. 1923. Вып.1. С.13, 15.
25. Калайдович К.Ф. Записка о жизни Н.Н.Бантыш-Каменского, управляющего Московским архивом Коллегии иностранных дел // Вестник Европы. 1814. № 6. Отд. 3. С.114-134;
26. Калачов Н.В. Архивы, их государственное значение, состав и устройство // Труды 1-го археологического съезда в Москве. 1869. Т.1. С.207-218,
27. Карапетянц И.В. Экономические архивы Западной Европы и США до начала XX века. М., 1997. 230 с.
28. Козлов В.П. Н.Н.Бантыш-Каменский и некоторые вопросы актовой археографии второй половины XVIIIв. // археографический ежегодник за 1977 год. М., 1978;
29. Королев Г.И., Старостин Е.В. Путеводитель по Национальному архиву США. // “Советские архивы”, 1976. № 6. – С.90-92.
30. Лаппо-Данилевский А.С. Методология истории. СПб., Вып.1. 1910; Вып.2. 1913. Маяковский И.Л. У истоков развития истории архивов зарубежных стран. М., 1992. С.205.
31. Лебедев А.И. Делопроизводство в учреждениях как бизнес архивной работы // морской сборник. 1913. № 2. С.41-80.
32. Из переписки Ю.Г.Оксмана /Вступ. и примеч. М.О.Чудаковой, Е.А.Тоддеса // Четвертые тыняновские чтения. Рига, 1998; Эджертон В. Первые и последние встречи с Ю.Г.Оксманом // Археографический ежегодник за 1995 год. М., 1997. С.90-104.
33. Илизаров Б.С. О необходимости очеловечивания исторической науки, архивоведения и архивного дела // архивоведение и источниковедение отечественной истории. Проблемы взаимодействия на современном этапе. Докл. И тез. Выступл. На третьей Всерос. Конф. 25-26 февраля 1999 г. М., 1999. С. 92-98.

- 34.Михайлов Е.В. Методологические проблемы истории архивного дела в современном французском архивоведении. М., 1980. С.267-270.
- 35.Маяковский И. Л. Исторический очерк архивного дела в России. Пг., 1920. С. 39–40, 42.
- 36.Маяковский И.Л. Очерки по истории архивного дела в России. 2-е изд. М., 1960. С.292-293.
37. Самошенко В.Н. История архивного дела в дореволюционной России. М., 1999. С.54-56.
- 38.Шохин Л.И. Н.В. Калачов и Д.Я.Самоквасов как реформаторы архивного дела в России (опыт характеристики по архивным документам). М., 1994. С.183-190.
- 39.Старостин Е.В. Архивы России. М., 1983. С.21-22.
- 40.Чанцева В.И. История развития хранилищ документальных материалов в зарубежных странах. М., 1981. С.81-82.
- 41.Bachmann Georg August. Über Archive, deren Natur und Eigenschaften, Einrichtung und Benutzung nebst praktischer Anleitung fur angehende Bonifasius Balthasar. De Archivis Liber singularis. Venedig, 1632.
- 42.Beard, D. (1994). Archival strategies. American Archivist, 58, 374-407.
Retrieved March 30, 2007.
- 43.Bordier Henri. Les Archives de la France. Paris, 1855.
- 44.Casanova E. Archivistica. 2 ed. Siena, 1928.
- 45.Foucault, M. (1970). The order of things: An archaeology of the human sciences. (A.M. Sheridan Smith, Trans.) New York: Random House.
- 46.Gabriel Richou, Solomon Reinach, Arthur Giry, Victor Ch.Langlois, Charles Seignobos, Paul Havet, Maurice Prou etc. – Ibid.
- 47.Giussanus Nicolaus. Methodus Archiviorum, seu modus cadus cadem texehdi as disponendi Mediolani, ex Typographia Francisci Vigoni, in foro Piscario Veteri, 1864.
- 48.Gunther Carl Gottlob. Über die Einrichtung der Hauptarchive, besonders in deutschen Reichslanden. Altenburg, 1783.

49. Holtzinger Georg. Handbuch der Registratur und Archivwissenschaft. Leipzig, 1908.
50. Kloss R.M. Die Archivalische Zeitschrift und deutschen Archivzeitschriften des 19. Jahrhunderts // Archivalische Zeitschrift, 1977.
51. Laborde L.de. Les la France, leurs vicissitudes pendant la Revolution, leur regeneration sous L'Empire. Paris, 1867.
52. Langlois Ch.V., Stein H. Les archives de l'histoire de France. Paric, 1897.
53. Langlois Ch.V. La science des archives // Revue international des archives. 1985 № 1.
54. Loher Franz v. Archivlehre. Grunzuge der Geschichte, Aufgeben und Einrichtung unserer Archive. Paderborn, 1890.
55. Loewe Victor. Das Deutsche Archivwesen. Breslau, 1921.
56. Muller S., Feith J.A., Fruin R. Handleidung voor het orbenen Beschrijven van archieven. Groningen, 1898.
57. Oegg Josef Anton. Ideen einer Theorie der Archiwissenschaft. Gotha, 1804.
58. Pistolese S. Les archives europeenes du XI siècle a nos jours. Roma, 1934.
- Putter Johann Stephan. Anleitung zur juristischen Praxis. Gottingen, 1753.
59. Rammingen J. von. Von der Registratur und Gebaunden und regiment. Heidelberg, 1571.
60. Richou Gabriel. Traite theorique et pratique des Archives publiques. Paris, 1997.
61. Samuels H. Improving our disposition: Documentation strategy. Archivaria, 33. 2012, P.125-140.
62. Zinkernagel Karl Fredrich Bernhard, Handbuch fur angehende Archivare und Registratoren. Nordlingen, 1800.
63. Stoler Ann Laura. Along the archival grain: epistemic anxieties and colonial common sense. Princeton and Oxford. 2014. Princeton University Press. P. 316.
64. Stoler Ann Laura. Colonial Archives and the Arts of Governance. // Archival Science 2: 87–109, 2016.